

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХҮЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**«СУВ ХҮЖАЛИГИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ  
ВА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ»  
факультети**

**«СУВ ХҮЖАЛИГИ ЭЛЕКТРОТЕХНИКАСИ ВА УНИ  
АВТОМАТЛАШТИРИШ»  
кафедраси**



**«ИНЖЕНЕРЛИК ИШЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИНСОН  
ФАКТОРИ» фанидан**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ – 2009**

Ўқув қўлланма 5520200 – Электроэнергетика (Сув хўжалигида), 5521800 – Автоматлаштириш ва бошқарув таълим йўналишлари бакалаврлари ва шу йўналишлар бўйича магистратура мутахассислари учун мўлжалланган бўлиб, электр тармоқларда техник эксплуатация амалларини бажараётган оператор ходимларнинг фаолияти доирасида юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар, оператив диспетчер хизматини ташкил қилиш, эксплуатациянинг ҳавфсизлик масалалари, энергосистемада ишни ташкил қилиш масалалари, инсоннинг машина билан муносабатлари белгилаб берилган. Ўқув қўлланма «Ўзбекэнерго» ДАҚ корхоналари ходимлари учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Ўқув қўлланмада «Инсон-техника-муҳит» системаси масалалари, жумладан инсоннинг ишлаш ва дам олиш шароитлари таҳлил қилинган.

Тақризчилар

С. Амиров-ТТИМИ «Электр таъминоти» кафедраси мудири  
Газиназарова С.- ТИМИ «Хаёт фаолияти ҳавфсизлиги»  
кафедраси доценти, т.ф.н.

Муалифлар:

Техника фанлари номзоди, доцент Абдуғани Рахматов  
Техника фанлари номзоди, доцент Рустам Баратов  
СХЭваА кафедраси асистенти Эркин Собиров

# **МУНДАРИЖА**

<b>Кириш.....</b>	<b>5</b>
<b>1-боб. Эргономика – инсон фактори ҳақидаги фан.....</b>	<b>7</b>
1.1.Инсон фактори нимани англатади? Эргономик кўрсаткичлар .....	7
1.2. Инсон фактори ва ҳавфиззлик. Инсон фактори муаммоларини ишлаб чиқиш.....	10
1.3. Эргономика фан сифатида, унинг тавсифлари.....	13
<b>2-боб. «Инсон-техника-муҳит» системасида функцияларнинг тақсимланиши.....</b>	<b>15</b>
2.1. «Инсон-техника-муҳит» системасининг кўрсаткичлари .....	15
2.2. «Инсон-техника-муҳит» системасининг классификацияси. Техник воситалар ва элементларнинг вазифалари.....	16
2.3. Инсон «Инсон-техника-муҳит» системасининг асосий компоненти сифатида. Оператор фаолиятини баҳолаш.....	18
<b>3-боб. Иш ўрнини лойиҳалаш ва ташкил этишининг эргономик асослари.....</b>	<b>30</b>
3.1. Иш ўрни ва уни ташкил қилиш.....	30
3.2 Иш ўрнини эргономик кўрсаткичларини аниқлаш.....	32
3.3.Операторнинг ишчи ҳолатини танлаш. Физик ва кимёвий кўрсаткичларни ҳисобга олиш .....	39
3.4. Оператор кўрсаткичларини ҳисобга олиш.....	46
<b>4-боб. Бошқариш органларини лойиҳалаштиришнинг эргономик асослари.....</b>	<b>51</b>
4.1 Қўлда бошқариш асослари. Бошқариш органларини классификацияси..	51
4.2 Бошқариш органларига талаблар, лойиҳалаштириш.....	52
<b>5-боб. Маълумотларни қабул қилиш воситаларини лойиҳалаштиришнинг эргономик асослари.....</b>	<b>58</b>
5.1 Маълумотларни қабул қилиш, қайд қилиш воситалари.....	58
5.2. Кўринувчи (визуал) маълумотларни қабул қилиш воситаларни ишлаб чиқиш.....	62
<b>6-боб. Маълумотларни қайта ишлаш, қарор қабул қилиш ва операторнинг бошқарувчи ҳаракатлари.....</b>	<b>66</b>
6.1 Оператор томонидан маълумотларни қайта ишлаш воситалари... ..	66
6.2. Маълумотларни тахлил қилиш ва қарор қабул қилиш.....	67

<b>7-боб. Иш муҳитини лойиҳалаштиришнинг эргономик асослари.....</b>	<b>71</b>
7.1. Иш муҳитини лойиҳалаштиришнинг эргономик асослари, умумий тушунчалар.....	71
7.2 Иш муҳити факторларининг классификацияси.....	72
7.3 Иш муҳитининг атроф муҳит факторлари, кимёвий факторлар.....	76
7.4 Иш муҳитининг физик факторларига қўйиладиган талаблар.....	77
<b>8-боб. Операторларнинг меҳнатини ва дам олишини ташкил қилишининг эргономик асослари.....</b>	<b>78</b>
8.1. Операторларнинг меҳнат ва дам олиш режимлари.....	78
8.2. Иш ва дам олиш режимларини ишлаб чиқаришнинг эргономик асослари. Операторнинг ҳолатини назорат қилиш.....	81
8.3 .Операторнинг малакавий тайёргарлиги.....	83
<b>9-боб «Инсон- техника- муҳит» системасини баҳолаш.....</b>	<b>96</b>
9.1. «Инсон- техника- муҳит» системасини баҳолаш мезонлари.....	96
9.2. «Инсон- техника- муҳит» системасининг ишонччилигини баҳолаш..	99
9.3. «Инсон- техника- муҳит» системасида меҳнат муҳофазаси.....	102
<b>10-боб. Операторлар гурухининг биргаликдаги фаолиятининг эргономик асослари.....</b>	<b>106</b>
10.1 Операторлар гурухининг мидиэргономик системалардаги фаолияти..	106
10.2 Операторларнинг биргаликда ишлашининг социал- психологик аспектлари.....	109
<b>Пейхасов тести.....</b>	<b>113</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.....</b>	<b>117</b>

## Кириш.

XXI асрда инсоният автоматлаштириш, кибернетика эрасини ўзлаштириши ва ечиши, қўл меҳнати яратувчилик йўналишида бўлиши зарур. Бу борада «Инсон техника-муҳит» системасининг ўзаро алоқаларини ва муносабатларини ҳисобга олишимиз зарур. Турли эраларда, фан техниканинг даражасига инсоннинг интеллектуал даражасига қараб системада функциялар турлича тақсимланади. Бу ерда ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон факторини ҳисобга олмоқ зарур. У турли томонларни ўз ичига олиб кўпқамровли бўлади: инженерлик психологияси, индивидуал ахлоқ меъёрлари, инсон характеристери билан боғланган кўрсаткичлар, эргономика, биологик хусусиятлар, иқтисодиёт, маданият ва бошқалар.

Инсон факторининг кўрсатиб ўтилган аспектларининг ечимлари даражасидан келиб чиқиб:

- конкрет шароитларда уларнинг ўзаро таъсирида юзага келувчи инсон – техника - муҳит билан боғланган интеграл кўрсаткичлари.
- «Инсон-техника – муҳит» системасининг самарадорлиги, охир оқибат унинг рақобатбардошлиги,
- инсон факторининг муаммолари, айниқса автомат бошқариш системалари яратища мухимдир. Чунки системаланиш даражаси инсон фактори билан боғланган оқибатларни қучайтиради. Янги яратилган система инсон вақтини тежаши, кўринишили, автомат равишда функцияланувчи бўлиши зарур.

Инсон фактори у ёки бу рақобатбардошли товар ишлаб чиқаришда ҳам мухим ўрин тутади. Товарнинг асосий кўрсаткичи бу унинг сифатидир. У инсон фактори билан боғланган қўйидаги кўрсаткичлар билан характерланади:

- ишончлилик кўрсаткичи (тўхтамай ишлаш, узоқ вақт хизмат қилиш, тузатишга яроқлилик).
- эргономик кўрсаткичлар (гигиеник, антропометрик, физиологик ва бошқа ишлаб чиқариш, маиший жараёнларда машина ва жиҳозлар билан ишлаганда юзага келади).
- эстетик кўрсаткичлар (аниқ кўзга ташлануачи информацион, шаклининг самаралилиги, композициясининг яхлитлиги ва бошқалар).
- ҳавфсизлик кўрсаткичлари (химоя воситаларининг ишга тушиш вақти, электр ҳимоя ва бошқалар).

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатли муҳитнинг мавжудлиги уларнинг сифати ва бошқарувига алоҳида эътибор беришни тақазо қиласди. Махсулот сифати ва самарадорлиги орасида тўғри пропорционаллик мавжуд. Демак, инсон фактори, инженерияда ва ишлаб чиқаришда, махсулотнинг самарадорлигини ошириш ва унинг сифатини яхшилашда мухим аҳамият касб этади. Биринчидан машина ва техникани яратувчилар хамда жараёнларни ишлаб чиқувчилар лойиҳалаштириш босқичидаёқ эргономика психологиясининг илмий асосларидан келиб чиқиб, инсон фактори муаммоларини самарали ечишлари лозим.

Иккинчидан машина ва техник воситаларни яратувчи ва синовчилар инсон фактори бўйича лойиҳа ечимларини талаб даражада бўлишини таъминлашлари лозим.

Учинчидан системани эксплуатация қилувчи инсон-ходимлар (компонент) эргономик ечимлар ва инженер психологик факторларни ҳисобга олиб тайёрланган бўлишлари зарур. Яна бошқарувчи меҳнати хусусиятларини (спецификасини) ва унинг мазмунини аниқ белгилаб олиш зарур.

Фанни ўрганишда инсонни (одамлар гурухини) мураккаб техник системаларда фаолияти таҳлил қилинади. Чунки инсон нима билан шуғулланса, у билан ўзаро таъсирда бўлса, уларнинг самарадорлигига таъсир қиласди. Шунинг учун техник системаларда инсонни информация, қурилмалар, материал массаси ва энергия билан интеграллашуви яратувчиликнинг барча босқичларида: лойиҳа, тайёрлаш, ишлатиш, эксплуатация, рўйхатдан чиқаришда таъминланиши зарур.

Бу интеграллашувнинг сифати ҳаёт сифати, меҳнатдан қониқиши ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлиб, меҳнатни ташкил қилиш шакли ва таркиби билан белгиланади. Кўлланма «Автоматлаштириш ва бошқарув» йўналиши бакалаврлари учун мўлжалланган бўлиб, замонавий инженерияда фаолият кўрсатувчи инженер техник ходимлар учун фойдали бўлади.

## **1- БОБ. Эргономика – инсон фактори ҳақидаги фан.**

### **1.1. Инсон фактори нимани англатади? Эргономик күрсаткичлар**

Инсоният қадимдан атроф мұхит билан, мәңнат қуроли билан ўзаро муносабатда бўлиб, ўз фаолиятларининг самарадорлиги ўзаро муносабатлар шароитларининг ўзгаришига боғлиқ эканлигини кўрдилар. Ҳозирда инсоният олдида кибернетика эрасини ўрганиш ва яратиш вазифаси турибди, бундан ташқари автоматлаштириш ва механизациялаштириш эрасини такомиллаштириш, инсон қўл мөннатини интеллектуал характеристерли даражада бўлишини, ижодий фаолият кўрсатишини таъминлаши зарур.

Ҳар қандай ҳолда биз «Инсон-техника–мұхит» системасига эга бўлишимиз мумкин. Фан техника тараққиётiga қараб система компонентларининг функциялари, системавийлиги ўзгариб боради. Инсоннинг ўрни қисман ўзгариб бориши ёки системанинг такомиллашиб боришига қарамай, инсон фактори муаммолари доимо ўз ечимини кутиб қолади.

Инсон фактори кенг маънода жамият ишлаб чиқариши самарадорлигига маълум бир таъсир кўрсатувчи комплекс\_кўрсаткичлар бўлиб, мотивация, қадриятлар системаси, инсон турмушининг моддий ва маънавий шароитлари билан боғланган бўлади. Тор маънода техник восита ва инсон алоқаларининг интеграл кўрсаткичлари, эргатив системанинг фаолиятида «инсон – техника» ўзаро таъсирининг конкрет шароитларида юзага келувчи бўлади. Инсон фактори АҚШда малака ва билимлар соҳасини билдиради. Европа ва Россияда у «Эргономика» деб юритилади. Тўғридан тўғри таржима қилинса, «Эргономика» - «Инсон факторлари инженерияси» деган маънони англатади.

«Инсон-техника–мұхит» системаси инсонни информация, материаллар, қурилмалар ва энергия билан интеграллайди. Инсон факторини ҳисобга олиш фактат инсон-оператор фаолиятининг самарадорлигини ошириб қолмай, бутун системани шаклини ўзgartириб, қурилмалар, мұхит билан ўзаро таъсирини янгилашга қаратилади. Инсон фактори ҳақидаги фан инсонни техника билан биргалиқдаги фаолиятини, хулқини ўрганади.

Инсон фактори фанининг мақсади «Инсон-техника–мұхит» системасининг фаолиятини оптималлаштиришdir.

Фаннинг масалалари:

- Ишлаб чиқариш унумдорлигини ва сифатини ошириш;
- Ҳавфсизликни таъминлаш (қулай иш шароитини яратиш);
- Инсоннинг соғлигини ва иш қобилиятини сақлаб туриш;
- Бошқариш органларини ишлаб чиқиш.

Инсон фактори доиралари ва кўрсаткичлари 1 – чизмада берилган.

### Эргономик инсон факторлари кўрсаткичлари

#### ИНТЕГРАЛ кўрсаткичлар

антропометрик

гигиеник

физиологик

психофизиологик

психологик

#### ДИФФЕРЕНЦИАЛ кўрсаткичлар

Ишчи холатнинг самаралиги қурилма ва бошқариш  
органларини

Антрапометрик кўрсаткич мослиги

Етиб бориши масофаси оптимал қийматлари

Микроиклим

ёритилгандлик

ерга уланганлик

Техниканни мускул кучига түғри келиши

Кўриш анализаторининг хусусияти

Эшитиш анализаторининг хусусияти

Сезиш анализаторининг хусусияти

Қабул қилиш хусусиятлари

Эътибор хусусиятлари

Хотира хусусиятлари

1- чизма. Инсон фактори кўрсаткичлари.

Антрапометрик кўрсаткичлар техник объект кўрсаткичларини у билан ишловчи одам-оператор гавда формаси ва ўлчамларига тўғри келишини кўрсатади. Антрапометрик кўрсаткичларнинг дифференциал кўринишлари оператор-одамнинг иш жойидаги ҳолати, рационал ўрнашганини, бошқариш воситаларининг ишчи зонасини қўл, оёқ, қараш майдонидалиги билан характерланади. Инсон факторининг интеграл гигиеник кўрсаткичлари инсон-операторнинг ҳаёт фаолиятини ва ишчанлигини эргатив система билан алоқаларини кўрсатади. Бу иш ўрнида нормал микроиклим ҳосил қилиш, техника ва операторга ташқи таъсирларни камайтириш, ҳавфсизликни таъминлашдир.

Дифференциал гигиеник кўрсаткичлар бу- ёритилганлик, ҳаво алмашиниши, ҳарорат, намлик, босим, радиация, шовқин, титраш, электромагнит нурланишлар, ортиқча юкланишлар ва ҳоказо.

Интеграл физиологик ва психологик кўрсатгичлар «Инсон-техника – мухит» кўрсатгичларининг куч, тезлик, энергетик кўриш, эшиши, сезиш, ҳид билиш имкониятларига мослигини кўрсатади. Бунда оператор инсоннинг ёши, психологияси, жинси ҳисобга олинган ҳолда бажарилади. Унинг интеграл психологик кўрсатгичлари техник обьектнинг қуидагиларга мослигини кўрсатади:

- психомотор, фикрлаш, хотира, қабул қилиш имкониятлари ва хусусиятларига;
  - қайта ишга қўйилган операторда янги қўнималарни ҳосил қилиш;
  - группали ўзаро таъсир даражаси ва характеристика;
- Буларнинг барчаси дифференциал кўрсатгичларга мос келади.

Ҳозирда инсон фаолияти доираси (сфераси) анча кенгайган ва кўплаб мутахассисликларни ўз ичига олган.

- инсон фактори бўйича мутахассислик функцияси;
- инсон факторининг назарий асослари;
- функционал таҳлил;
- меҳнат фаолияти ва уни лойиҳалаштириш;
- ўраб турган қурилмалар ва иш ўрнини лойиҳалаштириш;
- ишчи мухитни; лойиҳалаштириш;
- ҳавфсизлик ва соғломлаштиришни режалаштириш;
- операторни танлаб олиш ва тайёрлаш учун система ишлаб чиқиш (ложиҳалаштириш);
- фаолиятни моделлаштириш;
- компьютер системалардан фойдаланилганда ва лойиҳалашда инсон фактори;
- инсон факторини компьютер системаларида қўллаш;

Келтирилган мутахассисликлар комплекси инсон фактори ҳақидаги фан сферасига муҳим, сунъий интеллектни лойиҳалаштириш а ва эксперт системаларни яратиш ва фойдаланиш билан боғланган йўналишлар киришини, инсон ресурсларидан оптималь фойдаланиш ечимлари киритилганини кўрсатади.

## **1.2. Инсон фактори ва ҳавфсизлик. Инсон фактори муаммоларини ишлаб чиқиш**


Замонавий жамиятда турли даражадаги «Инсон-техника–муҳит» системалари мажуд бўлиб, уларнинг ҳавфсизлик масалалари муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолади. Системадаги мавжуд ҳавф:

Д=Н\*Р ифодадан аниқланади,  
бу ерда: Д – ҳавф  
Н - тасодиф  
Р – хатар

Тасодиф инсон ҳаётига ёки соғлигига заар қелтиришига сабаб бўлиши мумкин бўлган қатор ҳолатлар сифатида аниқланади.

Бундай тасодифларни йўқотиш билан инсон фактори мутахассислари шуғулланадилар. Ҳавфсизлик техникаси инженерлари, буюртмачи ходими. риск (ҳавф – хатар) кўпроқ индивидуум назоратида бўлади. У бахтсиз ҳодиса бўлишини била туриб шу амални бажариш мумкин ёки йўқлиги ҳақида қарор қабул қиласди, ҳавфга қўйиш ёки қўймаслик ҳақида қарор қиласди.

Демак «Инсон-техника–муҳит» системасида ҳавфни минимумга қелтириш учун ёки тасодифларни йўқотиш ёки уларга ҳавф – хатарни “0” га қелтириш зарур. Бу масалаларни ечишда қўйидаги модел тавсия этилади:



Бу модел қўйидагича кенгайтирилиши мумкин:

Лойиха - «Инсон-техника – муҳит» системасини лойиҳалаштириш жараёнида инсон соғлиги ва ҳаётига ҳавф солиши мумкин бўлган тасодифларни йўқотиш зарур. Ҳавфсизлик нуқтаи назаридан яхши лойиҳа – бу барча ҳавф минимал бўлганидадир.

Олиб ташлаш - Агар лойиҳа бир неча тасодифларни йўқота олмаса мавжуд ҳавф олиб ташлаш қисми билан амалга оширилади, яъни масофадан бошқариш, робот техникасини қўллаш, манипуляторлар, автоматлардан фойдаланиш ёрдамида инсон фаолияти иштироки олиб ташланади (йўқотилади).

Химоя – Агар лойиҳа ва олиб ташлаш бандларида тасодиф – ҳавф хатар сақланиб қолса, системани ишлаб чиқиш (loydicha) жараёнида ҳавфли таъсирлардан одамни химоя қилиш масаласини ечишлари зарур.

Асрар – Агар ҳавф тасодифлар системасида сақланиб қолса, лойиҳада инсонларни асрар масаласи ечилиши- транспарантлар ишлаб чиқиш зарур.

Машқ қилиш – Аввалги босқичларда ҳавфни йўқотиш имконияти бўлмаса, лойиҳада ходимларни ҳавфдан сақланиш бўйича машқлари ишлаб чиқилади.

Ривожланган давлатларда хизматлар индустриясида ва саноатда эргономик фаолиятга инсон фактори таъсирини камайтириш кўпроқ социал ижтимоий буюрма бўлиб қолмоқда. Бу буюртма жамоатчиликнинг, соғлиқни сақлаш органларининг, касаба уюшмалар талабларининг, бозор таъсири ва рақобатли курашнинг доимий таъсирида қолмоқда. Бу борада АҚШ саноатини (1986 й) тўлиқ ўрганиб чиққан комиссиянинг хулосалари эътиборга лойик. Бу хулосаларга кўра давлат миқёсида қабул қилинаётган чоралар қуйидаги бешта ўзаро боғланган ишончли талабларни ҳисобга олиш зарур:

Биринчидан келажакга йўналтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун кўпроқ маблағлар сарфланиши керак. Бу ерда фақат асосий ишлаб чиқариш фондларига эмас, балки инсон ресурслари бўйича илмий изланишларга ҳам маблағ сарфланиши зарур.

Иккинчидан янги иқтисодий муҳит ҳосил қилиниши, иш жойларида компания ишчиларга «Инсон-техника–муҳит» системасида бир винтча деб қарамай уларга умумий ишдаги тўла хуқуқли ҳамкор деб қараш зарур. Бунда ҳар бир ишчи ўз меҳнатидан қониқиши олади, меҳнати учун юқорироқ маош олади.

Учинчидан ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш принципларига жиддий тўғирлашлар киритиш зарур: Техник воситаларни конструкциялаш ва ишлаб чиқиш, маҳсулот ишлаб чиқаришини режалаштириш, сотиш ва реклама, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш.

Тўртинчидан ҳамкорлик ва кооперация принципларини шахсий фаолиятлар принциплари билан яхши мос келишига интилиш зарур.

Бешинчидандан ўсиб бораётган рақобат шароитида жаҳон бозорида олдинда бўлиши жаҳон ҳамжамиятини субъектларининг ҳаётини жабҳаларини ўрганиш зарур (тил, маданият, қонунлари, одатлари).

### **1.3. Инсон фактори муаммоларини ишлаб чиқиш. Эргономика фан сифатида, унинг кўрсаткичлари**

Инсон фактори муаммолари «Инсон-техника – муҳит» системасининг барча ҳаётий цикллари босқичларида ишлаб чиқилади: лойиҳалаш, тайёрлаш, мумомала қилиш, сотиш, фойдаланиш, тузатиш, рўйхатдан чиқариш.

Системали лойиҳалашнинг техник топшириқ ишлаб чиқиш босқичида қуйидаги масалалар ечилади:

- Лойиҳаланаётган системада ходимлар сони қанча бўлиши керак ва улар қандай вазифаларни бажаришади?

- Ходимларга фаолиятида қандай талаблар қўйилади ва улар қандай принципда танлаб олинади?

Техник лойиҳа ишланишида қуйидаги масалалар ечилади:

- Инсон фактори нуктаи назаридан қайси лойиҳа варианти самаралироқ бўлади?.

- Тавсия этилаётган ходимлар уларнинг олдиларига қўйилган барча муаммоларни еча оладиларми?

- Ходимларга қўйилган юкламадан улар зўриқмайдиларми, кучлари етадими?
- Қандай факторлар хатоликларни юзага келтириш мумкин, уларнинг олдини олиш ёки йўқотиш мумкинми?

Ишчи лойиҳани бажаришда қуидаги масалалар тўлақонли ечилади:

- Таклиф этилган қайси система ости варианtlари яхшироқ?
- Танланган вариант масалаларини ечиш учун ходимлар тайёргарлиги даражаси қандай бўлиши зарур ва бу даража система талабларини қониқтирадими?
- Ходимлар қандай тайёргарликдан ўтиши зарур?
- Ишчилар зўриқмай ишлайдими, зўриқиб ишлашини қандай қилиб олди олинади?
- Кўзда тутилган воситалар, ишлаб чиқариш жараёнлари, уларнинг техник кўрсаткичлари, лойиҳа умуман эргономика талабларига мос келадими?

Тайёрлаш босқичида ечиладиган масалалар:

- Тайёрланишдаги кўрсаткичлари, эргономика бўйича мос келадими?
- Лойиҳада кўзда тутилган функцияларни ходимлар самарали бажара оладиларми?
- Лойиҳадаги қайси номутаносибликлар ўзгартирилиши мумкин?

Эксплуатация босқичида «Инсон-техника – муҳит» системасидаги операторларни танлаш, тайёрлашдан ташқари уларни жамоа бўлиб фаолият кўрсатиши ва қундалик ўзини тутиш масалалари ҳам ечилади, системани ишчи ҳолида ушлаб туриш, система талабларини тўлалигича бажариш, оператор ҳолати ва фаолияти натижаларини назорат қилиш, психологик кўрсаткичларини такомиллаштириш, эксплуатация – техник хужжатлар ишлаб чиқиши. Баъзи бир ҳолларда оператор ҳолати узлуксиз назорат қилиб туриши зарур. «Инсон-техника – муҳит» системасининг техник қисмини рўйхатдан чиқаришда инсон фактори муамолари экологияни асраш билан боғланган бўлади. «Инсон-техника – муҳит» системасини ишлаб чиқиша юқорида кўрсатилган фаолият масалаларини қуидагича бажариш зарур:

Инсон фактори бўйича мутахассисларнинг фаолиятининг мазмуни:

- I. Техник топшириқ ишлаб чиқаришда.
  1. Техник топшириқни тақриз қилиш. Барча фаолият факторлари ҳисобга олинганлигини текшириш.
  2. Системада оператор хулқини таҳлил қилиш.
  3. Оператор хулқ – автори энг кўп таъсир қиласидиган, қийинчиликларни ечиш билан боғланган қисмларни аниқлаш.
- II. Эскизда, техник лойиҳа.
  1. Масала ва функциялар таҳлилини давом эттириш.
  2. Функцияларни тақсимлаш, хулқ кўрсаткичларини ўрганиш.
  3. Махсус таҳлил
  4. Инсон факторининг лойиҳа маълумотларини ишлаб чиқариш.
  5. Инсон фактори нуқтаи назаридан лойиҳа ечимларини танқид қилиш, тақриздан ўтказиш.
- III. Ишчи лойиҳа.

1. Лойиҳаланаётган «Инсон-техника – муҳит» системасидаги алоқалар ва (тадбирларни) амалларни баҳолаш ва тақриз қилиш.
2. Ахлоқ фаолият кўрсаткичларини ўрганиш.
3. Қурилмалар деталлари ва бошқаларнинг техник воситалари бўйича лойиҳачиларга тавсиялар ишлаб чиқиш.
4. Ишчи лойиҳани тақриз қилиш.
5. Ходимларнинг ишчанлигига миқдорий баҳо бериш.
6. Лойиҳа маълумотларига инсон фактори бўлимини янгилаш.
7. Ходимларни тайёрлаш программасига талаблар ишлаб чиқиш.
8. Ходимларни фаолияти хулқини моделлаштириш ва синаш.

#### IV. Тайёрлашда:

1. «Инсон-техника – муҳит» системасини синовларида иштирок этиш.
2. Инсон факторига тегишли ишчи синовларини (ўтказиш) бажариш. Системани баҳолаш ва уни такомиллаштириш учун тавсиялар ишлаб чиқиш. Эргономика нима? Инсон фактори ҳақидаги фан эргономика дейилади. Эргономиканинг бир неча кўринишлари бор. Эргономика грекча «эрғон» – иш, «номо» – қонун сўзларини англатиб, инсонни кучини, соғлигини, ишчанлигини сақловчи, қулайлилар туғдирувчи оптимал иш шароитлари яратиш учун меҳнат жараёнини ўрганувчи фандир.

Эргономика яна «Инсон-техника–муҳит» системасини лойиҳалаш, баҳолаш ва такомиллаштириш муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб бориш ва ечимларни топувчи фан соҳасидир. Эргономика фани инсонни иш жойида ўзини тутишни, аъзоларининг ҳаракатини ўрганиб, иш ўрнида қулай шароитлар яратиш, иш унумдорлигини ошириб энергия сарфини камайтиришни мақсад қилиб қўяди.

Эргономика инсон иш қуроллари ва воситаларини такомиллаштириш, иш жараёнини ва шароитини яхшилаш учун, одамнинг мақсади ёки одамлар гуруҳининг фаолиятини ўрганувчи фандир.

Эргономика бу «Инсон-техника – муҳит» системасида оптимал иш шароитлари учун системадаги мавжуд муаммоларни ўрганувчи фандир. Эргономиканинг мақсади ва вазифалари инсон учун энг қулай меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш маҳсулот сифатини яхшилаш.

Эргономикани ўрганиш обьекти «Инсон-техника–муҳит» системасининг элементлариидир.

Эргономиканинг ўрганиш услублари – системали (кўпқиррали) ёндошиш.

Эргономика предмети инсонни ёки одамлар гуруҳининг меҳнат фаолиятидир. Яна эргономика янги техника ва технологиялар ишлаб чиқища, тегишли иш шароитларини яратиша инсон факторини ўрганувчи фандир. Эргономика системасини мураккаблигига ва қамровига қараб уч гурухга бўлишимиз мумкин:

- Микроэргономика – Инсон машина системасини лойиҳалаш ва ўрганиш билан шуғулланувчи
- Макроэргономика «Инсон-техника – муҳит» система қилишни ўрганувчи
- Мидиэргономика «Коллектив- машина» системасини ўрганади.

Иш бажаришда энергия сарфини камайтириш, иш унумини ошириш, иш шароитини яхшилашни таъминловчи масалаларни ечади.

Эргономика инсонни (ёки жамоани) ва унинг ишлаб чиқариш шароитида фаолиятини, меҳнат шароитини, иш қуролларини меҳнат жараёнини такомиллаштириш мақсадида ўрганувчи фандир.

## Назорат учун саволлар

- 1 Эргономика нима?
- 2.Эргономика шакларига тушунтириш беринг.
3. «Инсон-техника – муҳит» системаси элементларига таърифлар беринг.
4. «Инсон-техника – муҳит» системасида операторнинг ўрни қандай?
  6. . Инсон фактори муаммолари қандай тартибда ишлаб чиқилади?
  7. Инсон фактори бўйича мутахассисларнинг фаолиятининг мазмунига таъриф беринг?
  8. Инсон фактори нимани англатади?
9. Микроэргономика нима?
- 10.Макроэргономика нима?
- 11.Мидиэргономика нима?

## **2 боб. «Инсон-техника-муҳит» системасида функцияларнинг тақсимланиши.**

### **2.1 «Инсон-техника-муҳит» системасининг кўрсаткичлари**

«Инсон-техника-муҳит» системаси - бу комплекс мақсадларга эришиш учун маълум бир чегарада ўзаро таъсирида бўлган инсонлар ва машиналар мажмуудир.


Самолётлар, корабллар поездлар, техник қурилмалар, маданий майший обьектлар, шифохона, бирлашмалар, уюшмалар – бир биридан фойдаланилаётган машиналарнинг миқдори ва мураккаблиги билан фарқ қилувчи техник системалардир. Бу системада инсоннинг мавжудлиги уни мақсадига мувофиқ, режа асосида фаолиятини таъминлайди. Системадаги маълум бир қарашли кўрсатгичларга мос равишда якуний махсулот олинади ёки тегишли вазифалар амалга оширилади. Инсон системанинг мақсадини, вазифаларини белгилайди. Вазифаларни бажариш учун воситалар танлайди, уни амалга оширади. Системанинг дастлабки ҳолати бўлиб, инсоннинг мақсадига мувофиқ фаолияти қолади. Адбиётларда «техника» ибораси ўрнига «машина» термини кўлланилади.

2-1-Чизмада «Инсон-техника-муҳит» системасининг структуравий схемаси келтирилган.

Техника системасини (бошқариш органи, машина ҳолати, кўрсатиши воситалари) инсон фактори бўйича мутахассис кўради. Кўрсатиши воситалари (визуал, товуш) машинани инсон эътиборига ҳолати ва қўриниши ҳақида тасаввур ҳосил қилдиради. Бошқариш органлари воситасида инсон машина ҳолатига тегишли ўзгаришлар киритади. Бу блоклар машинанинг эргономик аспектларини аниқлайди. Машина ва унинг подсистемаларини турли мутахасислар жамоаси яратади, мураккаблигига қараб бунда турли вақт сарфланади. (конструкторлар, технологлар...).

Инсон фактори бўйича мутахассис – инсон психофизиологик характеристикаларга жавоб берувчи кўрсатиши ва бошқариш воситалари характеристерини белгилайди. Мутахассис «Инсон-техника-муҳит» системасида инсон имконияти билан машина хусусиятларини биргалиқда ишлай олишини таъминлайди.

2-1. Чизмада «Инсон» подсистемасининг бошқариш органларига бошқарувчи таъсир этиш алгоритими бўйича қарор қабул қилиши кўрсатилган.



2.1- Чизма. «Инсон-техника-мухит» системасининг структуравий схемаси.

«Инсон-техника-мухит» системасининг муҳим қисми инсон билан машинанинг ўзаро таъсири бўлади. У орқали маълумот икки ёқлама ўтади: инсондан - машинага, машинадан – инсонга. Демак, «Инсон-техника-мухит» системаси ёпиқ контур бўлиб, маълумот бир жойдан бошланса, система айланиб яна шу ергача қайтади .

Бу системада инсон асосий звено бўлиб, у системанинг бир қисмини ташкил қиласди, якуний мақсад сари йўналтиради, системани мутаносиб равон ишлашини таъминлайди.

Инсон системадаги мақсадни белгилайди, бошқариш омилларини бажаради, иш натижаларини баҳолаб таҳлил қиласди, зарур корректорлар киритади. Инсонни кириш ва чиқиш кўрсатгичларидан ташқари уни фаолиятини, психологиясини ўрганиш зарур. «Инсон-техника-мухит» системасининг яратилиши машиналарни яратувчиларни инсоннинг хусусиятларини, кўрсатгичларини ўрганишга ундейди. Техника фанлари антропологик фанлар билан биргаликда олиб борилгандагина система янги техник ечимлар олиш мумкин бўлади, яъни илмий йўналишлар шаклланади.

## 2.2. «Инсон-техника-мухит» системасининг классификацияси.

### Техник воситалар ва элементларнинг вазифалари

«Инсон-техника-мухит» системалари қўйидаги белгиларига кўра классификация қилинади: фойдаланиш мақсади, инсоннинг звено характеристикаси, машина звеносининг типи ва структураси, система компонентларининг ўзаро таъсир типи (2.2-Чизма).



## 2-чизма «Инсон-техника-мухит» системасининг классификацияси.

Мақсадли фойдаланиш бўйича «Инсон-техника-мухит» системаси бўлиши мумкин.

1. Бошқарувчи- инсоннинг асосий вазифаси бу ерда машинани бошқариш бўлади. Бу холда инсон машинага таъсир этади
2. Хизмат кўрсатувчи – инсоннинг вазифаси назорат қилиш, носозликларни топиш, тузатиш.
3. Ўргатувчи- ходимларни маълум бир вазифаларга ўргатиш, кўникмалар бериш.
4. Информацион- инсон учун маълумот қидириш, топиш, йиғишини таъминлаш.
5. Изланувчи- инсон томонидан у ёки бу ходиса жараёнларни таҳлил қилиш , ўрганиш.

Бошқарувчи ва хизмат кўрсатувчи системаларнинг хусусияти шуки, унда инсон машинага таъсир этади.

Ўқитувчи, ўрганувси системаларда таъсир инсондан инсонга йўналган бўлади.

Инсон звеноси характеристикалари бўйича моно- ва полисистемаларга бўлинади. Моносистемаларда бир одам бир ёки бир нечта машина билан ишлайди. Полисистемада кўпчиллик «жамоа» фаолият кўрсатади.

### **2.3. Инсон «Инсон-техника-муҳит» системасининг асосий компоненти сифатида. Оператор фаолиятини баҳолаш**

Машина «Инсон – техника - муҳит» системасида фақат жараёнлари белгиланган алгоритм бўйича ишлаб туради. У мақсадга мувофиқ, онгли равишда инсон томонидан бошқарib турилиши зарур. «Инсон-техника-муҳит» системасида инсоннинг асосий вазифаси ҳам техник системанинг хатоликларини тўғирлаб туриш, унинг самарали функцияда бўлишини таъминлашдир. Системада хатоликлар турли сабабларга кўра юзага келиши мумкин: лойиҳалашда хатоликлар, оператор билан техник воситаларни номутаносиб таъсири, билимни етарли булмаслиги, машина фаолиятини тўлалигича тушунмаслик унга тўғри хизмат кўрсатмаслик ва бошқа вазиятларлардаги факторлар натижасида.

«Инсон-техника-муҳит» системасини яратиш учун системани яхлит обьект, ягона организм деб қараш керак, системага ягона ёндашув бўлиши керак. Бу ерда инженер психиолик лойиҳалашнинг мақсади операторни «Инсон-техника-муҳит» системаси билан биргаликда таҳлил қилиш, машина томонидан оператор ҳаракатларига қўйиладиган чегараланишлар, ҳамда оператор фаолияти билан аниқланадиган бошқариш обьекти кўрсатгичларига қўйилган талабларни ўрганишдир.

Инженер- психологияк лойиҳалашда қўйидагилар зарур:

- системанинг техник қисмининг фаолиятини таърифлашга ва оператор ҳаракатларига ягона ёндашув қўллаш зарур.
- инсон –операторнинг индивидуал психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.
- конкрент бошқарув обьектида ишлаш учун керак бўлган кўрсатгичларни имкониятлари бор операторларни танлаш ва ўқитиши жараёнида характеристикалар динамикасини солишириш.
- оператор- инсоннинг функционал ҳолати ўзгаришларини инсон операторнинг фаолиятини лойиҳалаштиришда системали ёндашишнинг ташкилий қисми бўлади.

Системанинг техник элементларидан фарқ қилиб, инсон - операторнинг фаолиятини тўлалигича лойиҳалаштириб бўлмайди. Унинг қўпчилик кўрсатгичлари бевосита амалиёт жараёнида шаклланади. Уларни тўғри танлаш билан баъзи бир коррекциялар киритилиши мумкин.

Машина ишлаб туриши ёки тўхтаб туриши мумкин(+,-), инсон эса турли психофизиологик ҳолатларда (кўрсатгичларда) бўлиши мумкин. Унинг кўрсатгичлари самарали ва сривлари орасидаги миқдорий ва сифат чегараларини аниқлаш керак бўлади. Лойиҳалашда операторнинг функционал ҳолатига таъсир этиш воситалари ишлаб чиқилиши зарур.

Инсон фактори бўйича мутахассислар учун системали лойиҳалаштиришда иштирок этганда физик талаблардан аҳлоқий талабларга ўтилади ва ундан сўнг шу ҳаракатларни бажарувчи реал машиналар ихтиросига, яратилишига ўтилади.

Инсон фактори бўйича мутахассис фаолияти З этапга ажратилади:

1 «Инсон-техника-муҳит» системасига қўйиладиган физик талабларни ўрганиш.

2 Инсон операторга фаолият (ҳаракат) талаблари.

3 Реал фаолият, ҳаракатларни самарали бажарувчи машина механизmlар ишлаб чиқиш.

«Инсон-техника-муҳит» системасида операторга қўйиладиган талабларни тўрт гурухга ажратишимиш мумкин:

1 Инсон-техника-муҳит» системасини программавий таъминлаш.

2 Оператор, техник ходимларни танлаш.

3 Ходимларни тайёрлаш, ўқитиши, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш.

4 Ходимларни текшириш, уларни фаолияти самарасини баҳолаш, изланишлар натижаларини таҳлил қилиш, тавсиялар ишлаб чиқиши.

Инсон билан машина орасида вазифаларни бўлишда сифат кўрсатгичлари билан биргаликда микдор кўрсатгичлари ҳам ҳисобга олиниши зарур. «Инсон-техника-муҳит» системасида инсон - операторнинг фаолияти кўпқиррали бўлади, ундаги жараёнларни қуидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1 Маълумотларни қабул қилиш (қайд қилиш, танишиш, ажратиш).

2 Маълумотларни баҳолаш ва қайта ишлаш (маълумотларни дастлабки ва жорий кўрсатгичларига мослиги, маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш).

3 Қарор қабул қилиш. (изланиш, таҳлил, муоммоли вазиятларни ўрганиш турларини аниқлаш, умумлаштириш, моделга тўғирлашлар киритиш, ҳаракат программа ва принципларини белгилаб олиш).

4 Қабул қилинган қарорни амалга ошириш (керакли бошқариш органларини ишга тушириш, улар билан тегишли амалларни бажариш).

Биринчи икки босқич (1.2) маълумотларни қидириш босқичи бўлса, кейинги босқичлар мақсадни амалга ошириш босқичлари бўлади. Операторнинг бажарадиган функцияларига қараб бир неча оператор фаолияти турлари мавжуд.

1. Оператор технолог. Технологик жараёнга тўла жалб қилинган, Уузлуксиз технологик машина ва агрегатларга хизмат кўрсатиб туради. Белгиланган йўрикномаларга асосланиб вазият ва ечимларни ҳисобга олган ҳолда бажарувчи ҳаракатларни амалга ошириб туради.

2. Оператор монитор. Сенсоромотор ростлаш механизmlаридан фойдаланиб роботлар, манипуляторлар, машиналар элементларини бошқариб туради .

3. Оператор кузатувчи-назоратчи. Унинг фаолияти катта микдордаги маълумотларни ола олиши билан характерланади. Зарур бўлганда, у зудлик билан технологик жараёнга аралашибиши, хизмат кўрсатиши мумкин.

4 Оператор изланувчи. Ўз тажрибасига асосланиб фикрлаб, жараёнларни ўрганади. Унинг ўзаро боғлиқликлари ва қонуниятларини қидиради.

5 Оператор раҳбар. «Инсон-техника-муҳит» системасида бошқаларнинг фаолиятини бошқаради. Бошқарув бевосита ёки техник (алоқа) воситалари ёрдамида бажарилади.

Оператор фаолияти турини аниқлаб олиш, унинг имкониятлари билан ҳаракатларини мослаштириш, инсон билан техника орасида тегишли меҳнат тақсимотини ишлаб чиқиши имконини беради. Инсон – машина системаларини ишлаб чиқишига оператор фоалияти структурасини ҳар томонлама ўрганиб чиқилиши асос бўлади.

«Инсон-техника-муҳит» системасида инсон билан машина ўртасида функцияларни тақсимланганда уларнинг кўрсаткичлари солиштирилади. Бу тақсимот қанчалик тўғри бўлса, «Инсон-техника-муҳит» системасининг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

«Инсон-техника-муҳит» системасини ишлаб чиқишининг структуравий схемаси 2.3 – Чизмада келтирилган. Жараён уч босқичга бўлинади ва қуйидаги мантиқий кетма – кетлиқда бажарилади:

1. Масалани таҳлил қилиш. Бу босқичда инсон ва техника орасида вазифалар тақсимланади ёки мавжуд тақсимланиш таҳлил қилинади. Бунинг учун операторни антропометрик кўрсаткичлари ўрганилиб, масалани ечиш шароитлари аниқланади, машинанинг ишлаш хусусиятлари ўрганилади. Уларнинг мослаштириш йўллари кўрилади.

2. “Инсон –техника –муҳит” системасида ўзаро таъсирлар ва боғланишларни лойиҳалаштириш.

Бу босқичда схемалар, моделлар, шаблонлардан фойдаланилади.

Компонентларнинг ўзаро таъсирлари макетлаш йўли билан текширилади.

3. Мавжуд ёки ишлаб чиқарилаётган системани текшириб кўриш, тестлаш.

Бу босқичда амалларнинг бажарилиши имкониятлари самарадорлиги баҳоланилади.

“Инсон –техника –муҳит” системасида функцияларни тақсимлаш усуллари:

1. Машина ёки инсоннинг самарадорлигини солиштириш усули. Қайси бири фаолиятда устун бўлса, ўшанга вазифа топширилади. Бу аксиомага асосланиб “Инсон –техника –муҳит” системасида функциялар тақсимланади. Бунда асосий компонент инсон бўлса, машина унга рақобатчи бўлади, системадаги турли хил вазифаларни бажаришда инсон ва техника бир хил имкониятларга эга бўлишлари мумкин, бунда инсонда асосан иктисадий кўрсаткичлар юзага чиқади. Албатта охир оқибат, ҳар бир функция кимdir томонидан яхшироқ бажарилади, масалан катта арифметик ҳисоблар, оғир юкни кўтариш, катта ҳажмли ва ҳавфли вазифалар машинага юкланди. Лекин инструкция, нозик амаллар шовқинлар ичидан зарурларини ажратиб олиш керак бўлса, инсонга юкланди.

Лойиҳалашнинг бошланғич боқичларида ҳар бир функция учун инсон ёки машина имкониятлари солиштириб борилади, кейинги босқичларда эса “Инсон –техника –муҳит” системадаги компонентларнинг юкланиш даражаси текшириб борилади, агар бирор нимисистемада ортиқча юкланиш қайд килинса, ундан баъзи бир функциялар олиб, бошқасига берилади,

айниқса инсоннинг ортиқча юкланиши ва узоқ вақт ишлаши системани барқарор вазиятдан чиқариб юбориши мумкин.

2.“Инсон –техника –муҳит” системасида вазифаларнинг тақсимланиши жадвал шаклида ёзилиб таҳлил қилинади. Бунда ҳар бир соҳада инсон ва машинанинг иш унумдорлиги, ишончлилиги, нарҳи қўрилади. Бунда жадваллар катта эргономик маълумотларни ўз ичига олади ва “Инсон –техника –муҳит” системасида вазифаларни тақсимлашда асос бўлади. Жадвал доим тўлдириб ва такомиллаштириб борилади. 2.1. Жадвалда шундай бир маълумотлар тўплами келтирилган. Бу ерда турли функциялар бўйича инсон ва техниканинг афзалликлари ва ночор жойлари келтирилган. Бу жадваллар ёрдамида “Инсон –техника –муҳит” системасида вазифаларни тақсимлаш анъанавий услублардан ҳисобланади.

Анъанавий усулнинг ноқулайлиги ундаги жадвал маълумотлари лойиҳалашнинг дастлабки босқичларида қўл қелади. Кейинги босқичларда эса бу функция тақсимоти ўзгариб боради. Кўпинча машиналарга ортиқча баҳо бериб юборилади. Шунинг учун жадвал (коррекция қилиб) тўғирлаб борилади. Машина ҳар доим ҳам одамни ўрнини боса олмайди. Одамлар мослашувчи лекин доимиймас, машиналар доимий, бир хил характерли, лекин мослашиши қийин.


Анъанавий усулнинг ноқулайлиги ундаги жадвал маълумотлари лойиҳалашнинг дастлабки босқичларида қўл қелади. Кейинги босқичларда эса бу функция тақсимоти ўзгариб боради. Кўпинча машиналарга ортиқча баҳо бериб юборилади. Шунинг учун жадвал (коррекция қилиб) тўғирлаб борилади. Машина ҳар доим ҳам одамни ўрнини боса олмайди.

Одамлар мослашувчи лекин доимиймас, машиналар доимий, бир хил характерли, лекин мослашиши қийин.

Бу усул мураккаб ва камчиликлардан ҳоли бўлмасада, инсон фактори масалаларини ечишда кўпинча қўлланилади ва жавоблардан фойдаланиб “Инсон –техника –муҳит” системасида инсон билан машина орасида функциялар тақсимланади.

**3. Функцияларни машинага бериш усули.** Бу усулда аввалги усулдан фарқ қилиб, машина одам билан солиштирилмайди ва вазифалар иложи борича кўпроқ машинага берилади, яъни системани инсонга нисбатан юқорироқ имкониятларга эга бўлган машиналар бошқариши керак. Автоматлаштирилган воситаларнинг ишончлигини инсонга нисбатан юқорироқ бўлиши мумкин, унча катта бўлмаган ҳаражатлар билан мақсадга эришиш мумкин.

## “Оператор – машина” системасини яратишнинг блок схемаси



2.3. Чизма. “Оператор – машина” системасини яратишнинг блок схемаси

## 2.1-Жадвал

Машина ва инсоннинг функционал камчиликлари ва мукаммалликлари

Т/р	Вазифалар	Инсон	Машина
1	2	3	4
1	Маълумотларни санаш	<p>Кутилмаган ва бўлиши қийин бўлган воқеликларни, машина учун ишлаши қийин бўлган</p> <p>Сезилиши қийин, паст маълумотларни турли помехлар орасидан ажратиб олиши мумкин қисқа вақт ичida.</p> <p>Битта программа бўйича қониқарсиз ишлайди.</p> <p>Программалар ўзгариб туриши маъқул.</p> <p>Жойлашиши ўзгаришларини тез илғайди. Иш фаолияти давомида тасодифий маълумотларни асосий фаолиятидан ташқари қабул қила олади.</p> <p>Помехларга чидамли</p>	<p>Программа билан чегараланади, кутилмаган вазиятларни бошқара олмайди. Инсон сезгисидан юқорироқ помехлар ичидан сигнални ажратиб олиши қийин.</p> <p>Тасодифий маълумотларни қайд қилиши қийин.</p> <p>Иш жараёнига нотўғри аралашилса, тўхтаб қолади.</p>
2	Маълумотларга ишлов бериш.	<p>Мураккаб вазиятларда ортиқча маълумотларни ажратиб олиши ва ишлатиши мумкин.</p> <p>Етарли ишончли.</p> <p>Вазифани турли усуллар билан бажара олади.</p> <p>Индуктив қарорлар қабул қилиши мумкин. Янги маълумотларни таҳлил қилиб умумлаштириши мумкин.</p> <p>Хисоблаш қобилияти паст. Ўйинларда оптимал ечимлар олиши қийин.</p> <p>Маълумотларни қайта ишлаш тезлиги паст.</p> <p>Қисқа мудатли ортиқча</p>	<p>Фазада вақт бўйича турли маълумотларни қабул қилиш имкониятлари қучсиз ва барқарормас.</p> <p>Юқори ишончлилик нархини юқорилиги билан боғланган.</p> <p>Такрорланувчи оғир функцияларда қулай ижодий индуктив ишларни бажара олмайди.</p> <p>Оптимал режимларга, ўта мураккаб вазиятларга программалаштириш мумкин. масала</p>

		юкланишлар йул күйилади. Хотира қисқа ва кучсиз.	талаблари бўйича маълумотларга ишлов бера олади. Ортиқча юкланишларда тўхтаб колиши мумкин. Катта хотира ҳажми ва муддати.
3	Маълумотлар ни қабул қилиш ва узатиш	Қисқа вақтга унча катта бўлмаган таъсирларга чидаиди. Ўзида куч ишлаб чиқиб, қисқа вақтга зўриқишлиарни ўтказа олади. Вақт ўтган сари иш унумдорлиги пасайиши мумкин, ишга қизиқиши пасайиши мумкин, чарчоқ ва помехлар оқибатида. Дам олгач ишчанлик тикланади. Реакция нисбатан сустроп.	Катта кучли юкламаларга чидамли узоқ вақт оғир юклама билан ишлай олади. Берилган шароитларда кузата олади, кўрсаткичларни сақлайди. Вақт ўтган сари ишчи характиристикаларининг ўзгариши кам. Вақт қисқа бўлганда кузата олади.
4	Иктисолдий кўрсаткичлар.	Нисбатан паст нархда, янги функциларга ўрганиши мумкин. Вазни енгил. Ўлчамлари кичик. 100 Вт атрофида қувват олади. Эксплуатацияда ҳаёт фаолиятида сақлаб турилиши зарур.	Мураккаб тузилган. Хизмат кўрсатиш чегараланган. Вақт ва нарх бўйича характиристикалари белгиланган. Масала мураккаблашса, вазифаларни ечиш учун масса, қуввати ва нарҳи ошиб кетади. Эксплуатацияси оғир ва қимматлашиб боради. Ишдан чалғимайди. Фойдаланилганда эскиради.

Кўпчилик ҳолларда “ Инсон –техника –муҳит ” системаларига якуний  
кўрсаткичларини сақланган ҳолда, инсон оператор машиналар билан  
алмаштирилмоқда. Лекин бу услугга оператор тўлиқ юкланмай қолиши унда  
стресс бўлиши мумкин. Машина эса доим ҳам инсонни тўла алмаштира  
олмайди. Инсон операторнинг билим фаолияти давомида оптимал юкланиш  
сақланиши зарур. Юкланиш камайиб ёки ортиб кетса, унда стресс вазият  
юзага келади. Лекин машиналар белгиланган программа бўйича

ҳаракатланади ва программада кўзда тутилмаган вазиятларни сезмайди. Зарур тегишли ҳаракатларни амалга ошира олмайди. Бу маълум бир шаклга – қолипга тушириб бўлмайдиган воситалар учун ўринли. Масалан маъсулиятни олиш, бошқарув ҳаракатларида ностандарт қарор қилиш, эксперт хулосасини чиқариш, вазиятга баҳо бериш, кўп ўлчамли натижаларни солиштириш, баҳолаш ва бошқалар.

Жараённи машиналаштириш (автоматлаштириш) даражасини танлаш мураккаб ва маъсул масала бўлиб қолади. Масалан самолёт, кораблни бошқариш тўла автоматлаштирилган бўлишига қарамай оператор ҳаракатга келиш, тўхташ, бир режимдан бошқа режимга ўтиш вақтига юзага келиш мумкин ноординар вазиятларда бошқарувга аралашади ва системани барқарор вазиятларда сақлаб қолади, барча экстремал ҳолатларда бошқарув юқори даражада функция кўрсатади. Бунда машина ва инсон бир – бирини тўлдиради, биргаликда ҳаракат қиласди.

Яна бир неча усуллар мавжуд, уларда функциялар категорияларга ажратилган ва маълум бир категорияларга риоя қилинади. Масалан функцияларни формага тушириб тақсимлаш қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Функцияларни бажаришнинг турли воситалари ва услублари кўриб чиқилади.
2. 2.2 жадвал бўйича функцияларни тақсимлаш вариантлари кўриб чиқилади (сув ости кемаси учун). Сифат кўрсаткичларига эътибор берилади. Оператор имкониятлари машина билан солиштирилади.

**2.2 жадвал. Сув ости кемасида сигналларни қайд қилишда лойиха вариантыларини бажарилиш кетма – кетлиги (процедураси)**

1- вариант инсон	Машина – одам биргаликда	3 – вариант машина
Гидролокатор оператори экранда сигнални ушлайди. Ёрқинлигини баҳолайди. ҳаракатланиш тезлиги ва ўйналиши ҳақида маълумот беради, обьект сув ости кемаси ёки бошқа нарса эканлигини аниқлайди.	Гидролокатор оператори экранда сигнални ушлайди. Компьютер ҳам қидиради, топиб хотираси билан солиштиради. Компьютер операторатор сигнални кўрсатади. Оператор ўзининг тажрибасига ва компьютердан олган маълумотлар бўйича обьектни нима эканлигини аниқлайди. Тегишли қарор қабул қиласди.	Сигнал сезишибегарасидан кучли бўлса, антенна орқали компьютер сигнални қабул қиласди, қайд қиласди, баҳолайди, алгоритм «Инсон - техника-муҳит» системаси кўрсаткичлари билан солиштиради ва ечимни ёзма равишда беради. (Сув ости кемасини ўрнини кўрсатади).
Оператор функциялари		
Сигнални топиш	Сигнални топиш	Объектни қайд

Анализ қилиш Қарор қабул қилиш ечим (Қарор) ҳақида маълумот бериш.	Сигнални таҳлил қилиш Қарор қабул қилиш Ечим ҳақида маълумот бериш	қилинганидан сўнг тегишли ҳаракатларни амалга ошириш
Машина бажарадиган функциялар		
Сигнални индикация қилиш	Сигнални топиш Сигнални ёзиб олиш Солишириш учун намуна топиш Сигнални анализ қилиш Маълумотларни қайд қилиш	Сигнални топиш Сигнални анализ қилиш Қарор қабул қилиш Ечимни қайд қилиш
Кулайлиги камчиликлари		
Оператор ҳаракатлари машина билан такрорланмайди	Оператор – машина бир бирини тўлдиради	Машина оператор томонидан назорат қилинмайди

**2.3 Жадвал. Функцияларни рационал тақсимлашнинг вариантиларини танлаш тартиби.**

Бажариш босқичлари	Масалаларнинг ечимларининг мазмуни
1. Функцияларнинг дастлабки тақсимоти	<p>Лойихаланаётган «Инсон -техника-мухит » системасига қўйиладиган функцияларининг рўйхатини ишлаб чиқиш (тузиш).</p> <p>Баҳолаш усулларидан фойдаланиб, ҳар бир функциянинг характеристикаларини аниқлаш</p> <p>Машина томонидан минимал бажариладиган функцияларни аниқлаш.</p> <p>Қолган функцияларни характеристикаларини бўйича ранжировка қилиш.</p>
2 Қабул қилинган функциялар тақсимотини баҳолаш	<p>Инсонга қўйилган барча функцияларни бажарилиши бўйича фаолияти структураси ва йириклистирилган алгоритимлар ишлаб чиқиш. Мос кўрсаткичлар бўйича фаолиятни миқдорий баҳолаш учун дастлабки маълумотларни олиш.</p>
3. Техник топширик талабаларга мос бўлмаган кўрсаткичлар топилса, функцияларни қайта тақсимлаш «Инсон - техника-мухит» системасида мутахасислар сонини аниқлаш	<p>Машина ёки одамга қўйилган функциялар сонини ўзгартириш</p> <p>Агар бир одам бўлган системада функциялар тақсимоти бажарилиши қийин бўлса, жамоа бўлиб ишлаш ўрни ташкил қилиш. Ҳар бир иш ўринларининг миқдорини аниқлаш.</p> <p>“ Инсон -техника-мухит ” системанинг фаолияти режимини аниқлаш</p>

- 3.
4. Нимисистемаларни солишириди, баҳолаш меъзонлари аниқланилади. Стандарт меъзонлардан нархи, унумдорлиги, ишончлилиги, хафсизлилиги, эксплуатация кўрсаткичлари, ходимларга талаблар ҳисобланади.
5. Барча лойиха ечимларини вариантиларини муҳимлиги бўйича салмоқлилиги аниқланади, баҳоланади. Вариантлар жуфт – жуфт қилиб

солишириб кўрилади ва баҳолаш меъзонлари бўйича яроқли ечимлар танланади. Бешинчи босқичда 3, 4 босқичлардаги солиширишларнинг миқдорий кўрсаткичлари олинади. Юқори балл олган вариант маълум бўлади.

«Инсон-техника-муҳит» системасини эргономик лойиҳалашнинг структурасини аниқлаш учун «Инсон-техника-муҳит» системасининг структураси ва инсон фактори кўрсаткичлари таҳлил қилинади. 1.1. чизмадан кўриниб турибдики, инсон фактори кўрсаткичлари интеграл - эргономика бўлимлари бўйича ва дифференциал - ҳар бир бўлимнинг ичидаги қўлланади.

Шу классификация эргономик лойиҳалашнинг мазмуни ва таркибини аниқлайди, у қўйдагиларни ўз ичига олади: антропометрик, гигиеник, физиологик, психофизиологик, ва психологик. Бундан ташқари «Инсон - техника-муҳит» системасининг структуравий схемаси бўйича, инсон билан техниканинг ўзаро таъсири икки йўналишда бўлади:

Қайд қилиш воситалари (техника) - маълумотларни қабул қилиш (инсон).

Бошқарувчи таъсир (инсон) - бошқариш органи (техник).

Техника ҳолати ҳақида қайд қилиш воситалари ёрдамида инсон маълумотларни олади. Шу маълумотларга асосланиб, у қарор қабул қиласи, машинанинг ҳолатини сақлаш ёки ўзгартириш бўйича машинанинг бошқариш органларига таъсир ўтказади, системани назорат қилиб туради.

Эргатив системада трансформацияланаётган маълумотлар айланаётган ёпик контур эргономик лойиҳалаштиришни талаб қиласи. Инсон фаолиятини тўлалигича лойиҳа қилиш қийин. Лойиҳалашда эргономик ёндашув одам, машина билан атроф муҳитнинг ўзаро таъсирларини хисобга олишни тақозо қиласи. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб эргономик ечимни талаб қилувчи «Инсон-техника-муҳит» системасининг элементларига қўйидагилар киритилиши мумкин:

-операторнинг иш ўрни, маълумотларни қайд қилиш воситалари ва системаларни бошқариш органлари,

-оператор фаолияти (маълумотларни қабул қилиш ишлов бериши, қарор қабул қилиши, бошқариш амалларини бажариш),

-атроф муҳит факторлари.

“Инсон -техника-муҳит” системаси - бу комплекс мақсадга эришиш йўлида маълум бир муҳитда ва чегарада инсон ва машиналар мажмуудир.

Назорат учун саволлар:

1. “Инсон -техника-муҳит” системаси нима, унинг таркиби нималардан иборат?
2. “Инсон-техника-муҳит” системасининг элементларига таъриф беринг?
3. “Инсон -техника-муҳит” системасининг классификациясини беринг.
4. “Инсон -техника-муҳит” системасининг асосий компоненти – шахснинг ўрни унинг фаолияти турлари нималардан иборат?

5. “Инсон-техника-муҳит” системасида функциялар қандай тақсимланади?
6. Одам ёки машина самарадорлигини солиштириш усули нима? Унга тушунча беринг.
7. Яна қандай функцияларни тақсимлаш усуллари бор?
8. Функцияларни самарали тақсимлаш жадвалларини тузиш тартиби ва структурасини айтинг?

### **3-боб. Иш ўрнини лойиҳалаш ва ташкил этишнинг эрғономик асослари**

#### **3.1. Иш ўрни ва уни ташкил қилиш.**

«Инсон-техника-муҳит» системасида иш ўрнининг асосий элементлардан бири бўлган инсон-операторнинг меҳнат фаолиятини ташкил қилишида уни ҳар томонлама эргономик ўрганиш ва лойиҳалашни талаб қилинади. Операторни иш ўрни бир неча хил таърифланади.

1. Операторнинг иш ўрни бу оператор ёки операторлар гурӯҳи меҳнат фаолияти олиб борадиган, зарур техник воситалар билан жиҳозланган зонадир.

2. Операторнинг иш ўрни ишлаб чиқариш жараёнининг назорат қилиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириши учун зарур техник воситалар ва ёрдамчи қурилмалар билан жиҳозланган «Инсон-техника-муҳит» системасидаги инсоннинг меҳнат фаолияти зонасидир.

3. Операторнинг иш ўрни - маълумотларни қайд қилиш, бошқариш органлари, ёрдамчи қурилмалар билан жиҳозланган «Инсон-техника-муҳит» системасидаги инсоннинг меҳнат фаолияти олиб борадиган ўрни (жойи). Ёки иш ўрни меҳнатнинг уч элементи предмет, воситалар, меҳнат субъекти ўзаро таъсирида бўлган ишлаб чиқаришнинг энг кичик яхлит бирлигидир.

Иш ўрни бўлиши мумкин:

- Операторлар сонига кўра индивидуал ва жамоа бўлиб(гуруҳлар билан);
- Малакаси бўйича; универсал, маҳсус;
- Механизация даражаси бўйича; автоматлаштирилган механизациялашган, қўлда иш бажарилувчи иш ўринлари, назорат қайд қилиш ва бошқариш воситалари ёрдамида.
- Оператор томонидан бажариладиган асосий функцияларга қараб иш ўрни бўлиши мумкин:
  - Оператив бошқариш иш ўрни бошқариш команда бериш, фармоиш, буйруқ бериш масалаларини ечиш учун мўлжаланган иш ўрни маълумотномалар бўлган жамланган иш ўрни система ҳолати ҳақида маълумотномаларни шакллантириши узатиш ва қабул қилиш учун хизмат қиласиган иш ўрни,
  - Маълумотномаларни қўлда киритиш учун иш ўрни,
  - Функционал технологик назорат иш ўрни, техник воситалар ва алоқа каналлари устида оператив назорат қилиб туриладиган иш ўрни;
  - ЭҲМ дастурчисининг иш ўрни;
  - Комбиницияли иш ўрни, оператор томонидан бир неча функцияларни бажариши мумкин бўлган иш ўрни;

Иш ўрнини эргономик ўрганиш ва лойиҳалаштириш аввал уни жиҳозланганлиги ва ташкил этишини ўрганишни тақозо қиласи.

Иш ўрнини ташкил қилиш бу оптимал меҳнат фаолияти шароитларини таъминлаш учун техник воситалар ва ёрдамчи қурилмаларни(меҳнат

воситалари) иш ўрнида жойлаштириш ва фаолият кўрсатиши бўйича тадбирлар системасини ўтказиш жараёнидир.

Асосий меҳнат воситаларига оператор меҳнат фаолияти операцияларини бажаришда бевосита фойдаланаётган қурилмалар киради(технологик қурилмалар, стендлар, транспорт воситалари ва ҳоказо).

Ёрдамчи қурилмаларга технологик ва ташкилий жиҳозлар киради. Ёрдамчи қурилмалар иш ўрнида асосий воситаларни самарали ишлатилишини таъминлайди. Уларга созлаш, назорат, тузатиш ва бошқа воситалар киради.

Ташкилий воситалар ва тадбирлар эксплуатация ва хизмат кўрсатишида ҳавфсизлик ва қулайликлар яратиш йўли билан меҳнатни самарали ташкил қилишдир.

Иш жойига қўйиладиган талаблар:

Иш жойини тўғри ташкил қилиш- бу эргономик талабларни ҳисобга олган ҳолда асосий ва ёрдамчи меҳнат воситаларини самарали режалаштириш ва жойлаштиришдир.

Иш жойини ташкил қилишда қуйидаги асосий шартларга риоя қилиши зарур.

- ❖ Операторга меҳнат фаолияти жараёнида барча ҳаракатлар ва силжишларни бажариши учун етарли ишчи майдон ҳажмини яратиш;
- ❖ Оператор билан техника орасида, ҳамда операторлар орасида (гурӯҳ бўлиб ишлаганида) етарли даражада физик, эшлиш ва кўриш алоқаларини яратиш;
- ❖ Бошқариш воситаларини операторнинг ҳаракат (мотор) чегарасида жойлаштириши (энiga, бўйига, чуқурлигига);
- ❖ Меҳнат жараёни хусусиятларидан келиб чиқадиган асосий ва ёрдамчи операцияларни операторнинг ишчи ҳолатида бажариш имконияти бўлиши;
- ❖ Ишчи муҳит факторларининг оптимал, руҳсат этилган чегарасида бўлиши,(атроф муҳит шароити, шовқин, титроқ, ёритилганлик ва бошқалар);
- ❖ Операторни атроф муҳитнинг ҳавфли ва заарли факторлари таъсиридан ҳимояловчи зарур воситалар яратиш;
- ❖ Операторнинг муддатидан олдин чарчоини олдини олиш ёки камайтириш;
- ❖ Визуал маълумотларининг оптимал қўринишини (обзор) таъминлаш;
- ❖ Ишчи ҳолатини алмаштириб туриш.

### **3.2 Иш ўрнини лойиҳалаш мезонлари.**

Иш ўрнини лойиҳалаштиришда анъанавий мезон бу ҳаракатларни камайтириш (тежаш)дир. Бу ерда иш жойини таҳлил қилишда қуйидаги аспектларга эътибор берилади:

1. Мақсадга мувофиқ иш усули яратиш. Маълумки, ҳар бир вазифа (иш) турли усуларда бажарилиш мумкин . Уларнинг ичидан танлаб олишда қуидагилар бажарилади:

Операция (фаолият) мақсади. (иш бажариш жараёнида);

Мавжуд тажрибалардан фойдаланиб шу мақсадни амалга ошириш мумкин бўлган усулларни ишлаб чиқиш;

Ишлаб чиқилган усулларни таҳлил қилиб энг яхши самарилисини танлаш.

2. Ҳаракатлар стандартини тайёрлаш.

Бу тайёргарлик қуидагиларни ўз ичига олади:

Техник воситалари, уларнинг ўлчамларини кўрсатиб иш жойини таърифлаш.

Ишни бажариш сифатига таъсир этувчи меҳнат шароити кўрсатгичлари (ёритилганлик, ҳаракат, чанг миқдори, титроқ ва бошқалар).

Операторга у ёки бу таъсирларни бажаришда зарур ҳаракатлар кетма-кетлигининг жадвалини тузиш. Вақт бўйича стандартни аниқлаш учун хронометраж йўли билан вақни ўлчаб, операцияни бажариш учун малакали операторга керак бўладиган вақт аниқланилади. Бу мезон ҳаракатлар ва хронометражни кўзда тутади ва қўл меҳнати бажарадиган ишлар учун кўпроқ ишлатилади.

Ҳаракатлар ва вақтни таҳлил қилиш иш жойини лойиҳалашнинг ҳар қандай усулида керак бўлади. Лекин бундан ташқари яна иш жойини мускуллар толиқадиган ва жиддий касб (хроник) касалликларига келтирувчи шароитлари йўқлиги солишириб кўрилади, биомеханик анализ ўтказилади. Шунинг учун замонавий иш жойини лойиҳалаш мезони биомеханик зўриқишлиарни камайтириш бўлиб ҳисобланади. Мускуллардаги кескин оғриқ бўлиши уларнинг ўта зўриқишлиаридан ҳабар беради. Ўта зўриқишлиарда мускул тўқималари мослаша олмай қолади ва унда шамоллаш жараёни кетади. Шу сабабли мускулга тушаётган кучланишнинг (оғирликни) самарали давомийлиги аниқланилиши зарур. Бу муаммолар ўрганилиб тегишли натижалар олинган. Қуидаги чизмаларда ўта зўриқишлиарда кучли чарчоқ (кескин оғриқ) юзага келиш вақти кўрсатилган. Букилган қўлнинг турли ҳолатлари (3.1 Чизма), қўлни турли бурчакка ёйиш (3.2 Чизма), турли ҳолатларда олдинга чўзилган қўл (3.3 Чизма), тирсакка таяниб, қўлнинг турли ҳолатида ва юк миқдорида (3.4 Чизма). Бу чизмаларда берилган маълумотлар елка мускуллари толиқмаган бўлса, қўлдаги зўриқишлиар ва юкланиш вақтининг самарали миқдорларини танлаш учун амалий тавсиялар бўлиб қолади.

### **3.3. Операторнинг ишчи ҳолатини танлаш. Физик ва кимёвий кўрсаткичларни ҳисобга олиш**

Иш жойини тўғри лойиҳалашда инсон- операторнинг антропометрик кўрсаткичларини яхши ўрганиш зарур. Агар иш жойи катталиклари ва ҳаракатланиш майдони (мотор кенглиги) инсонинг антропометрик

кўрсаткичларига ва унинг иш ҳолатига мос бўлса, мускуллардаги статик ва динамик юкланишнинг самарали миқдори таъминланиши, юкори ишчанлиги сақланиши, касб касалликлариниг юзага келиш эҳтимоли камайишига эришилади. Инсонинг антропометрик кўрсаткичлари тасодифий катталиклар бўлиб, нормал тақсимланишга эга бўлади (Гаусс тақсимланиши). Бу ерда информацион ва мотор зонаси ҳисобларда қуйидаги статистик ифодалардан фойдаланиш мумкин:

$$\overline{X} - \text{ўртача (миқдорини) қийматини аниқлаш учун:}$$

$$\overline{X} = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N X_i \quad (3.1)$$


Диапазонни аниқлашда

$$\Delta = X_{\max} - X_{\min} \quad (3.2)$$

стандарт оғишларни

аниқлаш учун:

$$\delta = \left[ \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N (X_i - \overline{X})^2 \right]^{0.5} \quad (3.3)$$




3.1.чизма. Операторнинг кўлинин турли ҳолатларда толикиш ўртача вақти (ёш эркакларда). Кучли мускул толикиши бўладиган ўртача вақт, минут.


Вертикал текислика баландлиги, см  
Күлда тутилган юк оғирлиги, Н

$$\text{асимметриялыкни аниқлаш учун: } A = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N (X_i - \bar{X})^3 \quad (3.4)$$

$$\text{корреляцияни аниқлаш учун: } R = \frac{S_H}{\sqrt{(S_2 S_1)}} \quad (3.5)$$



3.2. Чизма. Күлни турли ҳолда ёйилганда ёш эркакларда елка мускулларида толиқиши бўладиган ўртача вақт.




#### Изученные положения руки

Ближнее, локтевой угол =  $55^\circ$   
 Среднее, локтевой угол =  $90^\circ$   
 Распрямленное, локтевой  
 угол =  $140^\circ$   
 Предплечье удерживается  
 горизонтально



3.3-Чизма. Құлни олдинга тутилганда ёш эркакларда елка мускулларида чарчоқ (օғриқ) бўладиган ўртача вақт.



**3.4-Чизма.** Қўл тирсакка таяниб турган ҳолатида толиқишиш бўладиган ўртача вакт.

Ўрганилган қўл ҳолатлари;

Яқин, тирсак бурчаги  $55^{\circ}$ ; Ўртача  $90^{\circ}$ ;

Тўғирланган тирсак, бурчак  $140^{\circ}$ ;

Елка олди қисми горизонтал.

3.1 ва 3.2-Жадвалларда АҚШ ва Ўзбекистон Республикаси давлатлари фуқороларининг (эркаклар, аёллар) гавдасининг айrim ўлчамлари келтирилган (20...60 ёшда).

### 3.1-Жадвал

20-60 ёшдаги АҚШ аҳолисининг гавдасининг ўлчамлари (аёллар/эркаклар).

Гавда ўлчамлари, см	Фоизлар			Стандарт-дан оғиши
	5-й	50-й	95-й	
1	2	3	4	5
Баландлик				
Бўйи (баландлиги)	149,5/161,8	160,5/173,6	171,3/184,4	6,6/6,9
Кўз баландлиги	138,3/151,1	148,9/162,4	159,3/172,7	6,4/6,6
Елка баландлиги	121,1/132,3	131,1/142,8	141,9/152,4	6,1/6,1
Тирсак баландлиги	93,6/100,0	101,2/109,9	108,8/119,0	4,6/5,8
Биринчи оёқ бармоғининг узунлиги.	4,7/5,1	5,36/5,88	6,1/6,6	0,44/0,45
2- оёқ бармоғи				
Эни	1,4/1,7	1,55/1,85	1,7/2,0	0,1/0,12
Узунлиги.	6,1/6,8	6,88/7,52	7,8/8,2	0,52/0,46
3-оёқ бармоғи				
Эни	1,4/1,7	1,53/1,85	1,7/2,0	0,09/0,12
Узунлиги	7,0/7,8	7,77/8,53	8,7/9,5	0,51/0,51
4-оёқ бармоғи				
Эни	1,3/1,6	1,42/1,7	1,6/1,9	0,09/0,11
Узунлиги	6,5/7,4	7,29/7,99	8,2/8,9	0,53/0,47
5-оёқ бармоғи				
Эни	1,2/1,4	1,32/1,57	1,5/1,8	0,09/0,12
Узунлиги	4,8/5,4	5,44/6,08	6,2/6,99	0,44/0,47
Оёқ кафтининг ўлчамлари.				
Узунлиги	22,3/24,8	24,1/26,9	26,2/29,0	1,19/1,28
Эни	8,1/9,0	8,84/9,79	9,7/10,7	0,50/0,53
Кафт баландлиги	5,8/6,2	6,78/7,03	7,8/8,0	0,59/0,54
Гавда оғирлиги.	46,2/56,2	61,1/74,0	89,9/97,1	13,8/12,6

3.2. жадвал.

Ўзбекистон республикаси фуқороларининг гавда ўлчамлари

Кўрсаткичларнинг номланиши	Кўрсаткичларнинг катталиги.		
	Эркаклар	Аёллар	
	Mj, CM	Mi, см	П., С 41
1	2	4	5
Тик турган гавда узунлиги	169,9	157,8	5,7
Мушт қилинган қўлнинг кўтарилиган ҳолатидаги гавда узунлиги.	208,2	192,1	7,4
Кўз баландлиги	158,9	147,6	5.5
Ўтирган ҳолатида баландлиги	99,7	85,3	3
Оёқ узунлиги	91,3	83.2	4.1
Қўл кафт кенглиги	9,7	8,4	1
Елка кенглиги	41,6	37	1.8
Кафт узунлиги	19,1	17.6	0.9
Бош айланаси	58,1	56,4	1.7
Қўл узунлиги	74.9	66.8	3.1
Елка сатхидаги тирсаклар орасидаги масофа	94,7	92,6	2.9
Елка узунлиги	33,5	30.5	1.6

3.3-жадвалда инсон гавда ўқига нисбатан қўлнинг турли ҳолатларида ҳаракатланишида қўл мускулларининг зўриқиши чегаралари, Нютонларда кўрсатилган. Бу ерда максимал зўриқиши импульсив ҳаракатларда руҳсат берилади. Агар юкланиш узоқ муддатли бўлса, руҳсат берилган зўриқиши чегаралари 10-15 фоизга камайтирилади.

### 3.3-Жадвал

Гавда ўқига нисбатан қўлнинг турли ҳолатларида ҳаракатланишида қўл мускулларининг зўриқиши чегаралари, Ньютонларда.

Ҳаракатнинг йўналиши	Кўл	Гавда ўқига нисбатан қўлнинг ҳолати								
		180°		150°		120°		90° 60°		
		F	I F	I F	•F	-F	Fmax	*ДО	F	F
Ўзига тортилиш	Ўнг Чап	216 : 540 ; 520 :	236 196 168	530 500	168 130	468 426	148 126	396 96 359 102	380 288	
Ўзидан узоклаштириш	Ўнг Чап	196 ; 620 : 570	! 168 167 118	558 500	142 100	466 446	140 88	388 131 378 89	418 359	
Юқорига кўтарилиш	Ўнг Чап	54 : 192		249 238	92 68	268 240	76 68	250 79 236 59	219 198 j	
Пастга итариш	Ўнг Чап	69 188 :	78 49 68	209 189	100 82	260 228	101 82	238 78 220 68	230   209	
Ўзидан олислатиш	Ўнг Чап	54 150 !	58 31 29	148 129	58 38	150 138	62 39	166 68 146 29	188 142	
Ўзига яқинлаштириш	Ўнг Чап	78 226 j	78	239 209	88 78	236 200	68 62	226 79 216 68	238 228	

### 3.4. Оператор кўрсаткичларини ҳисобга олиш.

Иш жойини кенглигига, бошқариш органларига тушадиган зўриқиши миқдорига ва қўриниш қўсаткичларига операторнинг ишчи ҳолати катта таъсир кўрсатади. «Инсон-техника-мухит» системасида операторнинг тик, ўтирган ҳолда ва ўтириб –туриб ишлаш ҳолатлари мавжуд. Баъзида ётган ҳолда ишлаш ҳам учрайди. Операторнинг ҳар бир ҳолати учун маълум бир мувозанат ҳолати, мускулариниг зўриқиши даражаси, энергия исрофи, қон айланishi ва нафас олиш интенсивлиги мавжуд.

Тик турган ҳолда ишлаш инсон учун табиий бўлиб унинг қуйидаги хусусиятлари бор – гавда массаси ва мускул кучлари текис тақсимланади.

-ҳаракатланишларида умуртқа поғонаси эгилувчанлиги, амортизацияси борлиги

-кўриш майдони, сенсор ҳаракатлар ва қўзғалишлар координацияси учун қулай шароитлар яратилади.

Тик ҳолатнинг камчиликлари:

- гавдани тик ушлаб туриш ва ҳаракатлари учун кўп мускул иши талаб қилинади, натижада энергия сарфи ортади.
- инсон гавдасидаги суюқликлар (қон) босими ортади.
- пастки қисмларида мускулларда қон уйиши кузатилади.

Ўтирган ҳолда ишлаш тик туриб ишлагандан қатор қулайликларга эга:

- гавдани ушлаб туриш учун статик босим камаяди;
- энергия камаяди.

Бу ҳолатнинг камчиликлари:

- кўриш майдони ва шароити ёмонлашади;
- етиш масофаси қисқаради;
- куч билан ишлаш имконияти пасаяди;
- қорин мускуллари узоқ вакт ишлаганда бўшашади.

Ўзгариб ўтириб-туриб ишлаш ҳолатининг қулайликлари мускулларга тушган юкланишни ўзгартириб туриш мумкин.

Ишчи ҳолатни танлашда унинг қулайлиги ва камчиликларини хисобга олиш зарур.

### **З-жадвал.Ишчи ҳолатини танлаш мезонлари.**

<b>Ишчи ҳолат</b>	<b>Мезонлар</b>			
	<b>Куч, Н</b>	<b>Иш зонаси, см</b>	<b>Иш пайтида ҳаракатчанлик</b>	<b>Фаолият хусусияти</b>
1	2	3	4	5
Ўтирган ҳолда	50 гача	38-50	Чегараланган	Статик чарчоқ кам, қўл ҳолати эркин, аниқ ишларни бажариш мумкин
Ўтириб туриб ишлаш	50-100	50-75	ҳолатни ўзгартириб туриш мумкин	Етиш ва кўриш зонаси етарли даражада катта
Тик турган ҳолда	100-15	>75	Катта эркинлик ҳаракатчанлик	Кучдан яхшироқ фойдаланади, кўриш майдони кенг, тезроқ чарчоқ сезади.

Операторнинг иш ҳолатини лойиҳа қилишда, у ёки бу иш ҳолатини танлашда, оптимал ишчи ҳолат (поза) қолишига уни ушлаб туриш имкониятларига эътибор қаратилади.

### 3.5. жадвал.

#### **Оптимал ишчи ҳолат**

Поза номланиши категорияси	Тик турган ҳолда	Ўтирган ҳолда
Оптимал ишчи поза арактеристикаси	Корпус тўғри, Текис таянчга эга. Чекалари йўқ.	Корпус тўғри, Умуртқанинг тиббий эгрилиги, Сақланган ҳолда
Оптимал ишчи ҳолатини ушлаш шартлари	Позани ўзгартириш мумкин, Қисқа муддатга ўтириб дам олиш мумкин, Оёқ учун супа бор. Педал йўқ мотор майдони оптимал ўлчамларга эга.	Позани ўзгартириш мумкин, Иш ўриндиғини шакли ва ўлчамлари, Бутун белга таянч борлиги. Тирсак ости таянчи бор , Дам олиш учун стул сұяничиғини орқага ташлаш мумкин, Мотор майдони оптимал ўлчамга эга, Оёқ учун супа бор.

#### **3.5. Мотор майдонининг ета олиш ишчи зонаси.**

Операторнинг ишчи ҳолатига мотор майдонининг етиш ишчи зонаси боғлиқ бўлади.

3.5. ва 3.6. чизмаларда ўтирган ҳолда операторнинг вертикал ва горизантал текисликлардаги етиш ишчи зонаси кўрсатилган.


1-зона оптимал зона бўлади. У ерга энг муҳим. Қайта ёки доим ишлатиладиган бошқариш органлари жойлаштирилади,

2-зона енгил этиш зонаси, бу ерга тез-тез ишлатиладиган воситалар бошқариш органлари жойлаштирилади.


3-максимал (интилиб)етиш зонаси кам фойдаланилайдиган воситалар жойлаштирилади.

Инсоннинг антропометрик кўрсаткичлари маълум бир чегарада бўлганлигидан ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ва иш ўрнини лойиха қилишда иш зонасининг айрим ўлчамлари ўзгартириш имкониятларини кўриш зарур(масалан, стулни баландлиги оёқ ости супалари).

3.7. ва 3.8. чизмаларда тик турган ҳолда операторнинг вертикал ва горизонтал текисликларда мотор майдонининг этиш масофалари кўрсатилган. Бу ерда ам аввалги ҳолдагидек учта зона мавжуд: 1-оптимал этиш зонаси, 2-енгил этиш зонаси; 3-максимал этиш зонаси.




3.5. Чизма. Вертикал текисликда мотор майдонининг этиш зонаси.



3.6. чизма. Горизонтал текисликда мотор майдонининг етиш зонаси.

1-оптимал етиш зонаси. 2-енгил етиш зонаси.


3-максимал етишиш зонаси.



3.7.чизма. Тик турган операторнинг мотор майдонининг етиш зонаси.

1-оптимал етиш зонаси. 2-енгил етиш зонаси.

3-максимал етишиш зонаси.



3.8.чизма.Горизонтал текисликнинг мотор майдонининг етиш зонаси.

1-оптимал етиш зонаси 2-енгил етиш зонаси.

3-максимал етишиш зонаси.


Тик турган ҳолда ишлаш жойи лойиҳа қилинганда ишчи (юза) сирт баланлигини ростлаш кўзда тутилиши зарур.

### **3.6.Бошқариш пульти қандай бўлиши керак.**


«Инсон-техника-муҳит» системасида оператор иш жойи асосида бошқариш пульти туради. У давлат стандартлари талабларига мос равишда лойиҳа қилинади.

Пульт шакли ва ўлчамлари унда жойлашган назорат ўлчов асбоблари, индикаторлар ва бошқариш органлари сонига боғлик бўлади, (3.5. жадвал).


Элементлар сони кам бўлса(20тагача), фронтал шаклли пульт олинади ва оптимал етиш зонасига жойлаштирилади. Элементлар сони ўртача бўлса, (20-50) тагача пульт трапеция шаклида бўлади ва енгил етиш зонасида жойлашади. Элементлар сони 50 тадан ортиқ бўлса, ярим доира шаклида пульт олинади ва барча элементлар мотор зонасида бўлишига ҳаракат қилинади.



3.9-Чизма. 3.9. чизма.Бошқариш пультининг 1-варианти.



3.10.чизма. Бошқариш пультининг 2-варианти








3.11.чизма. Бошқариш пультининг 3-варианти

3.9; 3.10; 3.11- чизмаларда антропометрик кўрсаткичларига қараб пультларнинг конструктив ишланиши кўрсатилган.

Агар операторга кўриш майдони зарур бўлса, бошқариш пультининг 1,2 варианлар, бундай зарурат бўлмаса, бошқариш органлари пультнинг юза қисмига жойлаштирилади.(3.11 чизма).

3.5. жадвал

**Бошқариш органлари ва индикаторлар сонига қараб бошқариш пультиниг шакли.**

Пульт характеристикаси	Пульт шакли	
	Ён томондан	Планда
Назорат ўлчов асбоблари ва бошқариш органлари сони 20 тагача. Оптимал зона информацион ва мотор зонасида жойлашган	Оддий	 <p>Фронтал</p>
Назорат ўлчов асбоблари ва бошқариш органлари 20....50та информацион ва мотор майдониниг руҳсат этилган зонаси фойдаланилади.	 <p>Ўртacha мураккабликда</p>	 <p>Трапеция шакли</p>
Назорат ўлчов асбоблари 50тадан ортиқ мотор майдонидан ташқари гавда ва бош характеристлари қўшилади.	 <p>Мураккаб</p>	 <p>Яримдоира шаклида</p>

## **Назорат учун саволлар:**

- 1.Иш жойи нима?
- 2.Иш жойига қандай талаблар қўйилади?
- 3.Иш жойини лойиҳалаш мезонлари қандай?
- 4.Антропометрик кўрсаткичлар нима?
- 5.Оператор қандай ишчи ҳолатига ега? Қулайликлари ва камчиликлари.
- 6.Оператор иш жойини танлаш мезонлари нима?
- 7.Мотор майдонининг этиш зонаси нима?
- 8.Оптимал этиш зонаси, енгил этиш зонаси, максимал этиш зонаси деганда нимани тушунамиз?
- 9.Бошқариш пульти қандай бўлиши керак ва унинг шакли нималарга боғлик?

## **IVбоб. Бошқариш органларини лойиҳалаштиришнинг эргономик асосларни.**

### **4.1. Қўлда бошқариш ва назорат асослари. Классификацияси**

Қўлда бошқариш ва назорат қилиб туриш инсон факторининг фундаментал қисми бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳаракат турларни автомобилни (поезд, самолётни) бошқаришда кимёвий, физикавий технолгик жараёнларни бошқариш ва ўтишини назорат қилишда, йиғиш линияларнида, радиоаппаратураларни бошқаришда ва бошқаларда учрайди.

Бошқариш масалаларида оператор инсон қабул қилиш органлари воситасида система ҳолатини кузатади, вақт бўйича ўзгаришларни кўради. Система ҳолатида бўлган ўзгаришлар белгиланган ҳолатидан четлашса, оператор бошқариш таъсирларини ўтказиб объект қўрсаткичлари ҳолатини оптимал белгиланган қийматларда бўлишини таъминлайди.

Кузатув бўйича масалаларда операторнинг бошқарувчи таъсири системанинг вақт бўйича ҳолатини ўзгартирмайди. Оператор курсорни бошқариб, монитордаги белгиланган система мақсади ва ҳолати бўйича уни орқасидан боради, кузатади. Операторнинг масаласи курсорни система мақсадига иложи борича яқинроқ ушлаш бўлади.

Бошқариш ва кузатиш масалаларида «Инсон-техника-муҳит» системасида оператор оддий звено бўлмай, унга алоҳида машина еча олмайдиган масалаларни ечиш қўйилади. Унинг психомотор, маълумотни қабул қилиш, ўрганиш, аниқлаш кўнікмаларини, жараённи бошқариш мазмунини, моҳиятини аниқлайди. Бу ерда оператор фаолиятини инсоннинг маълумотларни қайта ишлаш уқувини қўллаб таҳлил қилиш лозим.

Инсон операторнинг маълумотли модели. Бу моделга кўра операторга, унинг ечиши керак бўлган масала ҳақида маълумот доимий келиб туради. Маълумотларнинг бир қисми бошқарилаётган система мақсади, ҳолати ҳақида бўлса, қолган иккинчи қисми операторнинг, системани маълум бир иш режимларида ушлаб туриш учун, бажарадиган жавоб ҳаракатлари бўлади. Олинган, фойдаланилган маълумотларга асосланиб оператор бошқариш ҳаракатларини ишлаб чиқади.

Инсон операторнинг информацион модели. Берилган моделда инсон системада маълумот узатиш ва ўзгартириш канали бўлиб қолади. Бу ерда маълумотни ўзгартиришнинг уч босқичи қўрсатилган: қабул қилиш, ечиш ишлаб чиқиш, жавоб бошқарувини амалга ошириш. Маълумотларни сақлаш учун ҳам учта система ажратилган: сенсор, қисқа муддатли, узоқ муайян. Информацион модел бошқаришнинг уч жабхасини бирлаштирган: паски, юқори, ўта юқори.

Пастки даражада операторга қўрсатилаётган оддий хатоликлар сигнали билан боғланган бўлади. Оператор қўққисдан бўлган, кутилмаган хатоликларни тўғирлаб боради. Бу ерда оператор ҳаракати системадаги қисқа ва узоқ муддатли хотирага боғлиқ бўлмайди.

Юқори даражадаги бошқарувчи оператор система мақсадидан келиб чиқиб, бўлиши мумкин, вақти келган, ҳаракатларни бажаради.

Бўладиган хатоликлар, ўзгаришларни олдиндан билгани учун оператор хотирасида машқлар натижасида жавоб ҳаракатлари шаклланган бўлади. Бу даражадаги оператор қисқа ва узоқ муддатли хотирасини ишга солади ва ҳаракатларини амалга оширади.

Ўта юқори даражада оператор маълум стратегия умуммақсадли ҳаракатлар ишлаб чиқсан бўлади ва юзага келган масалани енгил ва оптимал варианта бажаради. Оператор обьект жараёнлари динамикасини ва ўзининг имкониятларини яхши билади.

Қўлда бошқаришда маълумотни қайта ишлашга чегараланишлар. Қўлда бошқаришда маълумотларни қайта ишлашга чегараланишлар уч босқичда қуйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқланади.

- бажаришда қайта ишланган маълумот миқдори;
- амалга ошириш учун минимал вақт;
- фонли шовқин.

Агар маълумотлар жуда тез келаётган бўлса, у ёки бу блок зўриқиши мумкин. Блокнинг маълумотларни ўtkаза олиши деганда блокда маълумотларни қайта ишланиши мумкин бўлган чегаравий тезлик тушинилади.

Инсоннинг маълумот дискрет келиб турганида маълумотларни максимал ўtkаза олиш тезлиги 10бит/сек бўлади. Кириш сигнали доимий ўзгариб турганида инсоннинг ўtkазиш оралиғи 1 гц атрофида. 1гц дан юқори бўлган товуш тўлқинларини кузата олмай қолади. Маълумот зўриқишиларининг бир неча манбаълари бор:

1-маълумотларнинг келиб тушиш тезлиги билан боғланган. Агар маълумот келиб тушиши тезлиги руҳсат этилганидан юқори бўлса, унга ишлов бериш самараси пасаяди.

2-оператор тажрибаси етарли бўлмаса. Келаётган маълумотлар системаси, танлаб, юқори савияда ишлов берилиши зарур.

3- икки ёки ундан ортиқ масалаларни бирданига ечишганида маълумот зўриқиши бўлади, масалан кўп ўлчамли кузатувда. Бунда оператор ўзи учун маълум ёки қизиқарли бўлган бир масала маълумотларига кўпроқ эътибор беради. 2-си эса зўриқиши бўлади. Агар иккала масала маълумотларини бирдай ўtkаза олса, унинг тезлиги пасаяди.

4- инсондаги қайд қилинган тўхташлар, инсон психофизиологияси билан боғлагин бўлиб унинг реакциясига боғлиқ бўлади.

#### **4.2 Бошқариш органларига талаблар, лойиҳалаштириш.**

Бошқариш органлари-бу «Инсон -техника-муҳит» системасида механик энергияни ёки маълумотни техник системада бошқаришдир. Бошқариш функцияси учун оператор ишлатадиган элементдир. Бошқариш органлари ёрдамида оператор зарур ҳаракатларни берилган аниқликда ва руҳсат этилган вақт ичida бажаради.

Бошқариш органлари қуйидаги масалаларни ечиш учун ишлатилади:

- команда маълумотларини бериш (рақамли, мантикий)

- аппарат, курилма, механизмларнинг талаб қилинган иш режимларини ўрнатиш:

- техник системанинг турли кўрсатгичларини ростлаш:
- маълумотни текшириш учун чақирув ва бошқалар:

Бу маслани ечиш учун фойдаланиладиган бошқариш органлари кўйидаги ҳусусиятлари бўйича турланади:

- вазифаси
- харакат характеристига қараб
- бажариш характеристига қараб
- конструктив ишланишига қараб
- муҳимлигига қараб

Бошқариш органларининг бу турланиши лойиҳаловчилар учун қўлланма бўлиб ҳисобланади. Бошқариш органларини жойлаштириш, ташкил қилиш ва вазифасига кўра оператор фаолиятидаги зўриқиши, система самараси ва хафсизлиги маълум бўлади. Бу оператив самара дейилади. Оператив самара факторлари операторнинг имкониятларини, жисми билан боғланишларни, бошқариш масалаларининг ва бошқариш органларининг кўрсатгичларнинг Бошқариш органлари шакли, ўлчамлари, материали, шакли, вазифаси инсоннинг антропометрик, анатомик, физиологик кўрсатгичларига мос бўлиши керак.

Бошқариш органларининг шакли ва ўлчамларини инсоннинг антропометрик кўрсаткичларига қараб аниқланади. Максимал ишчи аниқ зонани аниқлашда анатомик кўрсаткичлар ҳисобга олинади, физиологик кўрсаткичлар эса куч, энергетик катталикларни аниқлашда ҳисобга олинади.

Эргономик бошқариш органлари танлашдан олдин бошқариш органи масалаларни кўрсаткичларнини аниқлаш зарур: бошқариш каршилиги, бошқариш аниқлиги, бошқариш тезлиги. Бошқариш қаршилиги бошқариш органларининг жойлашишига боғлиқ, жумладан ундан фойдаланиш частотаси, ҳаракатга тушириш вақтига боғлиқ. Тез-тез ишлатилганда бошқариш органлари қаршилиги максимал қийматининг 15 % дан кам бўлиши зарур. Қисқа муддат ишлатилса, 50 % гача бўлиши руҳсат этилади.

Оператив самарага таъсир этувчи факторлар ҳаракатларнинг бажариш аниқлиги бошқариш органлари нинг жойлашишига, операторнинг ишчи ҳолатига, бошқариш органлари динамикаси билан ўзаро таъсир турига, ҳаракт кучига, диапазонига, ташки таъсирларга ва бошқаларга боғлиқ.

Траектория управляемых движений		Орган управления	Размеры, мм	Размеры, мм Сила F, Н Момент M, Н·м		2 позиций	> 2 позиций	Непрерывное регулирование	Понятие ре- гулирования	Временное ре- гулирование	Приложение "Значительно-го усилия" к рукоятке	Полностью изогнутая рукоятка	Видимые устаковки	Случайное блокирование
Поворотные движения				D	M									
Штурвал		$D = 160 \dots 800$ $d = 30 \dots 40$		D	M	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
Крюкошпинная рукоятка		$r < 250 (< 100)$ $l = 100 (30)$ $d = 32 (16)$	Рука (палец)	R	M	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
Поворотная рукоятка		$D = 25 \dots 100 (15 \dots 25)$ $h > 20 (> 15)$	Рука (палец)	D	M	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
Поворотный селектор-ключатель		$l = 30 \dots 70$ $h > 20$ $b = 10 \dots 25$		D	M	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
Частично утопленная поворотная рукоятка		$b > 8$			0,4 ... 5 H	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
Шар трасцирковки		$D = 60 \dots 120$			0,4 ... 5 H	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					

Траектория управляемых движений		Орган управления	Размеры, мм	Сила F, Н Момент M, Н·м		2 позиции	> 2 позиции	Непрерывное регулирование	Понятие ре- гулирования	Временное ре- гулирование	Приложение "Значительно-го усилия" к рукоятке	Полностью изогнутая рукоятка	Видимые устаковки	Случайное блокирование
Вращательные движения				F	M									
Рычаг		$d = 30 \dots 40$ $l = 100 \dots 120$			10 ... 200 H	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
Джойстик		$s = 20 \dots 150$ $d = 10 \dots 20$			5 ... 50 H	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
Коленчатый переключатель		$b > 10$ $l > 15$			2 ... 10 H	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
Клавиша		$b > 10$ $l > 15$			2 ... 8 H	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
Наборный диск		$d = 12 \dots 15$ $D = 50 \dots 80$			1 ... 7 H	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
Педаль		$b = 50 \dots 100$ $l = 200 \dots 300$ $l = 50 \dots 100$		Сидя: 16 ... 100 H Стоя: 80 ... 250 H		<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					

Преобразование управляемых изменений	Орган управления	Размеры, мм	Сила $F$ , Н Момент $M$ , Н·м	Линейные движения							
				2 позиции	2 позиции	Непрерывное регулирование	Точностное ре- гулирование	Временное ре- гулирование	Приложение значительного усилия	Тактильный обратной связи	Выдвижные устройства
Движок с ручкой		$d = 30 \dots 40$ $l = 100 \dots 120$	$F_1 = 10 \dots 200 \text{ Н}$ $F_2 = 7 \dots 140 \text{ Н}$	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
D-ручка		$d = 30 \dots 40$ $b = 110 \dots 130$	10...200 Н	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
Нажимная кнопка		Палец: $d > 15$ Рука: $d > 50$ Нога: $d > 50$	Палец: $F = 1 \dots 8 \text{ Н}$ Рука: $F = 4 \dots 16 \text{ Н}$ Нога: $F = 15 \dots 90 \text{ Н}$	<input checked="" type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Ползунок		$l > 15$ $b > 15$	1...5 Н (Касание)	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
Ползунок		$b > 10$ $h > 15$	1...10 Н (Манипулирование большиным пальцем)	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>					
Сенсорная кнопка		$l > 14$ $b > 14$		<input checked="" type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

4.1-Чизма. Энг кўп тарқалган қўл ёки оёқда бошқариш органларининг имкониятлари. Куйидагилар аниқланган:

- аниқ ҳаракатлар тургандан кўра ўтириб яхши бажарилади;
- аниқ ҳаракатлар горизонтал йўналишда оператор гавдасидан 15-35 см масофада тирсак ҳаракатларнинг амплитудаси 50-60° бўлганда бажарилади.
- 8-12 см амплитудали ҳаракатларни аниқроқ баҳолаш мумкин.
- фазовий ҳаракатлар аниқлиги юкланиш максимал миқдорининг 25 % гача бўлганда эришилади.

Бошқариш тезлиги бошқариш органлари типига ва киришишига боғлиқ бўлади. Куйидагилар аниқланган:

- қўл ҳаракатларни тезлиги горизантал йўналишда бошқаришда вертикал йўналишдагидан тезроқ бўлади.
- ўнг қўл чап қўлдан тезроқ ҳаракатланади.
- илгариланма ҳаракатдан кўра айлнма ҳаракат тезроқ бўлади.
- юклама ортса тезлик пасаяди.

Бошқариш органларининг кўрсаткичлари, яъни оператив самара бошқариш органларининг тана қисми билан боғланишига боғлиқ бўлади. Оёқ билан бошқариш катта аниқлик талаб килмайдиган катта куч талаб қиласидиган ҳолларда ишлатилади. Қўл ёки оёқ билан тутмачани босиб бошқариш аниқлик талаб қиласидиган жараёнларда бармоқ билан ушлаб бошқариш органлари аниқ бошқариш талаб қилинганда қўлланилиши зарур. Бошқариш органларига кучни узатиш фрикцион ёки мажбурий бўлиши мумкин. Фрикцион усулда ҳаракат узатилганда ишқаланиш коэффициенти


аниқланади. Коэффициент бошқариш органлари сирти ва материалига боғлиқ бўлади. Динамик ўзаро таъсирларда фойдаланиш қулай бўлади.

4.1- Чизмада энг кўп тарқалган қўл ёки оёқда бошқариш органлари келтирилган, уларнинг ўлчамларни ва руҳсат этилган қучланиш миқдори ва бошқариш сифати аниқланган. Бошқаришнинг сифати яъни аниқлиги, тезлиги, бехосдан уланиб қолиш эҳтимоли борлиги кўрсатилган.

Баҳолаш учун доира учини турли кенглиқда бўяб кўрсатилган. Тўлик бўялгани максимал миқдори бўлиб, оқ бўлса бўлмайди, яъни шу кўрсаткич лойиха талабини кониқтиримайдиган бўлади. Энг кўп ҳолат бўйича сифат кўрсаткичларини қониқтирувчи бошқариш органлари оптимал деб қабул қилинади.

Буриловчи ҳаракат билан ишлайдиган бошқариш органлари одатда катта куч талаб килмайди ва юмшоқ ўзгарувчи каталикларни аниқ ростлаш учун кулланилади. Лекин, уларда тактил тескари боғланиш мавжуд эмас.

Айланувчи ҳаракатли бошқариш органлари учун икки позициялилек характерли бўлиб, вақт бўйича бошқариш мумкин. Уларда тактил тескари боғланиш қисман мавжуд бўлади. Кўйиладиган куч бир неча ньютондан 250 ньютонгача ўзгаради. Чизиқли бошқариш органлари 2 позицияни аниқ белгилайди, лекин, бехосдан уланиб кетиши мумкин.



4.2-чизма.Кўлда бошқариш органларининг шакллари.

Бошқариш органларини кўрсатчикларини аниқлаш. Бошқариш органларининг асосий кўрсаткичларни бўлиб, шакли, ўлчамларни, материали ва сирти хисобланади. Бу кўраткичлар бошқаришнинг оперативлилига, сифатига, ҳавфсизлигига ва ишчи зўриқишига таъсир қиласиди. Бошқариш органларининг кўрсаткичлари бошқариш масалаларига боғлиқ бўлади. Бошқариш органларининг кўрсаткичларига анатомик кўрсаткичлар, ўзаро таъсир хили, қўл бармоқлар антропометрияси таъсир қиласиди. Бошқариш органлари шаклини операторга нисбатан унинг жойлашишига қараб ҳам аниқланади. Уларнинг шакли ва жойлашиши эргономик талабларга жавоб бериши зарур. Қўл билан бошқарилувчи штурвал ёки қўзғатувчи бошқа элементларнинг шакли ва ўлчамларни 4.1 Чизма таҳлилидан келиб чиқиб белгиланади. Қўл билан ушланиши қулай бўлиши учун бошқариш органларида дастак 70 – 100 мм диаметри бўлиши оптимал бўлади. 100 мм

дан катта бўлса, бошқариш органларини тўлиқ ушлаш қийин бўлади, бошқариш самараси ортмайди. 370 ммли дастак бўлса, кафт ва бош бармоқ билан ҳам тутиб туриш мумкин бўлади (4.2 –чизма).

Тез ҳавфсиз ва аниқ идентификация қилиш учун бошқариш органлари кодланади. Бунинг учун турли функцияли бошқариш органлари кўриб чиқилади ва тактил ўрганиш бошқариш органларининг имкониятларидан фойдаланилади. Кодлаш бажарилиши мумкин: ранг билан, шакл билан, сиртининг структураси билан, катталиги билан, ҳолати билан, текст ёки символ билан.

Бошқариш органларининг хато уланиб кетиши катта ҳавф түғдириши мумкин. Бунда жараённинг кетиши бузилиши, техник система элементлари заарланиши, операторнинг ўзи травма олиши мумкин. Бошқариш органларининг хато ишга тушиб кетишига қуидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- операторнинг нотўғри харакатлари ёки нотўғри кодлаш хили ишлатилиши оқибатида хато манипуляция бўлиши;
- кийим, кўл, оёқ ёки инструмент билан бошқариш органларига беҳосдан тегиб кетиш, ёнма – ён турган бошқариш органларини ишга туширишда бошқа бошқариш органларининг ҳам хато уланиб кетиши;
- операторга боғлиқ бўлган бошқариш органларига бошқа таъсирлар, шовқин, титраш, бегона буюмларнинг бошқариш органлари устига тушиши.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Бошқариш ва кузатув системасининг масаларини ечишда оператор қандай вазифаларни бажаради?
2. Операторнинг маълумот модели нима?,
3. У қандай бошқариш даражаларини ўз ичига олади?
3. Бошқариш органлари нима, тавсиф беринг?,
4. Бошқариш органларининг турларини айтинг.?
5. Бошқариш органларни қандай жойлаштирилади?
6. Бошқариш органларнинг жойлаштириш мезонларини айтинг?
8. Бошқариш органлари қандай кодланади?
9. Бошқариш органларига қандай ҳавфсизлик талаблари қўйилади?
10. Оператив самарадорлик нима, унга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
11. Бошқариш органларининг қандай шакллар бор? Улар нималарга боғлиқ бўлади?
12. Қўлда бошқарища маълумотлар оқимига қандай чегаралар қўйилади?

## **5-боб. Маълумотларни қабул қилиш воситаларини лойиҳалашибонинг эргономик асослари**

### **1. Маълумотларни қабул қилиш, қайд қилиш воситалари.**

Маълумотларни қабул қилиш воситалари техник система (машина) ҳолатини кўрсатувчи омил бўлиб, системанинг иш кўрсатгичларни, жараёнларни кетиши, энергетик ресурслар захираси борлиги, алоқа каналларининг ҳолати ва бошқалар ҳақида инсон-операторга талаблар куийш имконини беради. Маълумотларни қабул қилиш воситаларидан келаднинган сигналлар ҳажми, таркиби, шакли бўйича «Инсон-техника-муҳит» системасидаги ечиладиган масалаларга ва операторнинг психологик имкониятларига мос бўлиши зарур. Уларга қуидаги талаблар кўйилади, яъни улар бўлиши керак:

- меъёри-маълумтларни етарли тезлик ва аниқлик билан қабул қилиш учун
- қулай шаклда – оператор қўшимча кодламай қабул қила оладиган.
- етарли ҳажмда – оператор хотира имкониятлари максимал юкланиб ишлаши учун етарли
- етарли маълумоти -операторга ўзининг ҳаракатларни натижасида вазиятни баҳолай оладиган даражада
- бериш тезлиги оптималь бўлиши-оператор доимо иш устида бўлиб туриши учун етарли

Маълумотларни қабул қилиш воситаларни қуидаги ҳусусиятлари бўйича турланади:

- сигналларнинг модаллиги
- берилаётган маълумотлар функцияси
- кўрсатмалардан фойдаланиш услуги
- сигнал шакли
- сигналларни деталлашибониш даражаси
- операторнинг сезги органларига таъсир қилиши бўйича

Сигналлар модаллиги бўйича маълумотларни қабул қилиш уч гурухга бўлинади:

- визуал
- акустик
- -тактил
- 

Ҳар бир гурухда алоҳида индукторлар ишлатилади:

-

**Маълумотларни қабул қилиш воситаталари**



**5.1 – Чизма. Маълумотларни қабул қилиш воситаларининг  
хилланиши.**

**– жадвал. Индикаторларнинг гурӯҳ ва нимгуруҳлари**

Гурӯҳлар	Нимгуруҳлар	Ҳар бир индикаторни ажратиш учун ишлатиладиган воситалар
Визуал печатланувчи	Шартли, ёруғлик, тасвирий, шкалали ва рақамли (чоп этилувчи) комплекс системали	Ёрқинлик, тиниқлик, вақт бўйича кўрсаткичлар, ранг, текст, ҳаракатлар, масофа, маълумотлар сифими, кодлш услубларни
Акустик	Нутқ, тоза тон ишлатиладиган нутқли бўлмаган мураккаб	Товуш частотаси, товуш, сигнал ва шовқин нисбати, шакли, тембр, маълумот ёки товуш йўналиши, вақт бўйича тавсифлар
Тактил	Титровли	Титраш, интенсивлик конфиగурафияси, текстура, ҳаракат, вақтли тавсифлар
Проприоцептив	Статик, динамик	Механиқ таъсирларни градацияси, куч билан ҳаракатлантирувчи, тебрантирувчи

Маълумотларни қабул қилиш воситаларини ишлаб чиқиш принциплари уларга қўйилган талабларга боғлиқ бўлади. «Инсон – техника – муҳит» системаси учун маълумотларни қабул қилиш воситаларини ишлаб чиқиш учун қўйидаги талабларга риоя қилиш зарур.

- бошқариш объектиning ҳолати, ишчи жараёнлар, атроф муҳитни қабул қилиш адекватлиги (ҳақиқийлиги)
- техник системани бошқариш бўйича оператор бажарадиган масалаларга мослиги
- маълумотлар баланси бўлиши (дефецит ёки ортиқча бўлмаслиги зарур)

Маълумотларни қабул қилиш воситаларини кўрсатиш принципларига қараб тўрт хилга ажратилади:


- 1- индивидуал услубда маълумотни кўрсатиш;
- 2- маълумотлар умумийлашган ҳолда кўрсатилади;
- 3- маълумотлар оқими ростланниб турилади ;
- 4- иерархик услубда маълумотни кўрсатиш;

1. Маълумотларни индивидуал кўрсатиш системалари. Бундай системадаги ҳар бир назорат қилинаётган кўрсаткичнинг ҳолати индивидуал индикаторлар орқали кўрсатиб турилади. Бу ҳолда қулайликлар: кўришнинг соддалиги, маълумотни қабул қилишнинг тўлалиги ва оперативлиги (тезлиги), ишончлилиги. Системанинг ноқулайликлари: катта ҳажмдаги ортиқча маълумотлар, вазиятни тўлиқ баҳолашнинг қийинлиги, қабул қилиш воситалари кўп жой олади.

## 2. Маълумотларни умумлашган ҳолда кўрсатиш.

Бундай услубда обьект ҳақида маълумотлар –кўрсатгичлар умумлашган ҳолда бир кўрсатгич орқали кўрсатилади. Бунда қулайликлар: операторга келаётган маълумотлар оқими тезкор камаяди. Ҳисоблаш комплекси ёрдамида (ЭХМ) умумлашган кўрсатгич аниқланади, операторга вазият ҳақида тўлиқ маълумот қийинчиликсиз берилади. Камчиликлар: Умумлашган маълумотни таҳлил қилиш қийин кетади, ҳисоблаш комплекси керак, маълумотлар ишончлиги пастроқ, бошқариш обьектини яхши билиш зарур.

3. Ростланувчи маълумотлар оқими бўлган системада маълумотлар оқими бир неча оқимларга ажратилади, операторга кетма-кет келиб тушади. Маълумот олишнинг бу усули кўп босқичда бажарилиши билан характерланади. Биринчи босқичда обьект ҳолати ҳақида умумлашган маълумотлар олинади. Ростланувчи маълумотлар оқими бўлган системада маълумотлар оқимларни бир неча оқимларга ажралади, улар операторга кетма-кет келиб тушади. Оператор маълумотларни навбат билан қабул қилиб олади ва ишлов беради.



5.1-Чизма. Маълумотларни қабул қилиш воситаларининг структуравий схемалари: а). Маълумотларни индивидуал кўрсатиш системалари воситасида олиш, б). Маълумотларни умумлашган ҳолда кўрсатиш, в). Ростланувчи маълумотлар оқими бўлган система, г). Иерархик усулда маълумотлар олиш системаси.

Қулайликлари: маълумотлар оқими камаяди, маълумотлар панели юзаси камаяди, бошқараётган жараён фазалари яққол тасвириланади.

Камчиликлар: маълумотларни таҳлили мураккаб, коммутация воситалари мураккаб, жараён ҳақида тўлароқ маълумот олиш керак.

4. Иерархик усулда маълумот олиш системаси маълумот олишнинг кўп босқичда бажарилиши билан характерланади. 1-босқичида обьект ҳолати ҳақида умумлашган маълумотлар олинади. 2-босқичда оператор талабига кўра обьектнинг алоҳида элементлари ҳақида маълумот олинади. 3-босқичда ҳар бир кўрсаткич ҳақида, унинг миқдори ва ўлчамларни бўйича маълумотлар олинади. 2, 3 босқичлардаги маълумотлар оқимини оператор команда берувчи аппарат (КА) да танлайди. Кўрилган системалар ичida иерархик услуг энг қулай бўлиб, оператор имкониятидан келаб чиқиб, катта маълумотлар оқимини ўтказа олади. Кераксиз маълумотлар ҳажми минимал бўлади, маълумотларнинг таҳлили соддалашади, система ишончлироқ бўлади, турли вазифали обьектлардан маълумот олиш имконияти бўлади.

Камчилиги: мураккаб ҳисоблаш комплекси ва коммутацион аппаратлари зарур, у ёки бу маълумотларни қабул қилиш системасини қўллаш (танлаш) маълумотлар ҳажми  $F_m$  ва операторни маълумотларни ўтказиш имкониятига  $F_{op}$  боғлиқ бўлади. Агар  $F_m < F_{op}$  бўлса, индивидуал услуг қулай, агар  $F_m > F_{op}$  бўлса, ростловчи маълумотлар оқими услуги қўлланилади.

Агар  $F_m \gg F_{op}$  бўлса иерархик услуг қўл келади. Операторнинг маълумотларга ишлов бериш тезлигини ошириш учун маълумотларни қабул қилувчи ярим модал воситаларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда оператордан маълумотлар оқими бирданига турли услублар воситасида ўтказилади.

Кўриб ишлатилувчи индикаторларга қўшимча равишда товуш сигнали, кўриб ва тактил анализи биргаликда қўллаш тавсия қилинади.

Маълумотларни қабул қилиш воситаларини жойлашиш юзасини кўриш учун кўп шкалали, кўп функционал, кўп каналли индикаторлар ишлатилади. Бунда маълумотларга ишлов бериш вақти ҳам камаяди.

## **5.2. Кўринувчи (визуал) маълумотларни қабул қилиш воситаларни ишлаб чиқиши.**

Визуал маълумотларни қабул қилишни яхшилаш учун уларга қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Кўзга ташланувчи – одамлар нигоҳини тортиши, янги кўришли жойда бўлиши зарур.
2. Кўринувчи, ҳар қандай вазиятда ҳам кўриниб туриши (кечаси, кундузи, қуёшли, булатли кунда).
3. Ажralиб туриши. Объектнинг муҳим қисмларини ажратиб кўрсатилиши зарур (ҳавфли, ҳавф, юқори кучланиш ва ҳоказо)
4. Аниқ кўриниб туриши. Ёзувлар фондан яққол ажralиб туриши, чизиқлар, белгилар, ҳарфлар, рақамлар аниқ бўлиши зарур.
5. Тушунарли, мантиқли бўлиши зарур. Белгиланишлар, аббвиатуралар, ёзувлар тушунарли стандарт бўйича бўлиши зарур.

## 6. Стандартли бўлиши.

7. Маълумотлар ёзувларни ва белгиларни шу билан бирга ташки қўёш, ёғин-сочин таъсирларига чидамли мустаҳкам бўлиши зарур. Материалы, бўёқлари пишиқ бўлиши зарур. Визуал маълумотлар печатли ҳарфларда берилиши, ҳарфларнинг бўйи ва эни стандарт бўйича бўлиши зарур ( $1,6\dots1,8$ -оқ фонда қора ёзувлар;  $1,8\dots2,0$  қора фонда оқ ёзув) ҳарфлар баландлиги уни операторгача бўлган масофага, жойни ёритилганлигига, маълумотнинг муҳимлигига боғлиқ бўлади. Маълумотлар баландлиги:  $H = 0,0022P + K_1 + K_2$  ифодадан аниқланилади. (5,2 жадвал), мм, бу ерда:  $K_1$  – жойнинг ёритилганлигига боғлиқлик коэффициент,  $K_2$  – маълумот муҳимлигига боғлиқ коэффициент = 1,9


**5.1-Жадвал.**  $K_1$  – коэффициент миқдори ёритилганлик ва ўқилиш шароитига боғлиқлиги.


$K_1$ , мм	Ёритилганлик, лк	Ўқилиш шароити
1,5	> 10 лк	кулай
4,1	> 10 лк	Ноқулай
4,1	< 10 лк	кулай
6,6	< 10 лк	Ноқулай

Визуал маълумот индикатори қандай жойлаштирилади? Бу саволга оператор имкониятларидан, қўйилган масалаларга боғлиқ равишда жавоб берилади. Кўриниш майдони, индикаторлардан фойдаланиш частотаси, индикаторларнинг компановкаси. 5.3 Чизмада оператор нигоҳи билан оптималь қараш бурчаги тасвирлаган. Албатта, энг муҳим маълумотлар дисплейлари оптималь нигоҳ оралигида ( $30^\circ$ ) бўлиши зарур. Оптималь нигоҳ ўлчамларини аниқлаш учун операторнинг антропометрик кўрсаткичларини аниқлаш керак бўлади.

Кўриш майдони 3 зонага бўлинади:


- стационар зона, кўз нигоҳи зонаси,
- кўз зонаси – кўз қарашларни ўзартириб кўрилади,
- бош зонаси – бошни буриб кўриш мумкин бўлади.





Стационар зонада оператор одатда  $30^0$  вертикал йўналишда иккита индикаторни бирданига кузата олади. Кўз зонаси  $30\dots80^0$  бўлиб оператор щитни кўриб туради.

Кўриш майдонидан оптималь фойдаланиш учун муҳим дисплейлар ажратилиши уларга қараш частотаси аниқланилиши зарур. Кўрсатилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун масалаларни таҳлил қилиб кўриш зарур. Дисплейлар 3 категорияга бўлинади: 1-даражали, 2-даражали, 3-авариявий.



5.3-чизма. Операторнинг бошқариш харакатлари учун зарур антропометрик кўрсаткичлари.


### **Назорат учун саволлар:**

- 1.** Маълумотларни қабул қилиш воситаларининг қандай структуравий схемаларини биласиз?
- 2.** Маълумотларни қабул қилиш воситаларини ишлаб чиқиш принципларини ва уларга қўйилган талабларни айтинг?
- 3.** Қандай маълумотларни қабул қилиш воситаларини биласиз?
- 4.** Маълумотларни қабул қилиш, қайд қилиш воситалари хақида тушунча беринг?
- 5.** Кўринувчи (визуал) маълумотларни қабул қилиш воситаларни қандай тартибда ишлаб чиқилади?.
- 6.** Қандай маълумотларни қабул қилиш воситаларни биласиз?

## **6-Боб. Маълумотларни қайта ишлаш, қарор қабул қилиш ва операторнинг бошқарувчи ҳаракатлари.**

### **1. Оператор томонидан маълумотларни қайта ишлаш.**

Объект маълумотларини ва воқеаликлар қабул қилингач, зудлик билан уларга мос ҳаракатлар бажарилади ёки кейинги ҳаракатлар учун хотираға ёзиб олинади. Бунда маълумотларни оператор томонидан қабул қилиш модели 6.1 - чизмада келтирилган. Бу ерда маълумотлар оператор томонидан қабул қилинади (сенсор сезгилар томонидан). Маълумотлар этalon билан солиштирилади унинг ҳақиқийлиги қайд қилинади. Кейин эса мос қарор қабул қилиниб, тегишли ҳаракатлар амалга оширилади.



#### **6.1-Чизма. Операторнинг маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш модели.**

Бунда бир неча ҳолат бўлиши мумкин:

- келаётган маълумотларга тегишли жавоб зудлик билан танланади.
- маълумот хотирада маълум бир муддатга сақланади, зарур бўлганда фойдаланилади.

Охирги ҳолда тўпланган маълумотлар хотирада қолиб одатий ҳол олиши мумкин: Маълум вактдан кейин хотирадан чиқиб кетади ёки бирор жавобни ишлаб чиқиши учун ишлатилади.

Жавоб варианти танлангач у амалга оширилади. Бошқариш ҳаракатлари бажарилади. Ҳаракат натижаси қайта боғланиш орқали операторга яна маълумот сифатида қайтиб келади.

Бу жараёнда бошқариш сифати ва ҳаракатлар аниқлиги оператор тайёргарлигига, унинг хотираси ва фикрлашига боғлиқ бўлади. Оператив

хотиранинг муҳим кўрсаткичлари қўйидагилар: - хотира ҳажми; - хотирага олиш ва оператив маълумоти ишлаб чиқиш тезлиги ( агар у керак бўлмаса). Ўртача хотириали оператор 5-9 воқеликни хотирада сақлай олади. Янги маълумотлар келганида аввалгилари сиқиб чиқарилади.

Оператив хотира ҳажмига қўйидагилар таъсир қиласди:

1. Маълумотларни кодлаш системаси. Кодлар ёрдамида хотира ҳажми бир неча марта ортади.
2. Маълумотларни таркибий ташкили. Маълумотлар оқимини ростлаш, гурухлаш, символлар киритиш.
3. Объектларнинг кўплиги, уларнинг шакли, коди, белгиланиши, бир бирига ўхшашлиги қабул қилиш ҳажмига таъсир қиласди.

Оператив маълумотларни ишлаб чиқиш ва хотирага олиш тезлиги системани ўтказиш тезлигини аниқлайди. Келаётган маълумотлар ҳажми оператив хотира ҳажмидан қўп бўлмаса оператив маълумотларни қабул қилиш тезлиги оптимал бўлади. Сигими катта маълумотларни қабул қилишда кодларни ишлатиб маълумотларни қабул қилиш тезлигини янада ошириш мумкин (50-60 бит/с).

Оператив хотиранинг фаолияти тезлигини ошириш учун: - келаётган маълумотларни ҳажмини камайтириш; катта сигимли кодлардан фойдаланиш; хотира ҳажмини камайтирувчи техик воситалардан фойдаланиш; келаётган воқеликлар ҳақидаги маълумотларни ўрганиш, билиш, унинг назорат кўрсаткичларини ошириш; оптимал хотира бирликларини шакллантириш; кераксиз маълумотларни хотирада чиқариш зарур.

Узоқ муддатли хотира маълумотларини соат, сутка, йиллар давомида сақлаши мумкин. Улар бўлиши мумкин бўлган, кутилаётган воқеликларда ишлатилади.

Оператив фикрлаш – объектни динамик моделлаштириб, унинг хусусияти ва ўзаро боғлиқликларига асосланиб, уни бошқариш бўйича ҳаракатлар кетма-кетлигини қуриш жараёнидир. Оператив фикрлаш қўйидагилардан ташкил топади: -унинг ўзаро боғланган элементларига асосланиб, вазиятни шакллантириш; - вазиятни дастлабки ва охирги ҳолати бўйича баҳолаш, уни диамикасини билиш; «Инсон-техника-муҳит» системаси ҳақидаги маълумотларни шакллантириш. Оператив фикрлашнинг мақсади ҳар қандай вазият ва шароитларда мақсадга мувофиқ ечимларга келишдир, тўғри ечимларни топишдир.


## 6.2. Маълумотларни тахлил қилиш ва қарор қабул қилиш

Қарор қабул қилиш оператор (одам) фаолиятининг муҳим ташкил этувчисидир. Ечим қабул қилиш – «Инсон- техника -муҳит» системасида келаётган маълумотларга асосланиб (машина, муҳит, объект ҳақида), мақсадга эришиш учун зарур ҳаракатлар кетма-кетлигини шакллантиришдир. Бу жараён қўйидагиларни ўз ичига олади:

- келаётган маълумотларга қараб муаммони ажратиб олиш;

- муаммони бир неча ечимларини кўрсатиб бериш;
  - энг оптималь ечимларни топиш, ҳар бир ечим вариантларини баҳолаш;
  - сигнални қайд қилиш;
  - сигнални ажратиб олиш;
  - сигнални идентификация қилиш, бўлиб олиш; эталон билан солишишириш.
- мураккаб вазиятларда ечимлар топиш уқуви (чегараланган вақт ичида).
- ечимларнинг аниқлиги ва бир хиллиги.
  - вазият ўзгаришини ҳисобга олиш, унга мос янги ечимлар топиш.


Оператор учун бу хусусиятлар унинг қарор қабул қилиши учун психологик асос бўлади. Оператор фаолиятида турли даражадаги қарорлар



- 6.2-чизма. Оператор оёгининг турли холатларидаги босим кучининг катталиклари. қабул қилинади:
- оддий бир типли масалалар, фикрлашлар талаб қилувчи масалалар. Бунда оператор турли услублар ва қоидаларни билиши керак бўлади. Муаммоли масалалар ижодий характерда бўлиб, уларнинг ечимида аниқ ҳаракатлар белгилаб берилмайди. Бу ерда чегаралар, эҳтимоллар мавжуд бўлади. Бу ерда оператив фикрлаш муҳим асос бўлади. Масалаларни ечишда бир неча босқичдан ўтилади:
  1. Масаланинг тури, мақсади топилади. Масала ечими ривожлатирилади, дастлабки гипотеза айтилади. – масала бўлакларга бўлинади.
  2. Муаммоли вазият компонентлари баҳоланади, таҳлил қилинади, гипотеза текширилади, - хусусий ечимлар шакллатирилиб, қабул қилинадиган ечимларни бажариш йўллари аниқланади.
  3. Шу ҳолат учун аниқ ечим шакллатирилади; - ечимни бажариш йўллари белгиланади; - рациоал бошқариш услублари ишлаб чиқилади.

- Оператор оёғининг турли холатларидаги босим кучининг катталиклари. турлича бўлади. Оператор ҳаракатларининг фазонинг турли қисмларидаги аниқлиги 6.2-чизмада келтирилган.

### *Прямо над плечом*



1. 6.3-чизма. Фазонинг турли нуқталарида оператор ҳаракатларининг аниқлиги

2. Ечимларни бажариш сифатига қўйидагилар таъсир килади: «Инсон-техника-муҳит» системасида ходимларниң ишини ташкил қилиш, операторлар орасида вазифаларни тақсимлаш, операторлар гуруҳининг фаолиятини мувофиқлаштириш, операторларни машқ қилдириш ва ўргатиш.
3. Операторнинг бошқариш воситалари билан ўзаро таъсиригининг самараси қўйидагиларга боғлиқ: реал вазиятга моделининг мослиги ва операторлар масалалари, - маълумотларни қабул қилиш воситаларининг қулайлиги,
- иш жойларини ва бошқариши автоматлаштириш.

Операторларнинг шахсий-психологик ҳолати, операторларнинг бошқарувчи ҳаракатлари бўлиши мумкин: ишчи ва бажарувчи ҳаракатлар, улар ёрдамида бошқариш органларига таъсир ўтказилади,

гностик ҳаракатлар-объектни ўрганиш учун (сезгилар ёрдамида), мослашувчи ўргатилувчи, мувозанатловчи ҳаракатлар.

Бошқарувчи ҳаракатлар фазовий ва тезлик, куч ва аниқлик қўрсаткичлари билан харakterланади. Операторнинг физиологик имкониятлари унинг иш ўрнидаги холатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ўтирган холида унинг оёқлари хосил қилиши мумкин бўлган куч катталиклари 6.2-чизмада келтирилган. 6.3-чизмада эса фазонинг турли нуқталарида оператор ҳаракатларининг аниқлиги қўрсатилган.

**Жадвал.**

**Инсон қўлларининг турли холатидаги таъсир кучининг миқдорлари.**

Ҳаракат	Қўл	Қўлнинг гавда ўқига нисбатан холати									
		180°			150°		120°		90°		
		F	I <sub>F</sub>	I <sub>F</sub>	•Г max	-Г доп	F <sub>max</sub>	*ДОП	F <sub>1 max</sub>	F <sub>x доп</sub>	Г max
Ўзига тортиш	Ўнг Чап	216 1540 ; 236 196 : 520 : 168	530 500	168 130	468 426	<b>148 126</b>	396 96 359 102				380 288
Ўзидан итариш	Ўнг Чап	196 ; 620 ! 168 167 : 570   118	558 500	142 100	466 446	<b>140 88</b>	388 131 378 89				418 359
Юқорига тортилиш	Ўнг Чап	54 : 192   69 34 182 ! 59	249 238	92 68	268 240	<b>76 68</b>	250 79 236 59				<b>219 198 j</b>
Пастга итариш	Ўнг Чап	69 188 78 49 ; 156   68	209 189	100 82	260 228	<b>101 82</b>	238 78 220 68				230   209
Ўзидан узоқлаштири	Ўнг Чап	54 150 58 31   138   29	148 129	<b>58 38</b>	150 138	<b>62 39</b>	166 68 146 29				188 142
Ўзига тортиш	Ўнг Чап	<b>78</b> ! 226 j 78 49 192   58	239 209	88 <b>78</b>	236 200	<b>68 62</b>	226 79 216 68				238 228

### **Назорат учун саволлар:**

1. Операторнинг маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш модели нима?
2. Оператор маълумотларни қандай қабул қиласди?
3. Операторнинг маълумотларни қабул қилгач умаълумотларни қандай тартибда (моделда) қайта ишлайди?
4. Ечимларни бажариш сифатига қандай омиллар таъсир қиласди?
5. Оператив маълумотларни ишлаб чиқиш ва хотирага олиш тезлиги нималарга боғлиқ бўлади?

## **7 боб. Иш муҳитини лойиҳалаштиришнинг эргономик асослари**

### **7.1. Иш муҳитини лойиҳалаштиришнинг эргономик асослари, умумий тушунчалар**

Операторга таъсир этиб турувчи, «Инсон-техника-муҳит» системасидаги физик, кимёвий, биологик социал-психологик, эстетик ва бошқа таъсирлар мажмуи иш муҳитини ташкил қиласиди.

Иш муҳити факторларига қуидаги талаблар қўйилади.

1. Улар бутун иш вақти давомида оператор - инсоннинг иш қобилиятига таъсир ўтказиб, ишончли функциясини пасайтирмаслиги зарур.
2. Муҳит кўрсаткичларининг комплек таъсири. Инсон - операторга узоқ муддат таъсир этиб турганида унинг соғлигига ёмон оқибатларни келтириб чиқармасликлари лозим.

Муҳит факторларининг операторга таъсири бўйича атроф муҳит шароити тўрт даражада бўлади:

1. Қулай атроф муҳит шароити. (комфортли). Операторнинг иш қобилиятининг юқори даражада бўлишини таъминлаб, узоқ муддатга яхши кайфият ва соғлиги сақланиб қолади.
2. Нисбатан ўртача муҳит шароити. Маълум муддатларга операторнинг иш қобилияти яхши сақланади, соғлиги қониқарли бўлади. Оператор ўзининг ҳаракатларида меъёрлар даражасида бўлган ўзгаришларни ҳис қиласиди.
3. Экстремал иш муҳити. Операторнинг ишчи қобилияти сусая бориб, ҳаракатларида номутаносибликлар кузатилади. Меъёр кўрсаткичлари сақланмасада операторда патологик ўзгаришлар юзага келмайди.
4. Ўта экстремал иш муҳити. Оператор ишлаши учун мумкин бўлмаган, унинг организимида патологик ўзгаришлар юзага келадиган муҳит.

Операторга таъсир этувчи атроф муҳит факторлари кўрсаткичларининг меъёрий қийматлари давлат стандартларида белгилаб берилади. Атроф муҳит таъсирини камайтириш учун оператор учун индивидуал химоя воситалари ва услублари қўлланилади. Индивидуал химоя воситалари актив ва пассив бўлиши мумкин. Актив индивидуал химоя воситалари ва услубларида нокулай муҳит шароитлари аниқланиб йўқотилиши керак. Пассив индивидуал химоя воситалари ва услубларида агрессив таъсирлар аниқланилиб, уларни камайтириш тадбирлари кўрилади. Масалан иш ўрни химояланади индивидуал химоя воситалари ва уст-бош кийилади, тўсиқлар қўйилади ва ҳоказо.

Операторни атроф муҳит таъсирларидан химоя қилиш. «Инсон-техника-муҳит» системасини лойиҳалаштиришнинг барча босқичларида бажарилади.

Техник топширик ишлаб чиқиши босқичида атроф муҳит кўрсаткичлари таҳлил қилиниб меъёрлари белгиланади, буюрмачининг талаблари кўрсатилади. Лойиҳалаштиришнинг техник ечимлар бериш босқичида

ишчи факторлар таркиби аниқланади, уларнинг операторга таъсир даражаси башорат қилинади. Таъсирилардан химоя қилиш услублари ишлаб чиқилади.

Эскизлар ишлаб чиқиши босқичида иш муҳитининг нокулайлик факторларига аниқлик киритилади, амалдаги меъёрларга таянган ҳолда операторнинг нормал ҳаёт фаолиятини таъминловчи система талаблар ишлаб чиқилади.

Техник лойиҳалаштириш босқичида

- операторнинг иш ва дам олиш режимларини аниқловчи, атроф муҳитнинг операторга таъсир даражаси реал кўрсаткичлари белгиланади.
- атроф муҳитнинг таъсиридан индивидуал ва колектив химоя воситалари ишлаб чиқилади.
- операторларнинг малакали танловга талаб ишлаб чиқилади, уларни машқлар қилиш меҳнат ва дам олиш режаларини атроф муҳит таъсирини ҳисобга олиб аниқланади.

Операторга атроф ва иш муҳитининг комплекс таъсирига қараб оператор ишининг оғирлиги 6 категорияга бўлинади. Категория даражаси тиббий-физиологик баҳо бериб аниқланади. Оператор ишининг 1 ва 2 категориялари комфорт иш муҳити ҳисбланади, 3-категорияси нисбатан диск комфорт, 4-5-категориялари экстремал ва 6-категорияси ўта экстремал иш муҳити бўлади.

Оператор ишининг оғирлик категорияларини аниқлаш учун бир неча услублар мавжуд, улар билан кейинги бўлимларда танишамиз.

## 7.2 Иш муҳити факторларининг классификацияси

Иш муҳити операторга таъсир этиб турувчи физик, кимёвий, биологик, социол-психологик, эстетик ва бошқа таъсирилар мажмуидан иборат бўлади. Ишлаш муҳитининг классификацияси 7.1 -чизмада берилган.

Эстетик факторларга қуидагилар киритилади.

1. Ёруғлик нурларининг мослиги иш ўрнида
2. Товуш ва шовқинлар гармонияси
3. Хидларнинг ёқимлилиги
4. Қурилмаларнинг шакли ва жойлашиш композицияси
5. Ишчи ҳолат ва ҳаракатларнинг гармонияси ишчи ҳаракатлар
6. . Инсон -техника-муҳитининг психофизиологик факторлари:

1. Физик юклама-энергия сарфи, мускулларнинг зўриқиши, юкланиш вақти.
2. Асаб психологик юклама, кўриш, эмоционал интеллектуал юкланиш
3. Иш жараёнининг бир хиллиги
4. Ишлаш ва дам олиш режимлари (кунлик, йиллик)
5. Жароҳатланиш ҳавфи. Портлаш, ёниш, сейсмик ҳавфлар. Ҳароратдаги қисмларнинг жароҳатланиш даражаси. Иш майдони, ўрни меъёрларга мослиги.

Социал психологик факторлар:

1. Жамоанинг ахиллиги меҳнат интизоми, ўзаро алмашинувчанлик.
2. Жамоадаги гурӯҳлар муносабати, қарара каршиликлар даражаси.

Иш муҳитининг асосий факторлари физик факторлардир. Уларга алоҳида талаблар қўйилади ва ишлаб чиқаришда назорат қилиб борилади.

Иш муҳитининг асосий физик кўрсаткичлардан микроиқлим ҳисобланади: Бу ҳаво ҳарорати, намлиги, ҳаво ҳаракат тезлиги ва бошқалар (7.1-расм).

Бу кўрсаткичлар ўта юқори ёки паст бўлиши операторнинг ишчи ҳолатига, ишончли ҳаракатларига унинг психофизиологик кўрсаткичларига ёмон таъсир кўрсатади. Микроиқлимнинг оптимал кўрсаткичлари 7.1-жадвалда келтирилган.

**7.1-Жадвал. Микроиқлимнинг оптимал кўрсаткичлари.**

Йил мавсуми	Иш категориялари	Ҳарорат	Нисбий намлик %	Ҳаво ҳаракат тезлиги
Совуқ ва ўтиш даври	1-енгил 2 а ўрта оғирлиқдаги 3 б ўрта оғирликли 3-оғир	20-23 18-20 17-19 16-18	40-60 -- -- --	м\с 0,2 0,3
Йилнинг илиқ даврида	1-енгил 2 а ўрта оғирлиқдаги 3 б ўрта оғирликли 3-оғир	22-25 21-23 20-23 18-19	-- -- -- --	0,2 0,3 0,4 0,5

Ишчи муҳитнинг комфортлиги унинг ёритилганлигига боғлиқ бўлади. Оператор иш ўрнида етарли ёритилганлик ҳосил қилиши учун қуидагилар бажарилади:

- ёриткич ва ёритиш системаси тўғри танланиши зарур,
- ишчи юзада етарли ёритилганлик ҳосил қилиши зарур,
- ёруғлик нурининг кўзга ўткир таъсирини камайтириш, ёруғлик нурларини сочиш, бликни йўқотиш,
- хонанинг бир текис ёритилганлигини таъминлаш.

Ёритилганлик буюмларнинг тасвирини аниқ кўриш учун оператор психологик ҳолатини таъминлаш учун етарли бўлиши зарур.

Ҳар бир иш ўрни учун бажарилаётган иш характеристига қараб ёритиш меъёрлари белгиланади. Ёритишида ёруғлик ранги ҳам муҳим рол ўйнайди. Ёруғлик нури спектрал таркибига қараб турли рангларда бўлади. Энг комфорт ёритилган мовий рангли нурларда бўлади (тўлқин узунлиги  $\text{P}=500-550 \text{ нм}$ ) Яна қайтган нурлар яхшироқ ёритилганлик ҳосил қиласи.

ёруғлик нурининг қайтиши 80-90 % ни шифтдан, деворлардан 50-60- % панеллардан 15-20 %, полдан 15-30 % нур қайтиши зарур.

Операторнинг иш қобилиятига шовқин ҳам ёмон таъсир кўрсатади. Эшитиш диапозонидаги (10..20000 Гц) кучли шовқин операторнинг эшитиш қобилиятини сусайтириб, унинг акустик маълумотларни қабул қилиш имкониятини қийинлаштиради. Бундан ташқари шовқин оператор организмига таъсир кўрсатиб, унда физиологик ўзгаришлар юзага келтиради, унинг ишончли ҳаракатларини бўлади. Хатолар ортади, ақлий фаолиятни сусайтиради.

Паст частотали шовқин одам организмига, унинг соғлигига, иш қобилиятига таъсир ўтказиб, умумий ҳолатини ёмонлаштиради.

Шовқиннинг меъёрий қийматлари стандартларда кўрсатиб берилган.

Эшитиш қобилиятига ёмон таъсир қилувчи шовқин интенсивлигининг чегаравий қийматлари қуйидаги жадвалда берилган.

## 7.2. Жадвал. Эшитиш қобилиятига ёмон таъсир қилувчи шовқин интенсивлигининг чегаравий қийматлари.

Шовқиннинг таъсир этиши вақти	Шовқиннинг чегаравий интенсивлиги, ДБ		
	Химояланмаган қулоқ учун	Химояланган қулоқ учун (пробка б-н)	Химояловчи наушник билан
8 соат	100	112	120
1 соат	108	120	128
5 минут	120	132	140
30 секунд	130	142	150

Операторнинг шовқин ва товуш босимиға субъектив ҳиссиёти даражаси қуйидаги жадвалда келтирилган.

Шовқин билан курашиш учун қуйидагилар бажарилади.

- Шовқин манбааларини йўқотиш (лойиҳалаштириш ва эксплуатация даврида),
- шовқин манбаасини атрофдан изоляция қилиш
- индивидуал химоя воситалари қўллаш
- иш ва дам олиш режимларини йўлга қўйиш.

## 7.3.-жадвал. Турли товуш даражасида операторнинг сезиш даражаси

Товуш даражаси ДБ	Товуш босими Па	Операторнинг сезиш даражаси
0	2.10-5	Эшита олиш чагараси
80	2.10-4	Шовқин сезиларли
90	6,3.10-1	Шовқин безовта килади
100	2	Шовқин ҳалақит беради
110	6,3	Гаплашиш мумкин
120	20	Шовқин босади, безовта қилади
130	63.10	Организмда оғриқли сезиш бўлади

Механик таъсиrlар ичида титраш энг таъсиrlи факторлардан биридир. Улар умумий ва жойли. Умумий титраш машина, агрегатлар таъсирида полни титрашидан бўлади. Хусусий титраш пневматик ва электр кўл асбобларини ишлатишдан юзага келади. Титрашнинг оператор ҳолатига таъсири қуйидаги жадвалда келтирилган.

#### 7.4. Жадвал. Турли титраш частотаси ва амплитудасининг таъсиr характери.

Титраш частотаси Гц	Титраш амплитудаси ММ	Таъсиr характери
40...50	0,015 гача	Потологик ўзгаришлар йўқ
40...50	0,016...0,05	Асабийлик допрессияси билан
40...50	0,05..0,1	Марказий нерв системада ўзгариш, юрак, эшитиш органларида ўзгариш
40...50	01..1,3	Организмда қўзғалиш марказлари пайдо бўлади. Вибро касаллик юзага келиши мумкин
50...100	0,1..1,3	Марказий нерв системада кучли ўзгариш, юрак, эшитиш органларида бузилишлар Виброкасаллик бўлади.

Энг ҳавфли 6-8 Гц частотали титрашлар бўлади, бу инсон гавдасининг хусусий титраш частотасига яқин бўлади ва резонанс ҳолатларини келтириб чиқаради.



## 7.1-расм. Иш мухитининг физик факторлари.

Титрашнинг операторга таъсирини камайтириш учун қуидагилар қилинади:

- титраш тебраниш амплитудасини камайтириш (титрашни сўндиргичлар, амортизаторлар, изоляторлар)
- титраш манбаасидан операторни узоқлаштириш
- титраш резонансини йўқотиши

титроқ иш жойида операторда патологик оқибатларни келтириб чиқарувчи қийматларидан узоқда бўлиши зарур.

Физик таъсиrlарга турли частотали электромагнит тебранишли майдонлар ҳам киритилади. Кучли электромагнит майдонлар операторда тез толиқиши, бош оғриғи. уйқунинг бузилиши, кўришни сусайиши, бетоқатликни юзага келтириши мумкин.

Кучланиш катталигига қараб операторнинг электромагнит майдонда бўлиш вақти чегаралари қуидаги 7.5-жадвалда келтирилган. Келтирилган электр майдонининг кучланганлик миқдори операторнинг узоқ муддат ишлаб туриши учун ҳисобланган. Оператор 18 ёшга тўлмаган бўлса, унинг юқори кучланганлик электр майдонида ишлаши руҳсат этилмайди. Аёллар учун кўшимча коэффициентлар киритилади.

### 7.5. Жадвал. Операторнинг электромагнит майдонда бўлиш вақтининг чегаравий қийматлари.

Электр майдон кучланганлиги, кВ/м	Оператор бўла оладиган вақт, мин
1	Чегараланмайди
5	0
10	100
15	90
20	10
25	5

Агар электромагнит майдон кучланганлиги 25 кВ/м дан юқори бўлса, маҳсус химоя услублари ва воситалари қўлланилади.

- Оператор оптималь ҳолатда бўлиши учун иш ва дам олиш режимини тўғри ташкил қилиниши лозим. Операторни химоя қилиш учун техник воситалар ва профилактик тадбирлар ишлаб чиқиласди:
  - инженер-техник воситалар: экранловчи шит ва тўсиқлар, экранловчи камералар.
  - профилактик тадбирлар: оператор соғлигини назорат қилиб тuriш ва касаллик белгиларини эрта аниқлаб, олдини олиш.


## 7.3 Иш мухитининг атроф мухит факторлари, кимёвий факторлар

«Инсон – техника - мухит» системасида оператор фаолиятига иш мухитининг кимёвий факторлари сезиларли таъсир кўрсатади. Улар табиий

атмосфера газ таркиби ва ҳаводаги бегона аралашма газлар таркиби ва микдори билан характерланади.

Ҳаводаги газ таркибига операторнинг нормал иш қобилиятини сақланиши учун маълум меъёрлар қўйилган: кислород камида 18..19%, карбонад ангидрид – (1..2)% гача бўлиши мумкин.

Ҳавода кислород 16% дан кам, CO<sub>2</sub>-3 % дан юқори бўлса, операторга ёмон таъсирлар кўрсатади. Заарловчи аралашмалар атмосфера ҳавосига турли технологик агрегатлар ва машиналардан тушади (турли синтетик материаллар парланишидан, мой ва ёқилғиларни ёнишидан, материалларнинг парланиши ва емирилишидир)



**7.2-расм. Иш муҳитининг кимёвий факторлари.**

Турли заарловчи моддаларнинг ҳаводаги чегаравий руҳсат этилган концентрацияси 7.6- жадвалда келтирилган. Табиатда заарли бирикмалардан қўп тарқалгани углерод оксидларидир. У билан заарланиш оқибатлари: бош оғриғи, хотиранинг сусайиши, бош айланиши, кучсизлик, кўнгил айниши, юрак уриши тезлашиши, юз қизариши, психик бузилишлар.

## 7.6- жадвал

Моддаларнинг ҳаводаги чегаравий руҳсат этилган концентрациялари.

Заарли аралашманинг номланиши	Руҳсат этилг. концентрацияси, мг\м3	Ҳавфлилик класси	Агрегат ҳолати: п-пар, а- аэрозоль
Азот оксидлари	5	2	П
Аммиак	20	4	П
Дихлорэтан	10	2	П
Карбофос	0,5	3	А

Операторни иш муҳитининг кимёвий факторларининг таъсиридан химоя қилиш учун қуйидагилар бажарилади:- заарли моддаларни чегаравий руҳсат этилган қийматидан (ПДК) кам бўлишини назорат қилиш ва таъминлаш.

- тармоқларни, қувурларни зичлаш, изоляциялаш атроф муҳитга заарли бирикмаларни чиқаришини йўқотиш.
  - заарли моддалар бор жойдан операторни чиқариш, узоқлаштириш, роботлар қўллаш

Иш режимларини ҳавфсизлигини таъминлаш, заарли факторларни чегаралаш операторнинг ишчи ҳолатини соғлигини асраш, иш унумдорлигини таъминлаш.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Иш муҳити нима?
2. Иш муҳитини заарли таъсири қандай камайтирилади?
3. Иш муҳити факторларининг класификацияси?
4. Физик ва кимёвий факторлар класификацияси?
5. Физик факторларга қандай талаблар қўйилади?
6. Иш муҳитининг кимёвий факторига қандай талаб қўйилади?
7. Операторга иш муҳити қандай қилиб таъминланади?

## **8 боб. Операторларнинг меҳнатини ва дам олишини ташкил қилишининг эргономик асослари.**

### **1. Операторларнинг меҳнат ва дам олиш режимлари.**


Одамларнинг меҳнат жараёни турли характерда бўлади: энергетик (жисмоний), бошқариши ва эвристик. Реал хаётда бу фаолиятлар турлича хиссада биргаликда олиб борилиши мумкин. Ҳар бир ходим ўз иш фаолиятларида кўпроқ ақлий, жисмоний ёки бошқа бир характерли бўлган меҳнат билан машғул бўлади. Операторнинг меҳнат жараёни кўпроқ бошқарувчилик характерда бўлади. Инсон фаолияти унинг икки, ўзаро боғланган имкониялари бўйича олиб борилади: ҳаракатчанлик ва ишchanлик (меҳнаткашлик).

ҳаракатчанлик – инсоннинг мақсадга мувофиқ имкониятларини шакиллантиришdir.


Инсон организимининг ишchanлиги - маълумотлар, энергия, массани ўзгартириш бўйича фаолиятида психофизик ҳаракатларни бажаришdir.

Операторнинг ишchanлиги – бу унинг узоқ муддатга юқори меҳнат кўрсатгичлари билан иш унумдорлигни сақлаган ҳолда фаолият кўрсатишиdir. Операторнинг иш қобилияти иш куни давомида биологик, физика-кимёвий, психологик, социал ва иқтисодий факторлар таъсирида ўзгариб туради.

8.1 Чизмада бу факторларнинг класификацияси ва уларни ишchanликка таъсири кўрсатилган. Барқарор ишchanлик фазасида операторнинг иш кўрсаткичлари барқарорлашиб максимал оптималь ҳолатида бўлади, реалекторли аспекторлар ишчи доминант хусусиятини олади. Ишchanлик кўрсаткичлари инсоннинг чарчаши оқибатида сусаяди ( $N$ -фаза). Инсон эътибори, иш бажариш, ҳаракатлари аниқлиги пасаяди. Техник иқтисодий кўрсаткичлари ёмонлашади. Бу ҳолат ва фазалар тушликдан кейин ҳам такрорланади, фақат ишchanлик кўрсаткичлари бир оз пасроқ бўлади, бу ерда ишга киришиш вақти қисқароқ бўлади. Иш вақти охирида ишchanликнинг пасайиши ҳам кўпроқ бўлади. Декомпенсация фазасида операторнинг барча функционал системалари фаолияти ёмонлашади. Организмда вегитатив бузилишлар пайдо бўлади, хотира ва интеллект сусаяди. Иш ҳарактерига қараб, инсон организми мослашувига қараб, иш шароитларига қараб, инсон яхши дам олганидан кейин маълум вақт ишchanлик кузатилади. Юқори ишchanлик эрталаб 6:00дан 15:00гача кузатилган (максимум соат 10:00да), яна 15:00дан 22:00гача бўлиши мумкин (2-смена). Тунги соат 3:00да энг паст ишchanлик кузатилган.



8.1 - чизма. Ишчанлик динамикасига таъсир этувчи факторларнинг классификацияси



### 8.2 - чизма. Смена давомида ишчанлик динамикаси.

I-ишгача фаза ҳолати, II-ишга киришиш фазаси, III-барқарор ишчанлик ҳолати, IV-ишчанлик ҳолатининг сусайиш фазаси, V- декомпесация фазаси.

Ишчанлик ҳафта кунларида ҳам ўзгариб боради: 1-кун нисбатан паст. 2-4 кунлар юқори, 5-6 кунлари сусаяди. Ишлашнинг сусайиши асосан ишлаб чиқариш чарчоқлари ҳисобига бўлади.

Ишлаб чиқариши чарчоқлари – бу операторнинг иш шароити ва меҳнат таъсирида вақтингчалик, қайта тикланувчи ишчанликнинг сусайишидир.

Чарчоқда операторнинг субъектив сезгилари қўйидагилар:

- кучсизликни сезади, ҳаракатларида ишончсизлик бўлади,
- эътиборнинг бузилиши – эътиборни қаратиш турли обьектларга ўзгартириш, фикрини жамлаш мураккаблашади,
- сенсар бузилишлар – кўриш, эшитиш, сезги сусаяди,
- мотор сферасида бузилишлар – ҳаракатлар сустроқ, тартибсизрок бўлади, аниқлик, координация бузилади,
- ишчи органларда беҳузурлик, оғриклар – оёқ, қўл, бўйин, кўз, белда оғриклар, шишлар,
- иродасизлик пайдо бўлиши (қатъиятсизлик, бесабрлик, ўз-ўзини назорат)
- уйқисираш.

Ишлаб чиқариш чарчоқларининг обьектив кўрсаткичлари қўйидагилар бўлади:

- иш унумдорлиги пасаяди, брак кўпаяди, жароҳат олиш ҳолати кўпаяди,
- ҳаракат координацияси бузилади, ақлий психологик сусткашлик кузатилади, реакция пасаяди. Операторнинг ўта чарчоқ ҳолати қўйдаги сабабларга кўра юзага чиқади:
- интенсив зўриқиб фаолият кўрсатиш;
- меҳнатнинг мазмунсизлиги;
- маълумотлар оқими ортиб кетиши, ишлов бериш ва қайд қилиш имкониятларини пасайтиради, бажаришни қийинлашадиган даражада;

- иш жойи ва режимларининг эргономик кўрсаткичлари талабларга мос келмаслиги;
- операторнинг малакаси етарли эмас(паст)
- операторнинг организми қучсизланган.

Операторнинг юқори ишchanлигини, яхши соғлигини сақлаш учун дам олиш ва меҳнат режимларини тўғри ташкил қилиш, оптимал психологик муҳит яратилиши зарур. Иш режми сутка, хафта, йил бўйича ишлаб чиқилиши ва унга риоя қилиниши зарур. Регламентланган дам олиш (тушлик қилиш, ухлаш) соатлари, таътил вақти бўлиши зарур. Тушлик одатда смена ўртасида бўлиши кўзда тутилади. Агар иш жараёни узлуксиз бўлиб узилишлар мумкун бўлмаса, оператор дам олиш вақтига алмаштирилиб турилади. Хафтада бир ёки икки кун дам олиш инсон ишchanлиги ва саломатлигига яхши таъсир кўрсатади. Йиллик меҳнат ва дам олиш режими меҳнат кодекслари (қонунлари)да регламентланган.

Дам олиш самараси уни ташкил этиши услублари ва характерига қараб турлича бўлади. Дам олиш актив ёки пассив бўлиши мумкун. Актив дам олишда меҳнат фаолияти характеристи ўзгартирилади ёки иш билан дам олиш биргаликда олиб борилади. Бундай дам олиш услуги ақлий фаолият эгаларига ва асабий зўриқишлиар мавжуд меҳнатда қўлланилади. ”Инсон-техника-муҳит” системасидаги операторлар шундай ходимлар сирасига критилади.

Актив дам олиш турлари:

- 1.Кириш гимнастикаси – иш вақти олдидан 5-7 мин.
- 2.Жисмоний тарбия паузалари. Бир хил позада иш бажарувчи операторлар учун сменада 2-3 марта зарур (5-10мин давомида).
- 3.Жисмоний тарбия дақиқаси. Бирор органдги толиқишини олиш учун.

Пассив дам олиш. Организм бутунлай юкланишдан олиниб тин олади. Фақат дам олади. Бу хилдаги дам олиш оғир жисмоний меҳнат билан машғул бўлган одамлар учун зарур бўлади. Дам олишда мусиқа, спорт ёки бошқа шунга ўхшаш машғулотлар қўл келади.

## **2. Иш ва дам олиш режимларини ишлаб чиқаришнинг эргономик асослари. Операторнинг ҳолатини назорат қилиш**

Ходим ўзини доимо яхши ҳис қилиши, юқори унумдорлик билан ишлаб туриши учун у оптимал иш ва дам олиш режимини сақлаши керак. Инсон ҳар доим ҳам ўзига дам олиш ёки ишлаш вақтини белгилаб бера олмайди (ҳам психологик, ҳам физиологик томондан). Иш режимини бузилиши одам организми учун ҳам ишлаб чиқариш жараёнлари учун ҳам ноқулайликлар туғдиради. Меҳнат характеристига, автоматлаштириш даражасига қараб иш ва дам олиш режимлари кооректировка қилиб борилади. Меҳнат турига қараб иш вақтининг давомлигига қўйидаги чегараланишлар қўйилади:

- 1.Ҳаракат зўриқишлиари бўлмаган, оддий жараёнларда фаолият кўрсатувчи ходимлар учун иш вақти 8 соатгача қилиб белгиланади.

2. Доимий оғир күч талаб қилувчи меҳнат учун  $t < 6$  соат.
3. Маъсулияти юқори, турли маълумотлар асосида қарор қабул қилувчи ходимлар учун  $t < 4$  соат.
4. Ўта маъсулиятли, монотон, юқори аниқлик талаб қиласидиган, тезкор реакция талаб қилувчи меҳнат турида  $t < 2$  соат бўлиши зарур.

Меҳнат ва дам олиш режимларини ишлаб чиқишида куйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

- “Инсон-техника-муҳит” системасидаги барча операторлар учун меҳнат билан дам олишни самарали кетма-кетлиги таъминланиши зарур.
- операторларнинг психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур(эркак, аёл, ўспирин).
- меҳнат ва дам олиш вақтини ва дам олишда (бажариладиган жараёнлар) мазмунини белгилаш, унумли ташкил қилиш.

8.1жадвалида ишчанлик динамикаси ва даражасининг факторларидан келиб чикиб дам олиш муддатлари келтирилган.

### 8.1жадвал. Дам олишнинг давомийлик меъёрлари.

Факторлар	Факторларнинг таърифи	Иш вақтига нисбатан дам олиш вақти %
Физик зўриқишилар	Енгил жисмоний меҳнат $< 150\text{H}$ Ўрта жисмоний меҳнат $150\dots 300\text{H}$ Оғир жисмоний меҳнат $300\dots 500\text{H}$ Ўта оғир жисмоний меҳнат $500\dots 600\text{H}$	1-2 2\dots 4 4\dots 6 6\dots 9
Асабий зўриқишилар	Енгил Ўрта Оширилган зўриқишилар	1\dots 2 2\dots 4 4\dots 6
Иш темпи	Ўртадан паст темп Ўртacha темп Юқори темп	1 2 3\dots 4
Ишчи ҳолат	Чегараланган Ноқулай Сиқилган Жуда ноқулай	1 2 3 4
Ишнинг бирхиллиги	Кучсиз Ўртacha Ўта монотон	1 2 3
Ҳарорат	Сал оширилган( $20\dots 25^\circ\text{C}$ ва $w \leq 75\%$ ёки паст ҳарорат- $5\dots -15^\circ\text{C}$ ) Ўртacha $26\dots 30^\circ\text{C}$ $w = 75\%$ ёки $t = -16\dots -20^\circ\text{C}$	

	Оширилган $t=31\dots35^{\circ}\text{C}$ ёки $t=-21\dots-25^{\circ}\text{C}$ Юқори $t=36\dots40^{\circ}\text{C}$ ёки паст $t=26\dots30^{\circ}\text{C}$ Жуда юқори $t=41\dots45^{\circ}\text{C}$ ёки паст $t\geq-30^{\circ}\text{C}$	
Ҳавонинг ифлосланганлиги	Кам Ўртача Ифлосланган Юқори ифлосланган Жуда ифлосланган	1 2 3 4 5
Ишлаб чиқариш шовқини	Ўртача Ошган Кучли	1 2 3...4
Титраш	Ўрта Юқори Ўта юқори	1 2 3...4
Ёритилганлик	Етарли эмас Ёмон ёки кўзни олувчи	1 2

Бир хил ҳолатда бўлиши, бир хил ҳаракатлар бажариши операторни тез толикишига олиб келади.

Харакатли ва сенсор бир хиллик бўлади. ҳаракатли монотонлик оператор ҳаракатларининг бир хиллик бўлади.

Сенсор бир хиллик бир сигналлар бўлиши билан характерланади.

Бир хил (ҳаракат) меҳнат ишда зерикиш, уйқичилик бепарволикни, бефарқлиликни келтириб чиқаради.

Ишдаги бир хилликни йўқотиш учун қуидагилар қўлланилади:

- меҳнат билан дам олишни тўғри алмаштириб туриш.
- ишда ҳаракатлар хилма-хиллигини, меҳнатнинг мазмунини кенгайтириш, ходимни меҳнатга жалб қилиш.
- ишчи ҳаракатларини автоматизм даражасига етказиш.
- динамик ёритишдан фойдаланиш.
- иш жойни эстетик жиҳатдан кўтариш.
- функционал оҳанглар (мусиқа) қўллаш.

Ишлаб чиқариш чарчоғи яна қаттиқ ишлашдан юзага келади:

- масалани ечишда вақт зиқлиги,
- сенсор ўта юкланиш ва ишсизлик,
- атроф муҳит факторларининг тез ўзгариши,
- операторнинг малакаси иш унига етарли эмаслиги.

Меҳнат фаолиятининг юқори интенсивлиги стрессларни юзага келтириб, хатоликлар ва оператор ҳаракатида номутаносибликлар бўлишига сабаб бўлади. 8.3 Чизмада ишлаб чиқариш чарчоқларини камайтириш, операторнинг ишчанлигини ошириш йўллари кўрсатилган. Улар оператор иш жараёнини лойҳалаштиришда керак бўлади.

### **3.Операторнинг малакавий тайёргарлиги.**

Оператор малакаси бўйича танлаб олинади. Танлов қўйидаги босқичларда бажарилади:

- малака бўйича танлаш,
- малакавий ўқиш,
- иш фолияти давомида малакасини ошириш.

Малака бўйича танлов – бу ходимни бирор фаолиятига асосланиб рухсат этиш. Ходимни психо-физиолигик кўрсаткичлари бўйича шахс хусусиятларига кура, тегишли мутахасисликга қўйилган талаблар бўйича танлаш. Бу ерда ходимнинг соғлиги, жисмоний ривожланганлиги, маълумоти даражаси, малакавий уқуви, психофизиалагик кўрсаткичлари ҳисобга олинади. У тиббий кўрикдан ўтказилади, иш фаолиятига жисмоний тайёргарлигининг тўғри келиши текширилади.

Психофизиологик танловда қўйидагилар ҳисобга олиниши зарур:

- шахс сифатида шакилланганлик принципи
- яроқлилик принципи. Бунда шахс шу фаолиятга яроқли, шартли яроқли ёки яроқсиз бўлиши мумкин.
- танлов динамик хусусиятли бўлиши зарур. Ходим ҳақида маълумотларни тўхтовсиз доимий тўлдириб турилиши зарур.
- фаол танлов бўлиши зарур. Танлов принциплари такомиллашиб бориши зарур.

Операторни малакаси бўйича ўқитиш бу “Инсон–техника-муҳит” системасида фаолият кўрсатиш учун зарур билим, кўникма, малака бериш, малакавий синовлардан мувоффақиятли ўтиш. Ўқитишдан мақсад операторни ишончли ишлаши учун билим ва кўникмаларни ўзлаштириши, ходимнинг психофизиологик сифатини оширишдир.

Операторни тайёrlаш жараёнida қўйидаги ўқитиш услублари қўлланилади:

- материалларни тушунтириш, аниқлаштириш,
- маъruzалар, сұхбат, семинарлар, мустақил иш,
- материаллар устида ишлаш, ўзлаштириш машғулотлари, тренажорлар, мустақил иш,
- ўқитиш сифатини назорат қилиш, имтихонлар, тестлар, зачётлар.

Ўқитиш жараёнлари қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ўқиётганларнинг онглилиги ва фаолиги, ўрганиш фаолиятини ва танқидий фикирлашни ривожлантириш, интрактив услублар, малака ,
- ўқитишнинг кўргазмалилиги – материаллардан, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш (схемалар, плакатлар, макетлар, стендлар ва х.к),
- ўқитишнинг системали ва кетма-кетлиги (дарс жадвалини рационал ва равонлиги, мантиқий кетма-кетлиги, билимларни объектив назорати),
- етиб боришлилиги (программа оператор имконияти даражасида бўлиши зарур),

- ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндошиш. Ҳар бир операторнинг тажрибаси, жисмоний ва ақлий ривожи, психофизиологик кўрсатгичларини ҳисобга олиш,
- ўзлаштирилган материалларни мустаҳкамлаш (қайта-қайта такрорлаш).

Оператор ҳолатини назорат қилиш.

“Инсон–техника-муҳит” системасининг самарали ва ишончли ишлаб туришининг муҳим омили бўлиб операторнинг функционал ҳолати ҳисобланади. У турли кўрсатгичлар билан характерланди:

- ишчанлик,
- хулқ атвори (мулокот, ўзини тутиш маданияти, товуш тони),
- вегетатив – юрак қон-томир, нафас олиш системасининг фаолияти,
- биохимик – модда алмашиниши, эндокрин, ферментатив реакциялар,
  - психолагик, хотира, эътибор, фикирлаш,
  - психофизиологик биопотенциали, биомайдони,
  - терисининг қаршилиги, юрак, мия ҳолати.
- субъектив – ўз-ўзига баҳо бериш.

Операторнинг функционал ҳолатининг кўрсатгичларини танлаш, назорат мақсади ва иш хусусиятларидан келиб чиқади. Назорат бўлиши мумкин: профилактик, изланувчи, қайд қилувчи, башорат қилувчи.


Изланувчи -назорат қабул қилинган ечимларни адекватлиги (мослиги) энг тўғри ечим танланиши учун ўтказилади. қайд қилувчи назорат операторни “Инсон–техника-муҳит” системасида фаолият кўрсата олишини аниқлаш учун ўтказилади.

Профилактик назорат операторни малакасини юқори даражада ушлаб туриш учун ўтказилади. Операторнинг функционал ҳолати турли хусусиятлари бўйича классификация қилинади:

1. Оғирлиги ва зўрқишилиги. У ўз навбатида оператив ва эмоционал бўлади. Оператив оғирлиги – бажарилаётган ишнинг мураккаблиги, маълумотларнинг кўплиги. Эмоционал оғирлиги – марказий нерв системасининг энергетик таъминоти ҳолати билан характерланади.

Мехнатнинг оғирлиги операторнинг ишни бажаришдаги ишлаб чиқариш шароити, физик ва психологик юкланишлар таъсирида келиб чиқадиган организмнинг зўриқишиларидир. Иш характерининг оғирлиги категориясига қараб, иш ҳақи дифференциал белгиланади.

## Оператор ҳолати турлари




### 8.3-Чизма. Оператор ҳолати турлари

Оператор ҳолатининг назорат услублари:

- назорат мақсади бўйича,
- операторга таъсир этиш услуби бўйича,
- назорат услублари бўйича,
- сигнални олиш услуби бўйича хилланади.

Самарали услублар контаклизлари ҳисобланади.

## Оператор ҳолатини назорат турлари




### 8.4-Чизма. Оператор ҳолатининг назорат турлари.

Бу услублар ичida назоратнинг контактызлари: нутқ сигналларининг таҳлили, актограмма, оператор ҳолатини теле назорати ва бошқалар.

Нутқ сигналлари операторнинг эмоционал ва физиологик ҳолатини ифодалайди. Нутқ динамикаси, энергетик аспектлари, частота оралиғи, вақти ва бошқалар оператор ҳолатига баҳо бериш учун асос бўлади.

Актограмма оператор жисмини креслосига нисбатан ихтиёrsиз силжишлари, ҳолатининг ўзгаришларини қайд қилинган диаграммадир.



### 8.5-Чизма. Актограммадаги тебранишлар ҳолати.

1-паст амплитудали жисм тебранишлари  
 2-ўрта амплитудали тебранишлар  
 3-кatta амплитудали тебранишлар-операторнинг ўрнида тик жойлашиш ҳолатини ўзгарғанлигини кўрсатади.

Оператор ҳолатини ўрганиш услублари 8.7-Чизмада келтирилган.

Операторнинг турли функционал ҳолатидаги қатор психофизиологик кўрсаткичларнинг сифат ўзгаришлари қатори 3-жадвалда келтирилган. Бу ерда қуйидаги қисқартиришлар қабул қилинган:

- ЭЭТ - электроэнцефалограмма
- КГР – кринигальваник реакцияси
- ЭКГ - электрокардиография
- ЭОГ – электроокулография.

## Операторнинг функционал холатини ўрганиш (тадикот килиш ) услублари



**Операторнинг турли функционал ҳолатидаги психофизиологик кўрсатгичларнинг  
сифат ўзгаришлардаги критик**

Оператор ҳолати	Электрофизиологик кўрсаткичлар				Нутқ, нафас олиш, саноқ	Фосфн частотасин инг критик	Липиллаш частотаси
	ЭЭГ	КГР	ЭКГ	ЭОГ			
1	2	3	4	5	6	7	8
Босқич эътибор билан	d- депрессияси т- пайдо бўлиши	Маълумот оқими бўлганда потенциални ўзгариши	Пульсни равонлашиши ҳолатида кам ўзгаришлар бор	Кутилаётган сигналга эътиборни қаратиш	Равон нутқ яхши оғзаки ҳисоблаш	Оптимал кўрсаткичл ар	Оптимал кўрсаткичла р
Оширилган диққат эътибор	Умумий депрессия фонида α- т ва о- ритим лар мавжуд	Потенциални доимий тебраниб туриши, амплитудасини етарли ўзгариши	Пульс тезлашади систолик кўрсаткичлар ортади.	Фиксация қисқариши ортади давомли фиксациялар кузатилади	Оғзаки нутқда ва саноқда хатолар	Частата ортади	Бир оз камаяди

Эмоционал зўриқишилар	а депрессияси δ ва о- ларини кучайиши	Потенциал доимий тебраниб туради сигналлар хиралашади	Манфий хисларда пурс тезлашади система кўрсаткич лари ортади.	Ўта давомли ва қиска фиксация ортади	Нутқ характерли ранг олади, нафас олиш пульс ўзгаради	Чарчок сезади, частота ортади	Камаяди
Чарчок билан	δ пайдо бўлади α ва τ лар сусаяди потенциаллар камайди	Фойдали сигналларга жавоб берилмайди. Парадоксал реакциялар ва потенциал пайдо бўлади	Пульс тезлашади, арИнсон - техника- муҳития, потенциал пасаяди	Ортидан юрувчи харакатлар пайдо бўлади, узоқ муддатли фиксация кузатилади, сезги сусаяди	Эътиборни қатъйилиги пасаяди нафас олиш тезлашади	Зўриқишиш ва частота ортади	Пасаяди
Сенсор етишмаслик маълумот етишмаслик	Артимия пайдо бўлади	Умумий фаоллик фонида потенциални спонтан тебраниши	Пульс частотаси ва пасайган пульс фонида пульс секинлашади	Ортида юрувчи харакатлар кўпаяди, зарур маълумотлар сигналлари ўтиб кетади	Нутқ секинлашади		

Маълумотлар билан зўриқиши	Юқори частотали тебранишлар β- пайдо бўлади	Доимий катта потенциал ўзгаришлари	Пулс частотаси пасаяди систолик кўрсатгич ортади	Қисқа фиксациялар купайади. Оғиш амплитудаси катталашади	Нафас олиш тезлашади, санокда хатолар	Зўриқиши ва частота ортади	Пасайади
Сигнални қабул қилиши	Потенциаллар α- депрессияси	Дастлабги даражага қарамай янги оқим	R-R интервали тезкор ўзгаради	Қабул қилиш обьекти давомли фиксация	Нафас олишда тўхталишлар		

### 8.1-жадвал

Инсоннинг иш давомида физиологик кўрсаткичларини миқдор ўзгаришлари

Кўрсаткичлар номи	Дастлабки миқдоридан фарқи		
	Кучсиз	Ўрта	Юқори
Юрак пульси частатасининг Ортиши, 1мин\уриши	4...16	17...18	28<
Аритмиянинг пайдо бўлиши	Йўқ	Йўқ	Бор
Артериал босим ўзгариши Юқориги Пастги	15гача 10гача	15-30 10-15	30< 15<
Нафас олиш частотасининг ўзгариши 1минутда\уриши	12-18	18-30	30<
Нафас чиқариш фазасини нафас олиш фазасига нисбатан қисқариши	--	Сезиларли	Кўзга ташланувчи
Бармоқларни статик чидамлилигини пасайиши, % физик зўриқиши инфармацион зўриқиши	20гача 15гача	20...40 15...40	40< 30<
Реакция вақтининг вариация коэффицентини ўзгариши	8гача	8...16	16<

Назорат учун саволлар:

1. Операторнинг ишчанлиги ва ҳаракатларини қандай бажаришга лаёкатини қандай тушунасиз?
2. Ишчанликка кандай омиллар таъсир этади?
3. Ишчанлик фазаларини биласизми ?
4. Ишлаб чиқариш чарчоги нима ва у нимага бөглиқ?
5. Иш ва дам олиш режими нима, қандай режимларни биласиз?
6. Иш ва дам олиш режимларини ишлаб чиқишининг эрганамик асослари нимада?
7. Мехнатнинг бир хиллиги ва кучланганлигини қандай тушунасиз?
8. Малакавий тайёоргарлик нима?  
Малакавий танлов нима ?  
Тиббий танлов нима?  
Психофизиологик танлов нима?
9. Ишчанликни ошириш, чарчокни камайтириш йўлларини биласизми?
10. Оператор малака ошириши ва уни касб ўргатиш қандай амалга оширилади ?
11. Операторни ўқитишнинг қандай босқичлари бор?
12. Операторнинг функционал ҳолатини классификация қилинг?
13. Оператор ҳолатини ўрганиш услубларини классификация қилинг?

## **9-боб**

### **«Инсон- техника- мұхит» системасини бақолаш**

#### **9.1 «Инсон- техника- мұхит» системасининг бақолаш мезонлари.**

«Инсон-техника-мұхит» системасини бақолаш - бу унинг эргономик талабларига мослигини текшириш, фаолияти күрсаткичларини техник топшириқ талабларига мослигини текширишdir.

Бақолаш объектлари бўлиши мумкин:

- «Инсон-техника-мұхит» системасининг фаолияти күрсаткичлари,
- инсон билан техника ўртасидаги ўзаро муносабатнинг мазмунни ва ташкил қилиниши,
- операторнинг иш ўрни ва бошқариш пультлари,
- операторнинг фаолияти алгоритми «Инсон-техника-мұхит» системасидаги ўрни ва (норма) меъёрлари,
- операторнинг малакавий тайёргарлик даражаси,
- ишли мұхитнинг факторлари.

«Инсон-техника-мұхит» системасини бақолаш унинг фаолиятининг барча цикларида амалга оширилиб борилади. (лойихалаш, тайёрлаш, ишлатиш)

Лойихалаш босқичида система элементлари учун турли ечимлар вариантлари солиширилиб, энг оптималь, мукаммали қабул қилинади. Күрсаткичлар, характеристикалар лойиха топшириғига мослиги аникланади, топширилади. Тайёрлаш жараёнида системанинг физик компонентларининг күрсаткичларининг конструкторлик - технологик хужжатларга мослиги ва системанинг реал күрсаткичлари ва характеристикалари бақоланади, кўрилади. Эксплуатация жараёнида операторларнинг малакавий тайёргарлиги, тўғри танланганлиги, ўқитилганлиги, машқ қилиши, меҳнатни такил қилинганлиги, дам олиш шароитлари, системада белгиланган эксплуатацион сифат күрсаткичлари сақланганлиги текширилади.

Бақолаш бир неча босқичда бажарилади. Биринчи босқичда системанинг статик күрсаткичлари унинг фаолиятисиз текшириб бақоланади. Бу ерда системанинг структураси ишни ташкил қилиш услублари кўрилади. Бу босқич датлабки мажбурий бақолаш ҳисобланади.

Иккинчи босқичда бақолаш мураккаб системалов учун бажарилади ва оператор фаолиятининг алгоритмининг мураккаблиги

тахлил қилинади. Натижада оператор мөхнат фаолиятининг муракаблиги ва бир хиллиги аниқланади. Етарли даражада кўп маълумотлар тўхтовсиз келиб турадиган системаларда операторнинг информацион зўриқиши аниқланади. Кейинги даражада (босқичда) баҳолашда «Инсон-техника-муҳит» системасининг кўрсаткичлари талаб қилинганлари билан солиштириш амалга оширилади.

Нихоят «Инсон-техника-муҳит» системаси иктисадий жиҳатдан баҳоланиши зарур. «Инсон-техника-муҳит» системасининг турли даражадаги баҳолашларида ечиладиган масалалар «Инсон-техника-муҳит» системасининг баҳолаш мазмунини ташкил қиласди.

### **9.1-жадвал. «Инсон-техника-муҳит» системанинг ишончлигини баҳолашда ечиладиган масалалар ва баҳолаш кўрсаткичлари**

Баҳолашда ечиладиган масалалар	Ишлаб чиқариш этаплари (босқич)					Баҳолаш кўрсаткичлари
	Техник топни	Техник таклиф	Эсиз ва техник таклиф	Ишчи лойиха	Эксплу тация	
Функцияларни тақсимланиш вариантларини баҳолаш (автоматлаштириш даражаси )	+	+	+	+		««Инсон-техника- муҳит» системасининг автоматлаштириш даражаси
Ишни бажариш алгоритмининг оператор имкониятларига мослигини текшириш			+	+	+	Алгоритмнинг муракаблиги юкланиши
Операторнинг иш жойи (шароитлари) тўғри келиши текширилади			+	+		Иш ўрнида маълумотларни қабул қилиш ва бошқариш органлари-нинг жойланиш кўр- саткичлари
Техниканинг		+	+	+		Антрапометрик

антропометрик баҳоланиши						кўрсаткичлар
Операторни юқланганлиги ва меҳнатининг зўриққанлиги				+	+	Ишга кириш вақти бардам ишлаш вақти Маълумотлар бўйича зўриқишиш кўрсаткичлари
Иш ва дам олиш режимларини баҳолаш				+	+	Операторни психиофизиологик ҳолатининг кўрсаткичлари ишга киришиш ва нормал ишлаш вақти
Ишчи муҳит шароитларини баҳолаш	+	+	+	+	+	Санитар-гигиеник меъёrlар
Операторни танловига баҳо бериш				+	+	Танловнинг малакавийлиги
Ўқитиш ва машқ қилишни баҳолаш		+		+	+	Операторни эришиш даражаси ва уни тайёрлаш вақти
Ўқитиш ва машқ қилишнинг техника воситаларини баҳолаш	+	+	+	+	+	Давлат стандартларига мос бўлиш
Меҳнатининг ҳавфсизлигини баҳолаш		+	+	+	+	Талабларга мослиги
Ишхонанинг ва жойнинг эстетик баҳоланиши	+	+	+	+	+	
Эксилуатацион хужжатларни баҳолаш				+	+	

Инсон-техника-муҳит системасининг ишончлигини баҳолаш		+	+	+	+	Ишончлиликни кўрсатиш
Иктиносидий баҳолаш			+	+	+	Иқтисодий кўрсаткичлар
Сифатни ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш	+	+	+	+	+	Сифат кўрсаткичлари

## 9.2. «Инсон-техника-муҳит» системанинг ишончлигини баҳолаш

«Инсон-техника-муҳит» системасининг ишончлилиги икки ташкил этувчидан иборат бўлади:

1. Системадаги техник воситалар ишончлилиги
2. Оператор одамнинг ишончлилиги

А.Туполов айтган экан: «Ишончли эмаслигини аниқлаш қанча конструктор столидан узоқлашса, у шунча қимматга тушади»

Техник воситаларнинг «ишончлилиги» ни аниқлаш хаммага маълум. Бу техник воситанинг ишчи ҳолатини сақлаш муддатидир.

Инсоннинг ишончлилиги бу белгиланган масалани (вазифани) зарур даражада, белгиланган муддатларда мувоффақиятли ечилишидир. Ёки операторнинг «Инсон-техника-муҳит» системасида алгоритм бўйича барча функцияларни тўғри бажариш эҳтимолидир, ҳамда у система учун заарли ҳеч қандай ортиқча ҳаракатларни бажармайди ва системага ҳавф туғдирмайди.

Операторнинг ишончлилигини баҳолаш ва башорат қилиш учун қуйидагилар бажарилади: Инсоннинг фаолиятини таҳлил қилишда унинг эҳтимолли хатоларини аниқлаш лозим, бўлиши мумкин бўлган хатоликлар маълум бўлганида конструкциялаш, тайёрлаш жараёнида шу хатоликларни олдини олувчи техник воситалар ёки ташкилий тадбирлар назарда тутилади ва унинг иктиносидий самарадорлиги кўриб чиқилади. Энг эҳтимолли ва ҳавфли хатоликларни башорат қилиш, инсонлар ва бутун системага ҳавф туғдирувчи факторларни олдини олиш зарур.

«Инсон-техника-муҳит» системасининг тўхтаб қолишлиар частотасини аниқланиши зарур. Инсон факторига қўпроқ эътибор бериш зарур. «Инсон-техника-муҳит» системасининг ишончлилигини

аниқлашда оператор томонидан кўйилган масалани тўлиқ ечилиш эҳтимоли ҳам башорат қилиниши, аппаратни ремонти ва ўрнатишдаги хатоликлар сабаб бўлган хизмат кўрсатиши камчиликлари етишмовчиликлари, эксплуатацион хатоликлар операторнинг субъектив фаолияти-ҳаракатларидағи хатоликлар, техник воситаларни ташиш ва у билан муомила қилишдаги хатоликлар (масалан нурланиш, сиқилиш, тушириб юбориш) аниқланилиши зарур. Инсон айби хатоликлари билан бўладиган, системанинг тўхтаб қолишларини таҳлил қилишдан мақсад унинг хатоликларини юзага келтирадиган сабабларни топиш ва йўқотишдир. Одатда тўхтаб қолишларнинг таҳлили кўп вактни олади, шунинг учун шунинг учун энг кўп бўлиб турадиганларини ажратиб олиб уларнинг сабаблари ва оқибатлари таҳлил қилинади.

Жараён бошида инсон хатоликлари билан бўладиган «Инсон-техника-муҳит» системасининг тўхтаб қолишлари кўп бўлади, лекин эксплуатация давомида тўхтаб қолишлар камайиб барқарорлашади. Техник воситалар хизмат муддатини ўтаб бўлишига яқинлашган, яна системада тўхтаб қолишлар сони ортиб боради. Инсоннинг хатоси билан бўладиган тўхтаб қолишларнинг эҳтимоли тўхтаб қолишлар эҳтимолининг йўл қўйилган хатолар сони, бўлиши мумкин бўлган хатоликлар сони кўринишда бўлади. Кўпчилик операторлар учун тўхтаб қолишлар эҳтимоли логарифлик ва логарифмик-нормал тақсимланишга эга эканлиги фанга маълум.

Нима учун инсон хатога йўл қўяди?

Системада оператор қўйидаги хатоликларга йўл қўяди:

- оператор томонидан системаға нотўғри кириш таъсири берилади,

- маълумотлар ёки материалларни ўтказиш хатоси бўлади,
- бажариш хатоси; сифатсиз, нотўғри кетма-кетликда, бевақт, қарор қабул қилишда, ҳисобларда йўл қўйилади.

Оператор хатоликларга йўл қўйишининг ташқи ва ички факторлари бўлади. Оператор ҳаракатларининг ва ишчанлиги хатоликларнинг ташқи факторлари унга боғлиқ бўлмайди: атроф муҳит факторлари, эргоник ечимлар ва ҳоказо. Уларнинг асосийлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: ишчи майдони ва қурилмаларнинг жойлашиш композицияси. Маъсул ишларни бажаришда оператор учун етарли кенглик таъминланиши зарур. Ноқулай иш майдони (ўрни) операторни тез чарчатади, толиктиради, хатоликларига олиб келади. Атроф-муҳит шароитининг

ноқулайликлари: паст ёритилганлик ишлари бажариш аниқлигини пасайтиради. Шовқин, юқори ҳарорат, намлик инсон фаолиятини, реакциясини сусайтириб хатоликларга йўл қўйиш эҳтимолини оширади. Системанинг техник қисмлари конструкциясининг эргономик нуқтаи назаридан мос эмаслиги, панеллар, бошқариш органлари ёмон ишланган, назорат ўлчов асбоблари нотўғри жойлашган.

Ходимларнинг малакавий тайёргарлиги ва техник хужжатлардаги хатоликлар, эксплуатациядаги техник хизмат кўрсатишдаги, йўриқномалардаги номутаносибликлар, оператор харакатлари хатоликлари уларда ишончсизликларни юзага келтиради.

Ёмон назорат жараёнида қайта боғланиш йўқлиги операторнинг кўрсаткичлардаги ўзгартгичлар, хатоликларни ўз вақтида билолмаслигига ва хатоликларнинг ортишига сабаб бўлади.

Ички факторлар операторнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чикади:

- маҳорат даражаси ва тажрибаси.
- ақлий имкониятлари.
- муносабати асослаш.
- эмоционал ҳолати.
- қабул қилиш имконияти.
- социал факторлар.
- жисмоний ҳолати, жинси.
- кучи, чидамлиги.
- стресс ҳолати.

Стресс-бу ва ички таъсирларга инсон организимининг физиологик ва психологик реакцияси. Агар масала талаблари оператор имкониятлар (укуви) дан юқори бўлса, адекват бўлмаса, натижа яхши бўлмайди, стресс юзага келади. Стресс оператор фаолиятига турлича таъсир кўрсатади. Аниқ ишларга фикрни жамлаш учун операторда етарли стресс қўзғалишлари бўлиши зарур. Юқори стрессларда ҳам бажарилаётган иш сифати пасайиши мумкин. Кучли стресс хатоликларга олиб келади. Оператор оптимал стресс билан иш бажариши лозим. Инсон маҳорати, тажрибаси муҳим омил хисобланади, унинг икки даражасини ажратиш мумкин:

-янги-ҳали иш кўникмалари, билимларини эгалламаган янги ходим,

-мастер-шу иш ўрнида ишлаш учун барча малака, укув ва кўникмага эга бўлган оператор ходим.

Стресс ва тажрибасизлик инсонни жуда кучсиз кўрсатади. У катта хатоликларга йўл қўяди.

### **9.3 «Инсон- техника- муҳит» системасида меҳнат муҳофазаси.**

«Инсон-техника-муҳит» системасида меҳнат муҳофазаси инсонни меҳнат фаолиятининг ҳавфсизлигини, операторни соғлигини, ишчанлигини сақлаб қолувчи қонуний актлар ва уларга мос социал иқтисодий, техник, гигиеник, ташкилий тадбирлар системасига «Инсон-техника-муҳит» системасида меҳнат муҳофазаси ва эргономика обьекти бўлиб оператор-меҳнат фаолияти ҳисобланади.

Бу ерда инсон факторларини ҳисобга олиш учун бир неча фанлардан ўтказилган изланишлар натижаларига асосланиб қарор қабул килинади:

- техник фанлар бўйича – юқори унумдорлик ва эксплуатацияда ҳавфсизликни таъминлаш учун инженерлик ечимлари ва ҳисоблар.

- медицина, биология фанлари бўйича изланишлар иш жойида ишлаб чиқариш муҳитини яхшилаш, уларни инсон организмига тасирини йўқотиш бўйича.

- меҳнат муҳофазасида изланишлар оқилона ташкил қилиниши, изланишлар натижалари оператор меҳнат фаолиятини рационал бўлиши, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, оператор ишчанлигини таъминлаш, операторларнинг жамоавий ҳаракатларини таъминлаш.

-техник эстетика, бадиий конструкторлик амалиётиги эришиш. Ходимларга қулай меҳнат, майший, дам олиш шароитлари яратиш.

-инсон факторидаги бу хилма - хиллик ва уни илм-фан йўналишларининг кўплиги меҳнат муҳофазаси ва эргономика масалаларини ўрганишнинг методологик асослари системали ёндошишдир. У системавий анализ ва синтезга асосланади системавий анализда меҳнат муҳофазаси масалалари элументларга (кичик масаларга) бўлиниб ечилади.

Хусусий ечимларни умумлаштириб ягона ечимларни синтез қилиш меҳнат муҳофазаси масалаларини охиригача етказиб ечиш имкониятини беради.

Меҳнат муҳофазаси масалалари «Инсон-техника-муҳит» системасини барча босқичларида (ишлаб чиқиш, эксплуатация қилиш) баҳоланади ҳисобга олинади (1 жадвал)

Меҳнат муҳофазасини баҳолаш кўрсаткичлари меҳнат муҳофазасининг ўрнатилган талабларига операторнинг соғлигини ва ишчанлигини сақлашга мос келиши керак. «Инсон-техника-муҳит» системасининг фаолият кўрсатиши регламентланади.

-меҳнат муҳофазаси стандартлари системаси билан,

-эргономик таъминот ва эргономик талаблар стандартлари системаси билан,

-техник эстетика стандартлари системаси билан.

Меҳнат муҳофазасини таъминлаш бўйича тадбирлар «Инсон-техника-муҳит» системасида меҳнат муҳофазаси талаблари куйидаги йуналишлар бўйича ўтказиладиган тадбирлар натижасида бажарилади:

-ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳавфсизлиги;

-бахтсизлик ходисаларини олдини олиш;

-ишлаб чиқариш касалланишларини олдини олиш;

-меҳнат шароитларини яхшилаш.

Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳавфсизлигини таъминлаш учун куйидагилар бажарилиши зарур.

Операторнинг заарли бўлган ёки ҳавф туғдирувчи иш куроллари билан контактини йўқотиш.

1. Бунинг учун автоматлаштириш, масофадан бошқариш, заарли ажрашмали қурилмаларни герметик қилиш, индивидуал химоя воситалари қўлланилади.

2. Операторга зарари бўлмаган ярим тайёр, ишлов берилган, материаллардан фойдаланиш зарур. Зарур бўлганда қўшимча химоя воситалари қўллаш зарур.

3. Оператор билан техника орасида меҳнатни рационал тақсимлаш.

4. Меҳнатни ва дам олишнинг тўғри ташкил қилиш смена сутка, хафта давомида вақтни тўғри таксимлаш.

5. Технологик жараёнда назорат ва бошқариш системасини йўлга қўйиш, операторни ишончли химоялаш ва технологик қурилмаларни авариявий режимлардан блокировка қилиш уларни ўз вақтида тўхтатиш.

6. Ҳар бир ишни, иш ўрни кўрсаткичларини операторнинг физик физиологик психофизиологик, антропометрик кўрсаткичлари билан мослигини таъминлаш.

Бахтсиз ходисаларни олдини олиш учун куйидагилар зарур:

1.Заҳарли агрессив, енгил ёвнувчи ва портловчи моддаларни тақсимлаш ва ташиш билан боғланган ҳавфли жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш.

2.Технологик ва ёрдамчи қурилмаларда, транспорт воситаларда сақловчи ва химояловчи воситалар, ҳавфсизлик жиҳозларини ўрнатиш.

3.Технологик ва ёрдамчи қурилмаларни, технологик жараёнлар ва транспорт воситаларини автомат ёки масофадан бошкариш.

4.Ҳавфли ва заарли ишлаб чиқариш факторларининг борлигини сигналлаштириш ва автомат назоратини йулга куйиш.

5.Технологик ва ёрдамчи қурилмаларида, ҳамда технологик жараёнда авариявий ажраткичлар ўрнатиш.

6.Стандарт талаблари бўйича операторни электор токи ҳавфидан сақловчи техник воситалар қўллаш.

Ишлаб чиқариш касалликларини олдини олиш учун қуидагилар бажарилади:

1.«Заарли ишлаб чиқариш таъсирларини» - шовқин, титраш, ультратовуш, ионлашиш, ва бошқа нурларни меъёрий қийматларигача камайтириш.

2.Иш жойида ҳавфли ва заарли ишлаб чиқариш факторлари қўрсаткичларини назорат қилиш воситаларини қўллаш.

3.Меҳнат ва дам олиш режимлари, санитар гигиеник меъёрларга риоя қилиш.

4. Меъёрий хужжатларда келтирилган талаблар бўйича иш ўрни микроиклим яратиш.

Меҳнат шароитини яратиш учун қуидагилар бажарилади.

1.Ишчи ўрни операторнинг антропометрик ва физиологик қўрсаткичларига тўғри келиши.

2.Ҳаёт фаолиятининг санитар гигиеник шароитларни такомиллаштириш.

3.Операторга комфорт иш ўрни яратиш.

## Назорат учун саволлар.

1. «Инсон-техника-муҳит» системасини лойиҳалаштириш, тайёрлаш ва эксплуатация босқичларида нималар баҳоланади?

2.Қандай баҳолаш қўрсаткичларини биласиз?

3. «Инсон-техника-муҳит» системасининг ишchanлиги нима?

4.Оператор ишининг ишончлилиги нима?

5.Техник қурилмалар ишончлилиги нима?

- 6.Инсон хатоликларини калассификация қилинг?
- 7.Операторнинг хатоликка йўл қўйиш эҳтимоли нима?
- 8.Оператор хатоликларига таъсир этувчи ички ва ташқи факторлар?
- 9.Стресс оператор хатоликлари фактори сифатида?
10. «Инсон-техника-муҳит» системасида меҳнат муҳофазаси масалалари қандай ечилади?
- 11.Қандай меҳнат муҳофазаси тадбирларини биласиз?
- 12.Операторнинг электр ҳавфсизлик масалалари қандай ечилади?


## 10 боб. Операторлар гурухининг биргаликдаги фаолиятининг эргономик асослари

### 1. Операторлар гурухининг мидиэргономик системалардаги фаолияти.

«Инсон-техника-муҳит» системасининг макроиктисодий системаларда якка оператор қайд қилувчи воситалардан келаётган маълумотлар оқимини қабул қиласи, қайта ишлайди, сақладайди ва қарор қабул қилиб бошқарувчи ҳаракатларни амалга оширади.

«Инсон-техника-муҳит» мидиэргономик системаларда катта системаларни (завод, фабрика, самолёт, корабль) операторлар гурухи бошқаради. Бу ҳолда мавжуд бошқариш жараёни алоҳида операторлар фаолиятининг оддий йигиндиси бўлмай уларнинг системани биргаликдаги фаолиятидир. Бу ерда хар бир операторнинг бошқаси билан ўзаро таъсири ва ўзаро боғланишлари ҳисобга олиниши зарур. Операторнинг бир-бирига мос равишда келишилган ҳолдаги ҳаракатлари мидиэргономик системанинг ишончли ва самарали ишлаб туришини таъминлайди.

Қўйилган конкрет масалалар ҳарактерига қараб оператор гурухининг меҳнатни ташкил қилишнинг турли варианtlари қўлланилиши мумкин: занжир, юлдуз, доира, тармоқ ва х.к.



10.1-чизма. Операторлар гурухининг функционал структуралари

«Занжир» схемаси агар операторлар кетма-кет амалларни бажарса қўлланилади. Бунга мисол йиғиши конвеери бўлади.

Агар операторлар фаолияти параллел бажарилса, лекин бир шахс (бош оператор, мастер) томонидан назорат қилиб турилса, юлдуз схема қўлланилади.

Циклик жараёнлар доира схемасида бажарилади. Агар доира схемасидаги жараёнда операторлар яна бир неча операторлар билан қўшимча боғланишлар мавжуд бўлса, тармоқ схемаси қўлланилади. Мураккаб мидиэргономик системаларда юқоридаги схемалар комбинацияси қўлланилиши мумкин.

Операторлар гурухини ишончли ишлаб туриши учун мидиэргономик системада уларнинг самарали функционал структурасидан ташқари информацион алоқалар ҳаракети ва операторлар сонини ҳисобга олиш зарур.

Информацион алоқалар харақтерини аниқлашда авваламбор қуидагилар ечилади:

- ким билан информацион алоқада бўлади.
- маълумотлар йўналиши (бир ёки икки тарафлама).
- масалани ечишда қанчалик тез-тез маълумотлар алмашиниб турилади.

Операторлар сони оптималь бўлиши зарур. Ортиқча ёки кам операторлар иш самарасини йўқотади. Операторлар гуруҳини биргаликда фаолиятини ташкил қилишда қуидаги психологияк ва социал психологик факторлар ҳисобга олинади:

- гуруҳ фаолияти,
- гуруҳ муҳити (атмосфера) бирдамлиги,
- гуруҳни ташкил этила олиши-бирикиши.

Гуруҳ фаолияти олдиларига қўйилган масалани ечиш учун гуруҳ аъзоларининг биргаликда фаол ишлаши зарур. Гуруҳ атмосфераси – гуруҳни ишчанлигини (ишга яроқлилигини) белгиловчи гуруҳ аъзоларининг ўзаро муносабатлари мажмуидир.

Гуруҳнинг бирдамлиги қуидаги факторларга боғлик:

- шахсларнинг ўзаро биргаликда муносабатда бўла олиши,
- бир-бирига ташкилий боғликлик,
- фаолиятда психологик кайфият.

## **2. Операторлар гурухининг биргаликда фаолияти.**

Операторлар гурухининг биргаликдаги фаолиятининг белгилари қуидагилар:

- умумий мақсад,
- операторлар орасида меҳнат тақсимоти,
- бир-бирини (товуш, куриш, харақтер) қабул қила олиши,
- раҳбар органнинг мавжудлиги; функцияларни тақсиланиши, бажарилишини назорат қилиш, маъсулиятни тақсиланиши. Масалан самолёт экипажи умумий масалани ечади - пассажирларни манзилга етказиш. Бу масалани ечишда ҳар бир экипаж аъзоси ўз вазифаларини бажаради, ёнида жамоа аъзосини борлигини ҳис қилиб туради.


Гуруҳ бўлиб операторларни ишлашида муҳим омиллардан бири нутқ-сўз алмашинувиdir. Ўзаро мулоқотда операторлар бир-бирини қўллаб, ҳаракатларини координация қилиб турадилар. Ҳар қандай вазиятда ҳам оператор равон, босиқ товушда алоқада бўлиб туриши зарур. Ҳар бир фаолият учун белгиланган жумлалар йигмаси бўлиб, улардан фойдаланиб, масалалар ечилиб боради. Гуруҳда фаолият кўрсатилганда операторлар доимо ўзаро муносабатда ўзаро таъсирида бўлиб турадилар. Улар бевосита ёки воситалар ёрдамида таъсиранадилар. Демак бир оператор ҳаракатларида бошқа оператор таъсири садо бериши мумкин.

Операторлар гурухининг ўзаро таъсири қуидагиларда кўринади:

- вазифалар ва ҳаракатларни тақсимлаш.
- кетма-кет ёки параллел бажарилаётган ҳаракатлар билан алмашиниши.


- ўзаро муносабат, ўзаро алоқа, ўзаро таъсирлар.
- биргаликда фаолият кўрсатиши.

Гурух аъзолари орасидаги муносабатлар турлича бўлиши мумкин. Масалан самолётда ўзаро муносабатларни кўриб чикамиз:  
КВС ҳаво лайнери командири; ВП-2-пилот; Ш-штурман; БИ-борт инженери.



10.2-Чизма.

Чақмоқни айланиб ўтишдаги  
экипаж аъзоларининг ўзаро  
муносабатлар схемаси




10.3-Чизма.


Сўз алмашинувидаги экипажнинг  
муносабатлари схемаси

Демак, самолёт чақмоқни айланиб ўтишида командир, 2-пилот ва штурман иштирок этади. К-бошқаради, 2П- самолёт ҳолатини учиш режасини назорат қиласи, Ш- штурман командир билан атмосферани вазиятини баҳолайди, айланиб ўтиш маршрутини белгилайди. Маълумот келгач штурманнинг роли ортади. У ердаги диспетчерлар билан боғланиб туради. Операторларнинг группавий фаолияти самарадорлиги хар бир операторнинг индивидуал маҳоратидан ташкари уларнинг биргаликда равон ишлай олиши ўзаро психологик муҳити ва уларни бир-бири билан биргаликда фаолият кўрсата олишларига ҳам боғлиқ бўлади.

Учиш давомида барча экипаж аъзолари маълумот алмасиб кетадилар. Барча маълумотлар бортинженер орқали бўлади. Маълумотлар келгач ўзаро алоқалар яна ўзгаради:



10.4-Чизма. Маълумот  
келгач ўзаро  
муносабатлар схемаси



10.5-Чизма. Юлдуз схемадаги  
экипаж аъзоларининг ўзаро  
муносабатлар схемаси

## **2.Операторларнинг биргаликда ишлашининг социал-психологик аспектлари**

Операторлар гурухининг муҳим характеристикаларидан бири уларнинг биргаликдаги фаолиятининг эмоционал атмосферасидир. Ҳар бир гурух аъзоси маълум бир малака тажриба эгаси ҳисобланади. Уларнинг иккинчисига муносабати жамоа ичида кўриниб туради. Эмоционал муносабатлар натижаси операторлар гурухи орасидаги муносабатларни ривожлантиришга асос бўлади. Эҳтирос ишчи муҳитни жипслаштириши ёки бузиши мумкин. Ўзаро муносабатлардаги мусбат эҳтирослар ишчи муҳитни яхшилайди, бир хилликни йўқотади, экстремал вазиятлардан чиқиб кетишга имкон беради. Аксинча бўлса жамоа кучсизланади.

Группада муҳим эмоционал элемент бўлиб операторларнинг ўзаро муносабатлари ҳисобланади:

- вертикал бўйича – лидер билан гурух аъзолари орасида,
- горизонтал – гурух аъзолари ўзаро муносабатда,
- бирор шахс билан бутун гурух орасидаги муносабат.

Вертикал ўзаро муносабатлар субординация билан горизонтал ўзаро муносабатлар ўртоқчилик ва жамоачилик руҳида бўлиши зарур. Бу ерда ўзаро ишонч, киришувчанлик мавжуд бўлиши керак.

Гуруҳда операторларнинг ўзаро муносабатлари қатор ўзига хосликларга эга:

- кўпчилик ҳолларда бир-биридан фазовий чегараланиш;
- ўзаро муносабатларнинг кўплиги (зичлиги) техник воситалар орқали;
- бевосита контакт бўлмагандаги партнерининг ҳаракатларини башорат қилиш;
- масаланинг ечими натижалари факат операторнинг индивидуал тайёргарлигига эмас унинг муаммоларини бошқа аъзолар билан биргаликда еча олиши билан ҳам боғлиқ бўлади.

Операторнинг биргаликда ишлаш самарадорлиги социал психологик ва психологик ҳолатга боғлиқ бўлади.

Социал психологик мослил қўйидагиларда кўринади;

- гурух аъзоларида мақсаднинг ягоналиги;
- жамоанинг биргаликда фаолият кўрсата олиши.

Психофизиологик яқинлик қўйидагиларда кўринади:

- физиологик психомотор ривожланиш даражаси(ёши, ақлий фаолияти).
- психологик жараёнлар ва сенсор ҳаракатларнинг бир хил даражада кўриниши(бўлиши).
- у ёки бу малакавий кўникма ва билимларда операторларнинг бир хиллиги.
- одам организмининг юқори нерв системасини вакт бўйича ва зўриқиши бўйича юкланишларнинг ўзгаришларига мос реакция қилиши.
- темпераментнинг тўғри келиши ва бошқалар.

Операторлар гурухининг ўзаро фаолияти самарасининг интеграл характеристикаси уларни биргаликда ишлашидир.

Бу - юқори, ўзаро тушуниб, бир-бири фаолияти билан қониқиб субъектив маҳорат билан, энг кам энергия (вакт, маблағ) сарфлаб, мақсадга эришишнинг энг самарали йўлларини таъминловчи одамларнинг ўзаро муносабатлари

натижасидир. Алоҳида вазиятларда ҳавф-хатар (вазият) субъектив баҳоланади. Операторлар вазиятни турли факторларга боғлаб баҳолайдилар: соғлиги, ёши, узини хис қилиши, тажрибаси, малакавий тайёргарлиги, ва ҳ.к. Алоҳида вазиятларда қарор қабул қилишнинг алоҳида ҳусусиятлари бор, улар:

1. Қарор қабул қилиш вақти мейёрий вақтлардан ортади. (маълумотлар қайта текширилиши, ҳавф-хатар борлиги кўрилиши).
2. Алоҳида вазиятларда қабул қилинган қарор ишончлилиги ва аниқлиги янада юқорироқ бўлиши зарур (иш тезлиги ошганда ишончлилик ва аниқлик пасаяди).
3. Алоҳида вазиятларда қарор қабул қилиш инерцияси ортади.
4. Алоҳида вазиятларда оператор-ходим факат ўз интуициясига ва билимига кўпроқ таяниши керак.
5. Алоҳида вазиятларда «тўғри ечимлар» майдони камаяди.

Ҳавф туғилгандан оператор ўзининг барча хаётй ва эмоционал тажрибасини жалб қиласи. Эмоционал тажриба – экспериментал вазиятларда турли ҳаракатларни синтез қилиб, барқарор структурани яратиш учун зарур билим, укув, кўникмалар мажмуудир.

Эмоционал тажрибада 5 та ташкил этувчиlardan иборат бўлади: ўзаро таъсир, ўрганиш тажриба, ирода тажрибаси, моторли тажриба ва биологик тажриба:

- ўзаро таъсир тажрибаси натижасида 12% ҳавфли вазиятлардан чиқилади.
- ўрганиш тажрибаси натижасида - 47%.
- ирода тажрибаси натижасида – 24%.
- мотор тажрибаси натижасида – 14%.
- биологик тажриба натижасида – 1%; алоҳида вазиятлардан чиқиб кетилади.

Эмоционал тажрибасини куйидаги команда аъзоларининг таркибий кўринишида ифодаланади:



## 10.6 чизма. Гурухда операторларнинг эмоционал тажрибасининг таркибий кўринишлари.

Реал экстремал вазиятларда бир неча тажриба даражалари қўлланилади. Хулқ-атвор стили нима, у қандай аниқланади. Стил – хулқни фаолиятни, бирор иш бажариш йулларини услублари мажмуuidир.

Хулқ стили – шахснинг бирор вазиятда ўзини тутиши, ҳаракатлари услубларидир. Унинг шахсни йўналтирилганлиги:

- эргонойўналтирилганлик – инсоннинг ўз хусусий эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ҳаракат қилиши.

- бошқа шахслар билан ўзаро муносабатларини ҳисобга олиб ҳаракат қилади, шахс жамоа бўлиб ишлаганда ўз ишидан баҳра олади.

- иш хусусида ҳаракат қилиш, факат унумли ишлаш, яхши натижа олишни ўйлайди.

Турли шахсларда юқоридаги фаолиятининг йўналтирилганлиги турлича бўлади. Лекин бирор стил асосий бўлиб қолади. Асосий стил қандай аниқланади?

Буни кўп усуллари бор, масалан Пейхасов тести, ёки  $\mu$  - тўри.

Тест натижаларига кўра шахс хулқининг йўналтирилганлиги аниқланиб олинади. Масалан: эргойуналтирилганлик  $\lambda = 45$ , жамоа манфаатини кўзлаш  $\lambda = 24$ , иш натижаси юқори бўлиши бўйича  $p = 12$ .

Бу кўрсаткичлар қўшилиб  $(\lambda + \lambda + p)$   $\mu$  тўри бўйича шахс хулқи аниқланади.  $\mu$  тўрида бир неча зоналар бор:

1 – стил – ўз хусусини уйлаб иш қилади.

1а – стил – шахс ўзини, жамоани, ишни манфаатини ҳисобга олмайди.

1б – стил – ўз хусусини ўйлайди, одамлар билан ўйнайди.


2 – стил – жамоа хусусини ўйламайди, ўзи юқори даражага эришишни ўйлайди.

3 – стил – факат ишни ўйлайди.

4 – стил – иш ва жамоа хусусини ўйлаб иш қилади.

4а – стил – жамоа учун ишга шўнғиган.

4б – стил – ўзини ўйламайди, фаоллиги паст.



10.7-Чизма.  $\mu$  - тури. (Пейхасов тести бўйича шахс стилини аниқлаш.)

5 – стил – фақат жамоа манфаати билан яшайди. Идеал мутахассис.


6 – стил – ишни ўйламайди, яхши жамоа аъзоси, хуш муомалали, лақиллашни яхши кўради.

7 – стил – барчани манфаатларини ўйлайди.

Команда тузишда ҳар бир ходимнинг хулқ атворини кўриб чиқиш зарур, шундагина жипс, ишchan жамоа ҳосил бўлади.

Хулқнинг стилини аниқлашга мисол.

$\Theta = 45$ ;  $\lambda = 24$ ;  $p = 12$ . 1-стил.



10.8-Чизма.  $\mu$  - тури. (Пейхасов тести бўйича шахс стилини аниқлаш.)

Операторлар гурухини ташкил қилиш мураккаб узлуксиз жараён бўлиб, қатор босқичларни, тўғрилашларни, аниқликлар киритишни ўз ичига олади.

1. Гурухнинг таркибини (структурасини) аниқлаш.

Гурух таркиби улар ечиши керак бўлган масалалар характеристидан ва баҳолаш мезонларидан келиб чиқиб аниқланади. Масалан самолёт экипажининг аъзоларини танлашда қуийдаги меъзонларга асосланадилар:

Мутахассис сифатида компетенцияси, психологик биргалик, мослиқ: Жисмоний тайёргарлиги ва ҳ.к.

Гурух бўлиб тайёрланишда қуийдагилар таъминланиши зарур:

- гурух аъзоларининг юқори малакаси мустақил фаолият кўрсата олиши.
- умумий кадриятлар бўйича фикрлаш, асосли биргаликда ишлай олиши, хамкорликка интилиши.
- тенглик ва мусобақали муҳит яратиш.

- мутахассисларнинг ўзаро алмашинуви.
- гурух аъзоларининг шахсий ҳусусиятларини ҳисобга олиш.
- раҳбарларни бошқариш маҳоратига ўқитиш, ўргатишни ташкил қилиш.

3. Гурух фаолиятини бошқариш.

Бу босқич қуидагиларни ўз ичига олади:

- гурух аъзолари орасида вазифаларни оптимал таксимлашга эришиш, бунда уларнинг малакасини, индивудал-психологик ҳусусиятларини ҳисобга олиш.
- кичик ва катта гурухларни бошқаришга гурух раҳбарларини ўргатиш.
- гурух меъёрлари ва қадриятларини шакллантириш.
- гурухларда ёпиқ кичик нимгурухлар пайдо бўлишини олдини олиш.

**Назорат учун саволларлар:**

1. Операторлар гуруҳи нима?
2. Операторлар гуруҳининг қандай функционал структураларини биласиз?
3. Биргаликда ишлаш ҳусусиятлари нималардан иборат?
4. Биргаликда ишлашнинг эмоционал муҳити қандай?
5. Эмоционал тажриба нима?
6. Ўзаро муносабатлар тажрибаси нима?
7. Ўрганиш тажрибаси нима?
8. Ирода тажрибаси нима?
9. Мотор тажрибаси нима?
10. Биологик тажриба нима?
11. Хулқ стили нима ва у қандай аниқланади?
12. Қандай хулқ стилларини биласиз?
13. Гурух қандай шаклланади?

## **Пейхасов тести**

Тест саволларига жавобни фоизларда кўрсатинг А, Б, В вариантлари суммаси 100% бўлиши зарур. Жавобни жадвалга тушириб беринг.

### **1. Энг яхши қониқиши оламан.**

- А) Мени ишимни қўллашса.  
 Б) Ишимни яхши бажарилганига ишонсан  
 В) Мени дўстларим ўраб турганини ҳис килсан

### **2. Агар мен футбол (волейбол, баскетбол) ўйнасанмен мен хоҳлардимки.**

- А) Ўйин тактикасини ишлаб чиқарувчи тренер  
 Б) Машҳур ўйинчи  
 В) Сайланган команда сардори

### **3. Яхши раҳбар бўлиши мумкин.**

- А) Ўз ходимларига индивидуал ёндаша олади, ҳар бири билан қизиқади  
 Б) Ишга қизиқиши ўйғотади ва ходимларини малака-билимларини ошириб, ишдан кониқиши олиб фаолият кўрсатишни таъминлайди.

В) Жамоада шундай муҳит яратадики, жамоа аъзолари ҳеч қўрқмай ўз фикрларини очик айта оладилар

**4. Одамлар менга ёқади қачонки улар**

А) Бажарилган ишни қўриб хурсанд бўлса.

Б) Жамоада жон береб ишлайди.

В) Бошқалардан яхшироқ ўз ишини бажаришга ҳаракат килади

**5. Менинг дустларим шундай бўлишини хохлардим.**

А) Имконият бўлса бир бирларига ёрдам берса ташвишларини бўлишса

Б) Менга содик бўлишса

В) Аклли ва қизиқарли бўлишса

**6. Яхши дўстларим деб ҳисоблайман, кимларни**

А) Ким билан муносабатларимиз яхши бўлса

Б) Кимга доимо ишона олсан

В) Ким ҳаётда кўп нарсага эришса

**7. Энг ёмон кўраман**

А) Ҳаракатларимдан ҳеч нарсага эриша олмасам

Б) Ўртоқларим билан муносабатларим бузилса

В) Мени танқид қилишса

**8. Энг ёмони менимча агар раҳбар.....**

А) Агар ўзига ёқмаган ходимларни яширмай айтса

Б) Жамоада мусабака руҳини сақлаб турса

В) Ўз ўрнига мос бўлмаса, билимлари етарли бўлмаса

**9. Болалигимда менга энг кўп ёқарди.**

А) Дўстлар билан вақт ўтказиш

Б) Ишни тўғри бажаришлик ҳисси

В) Мени мақташса

**10.Мен ўхашни хохлардим**

А) Ким ҳаётда кўп нарсага эришган бўлса

Б) Ўз касби кори билан яшайди

В) Ҳайрихоҳ эътиборлиги билан ажralиб турса.

**11.Замонавий таълим тизими таъминлаши керак**

А) Хаёт қўяётган талабларни ечишни ўргатиши

Б) Шахсни индивидуал қобилиятини ўстириш-шакллантириш керак

В) Одамлар билан ўзаро ёрдам қилиб ишлашни ўргатиши керак

**12.Агар имкониятим бўлса бўш вақтларимда мен кўпроқ шуғулланар эдим**

А) Дустлар билан мулоқотда бўлар эдим

Б) Дам олиб баҳра олар эдим

В) Яхши кўрган ишим билан шуғулланиб, ўз билимимни интелектимни оширадим

**13. Юқори ютуқларшга эришаман қачонки:**

А) Менга ёқимли инсонлар билан ишласам

Б) Мен ўзим ёқтирган иш билан машғул бўлсам

В) Мени ҳаракатларим тўғри такдирланса

**14.Менга яхши қачонки:**

- А) Бошқалар мени қадрлашса
- Б) Яхши бажарилған ишдан қониқаман
- В) Дүстлари орасыда бўлсам

**15.Мен ҳакимда газетада ёзишса ҳохлар эдим**

- А) Мен иштирок этган қизиқарли иш ҳақида ёзишса (ёки спорт, ўқув жараёни ва ҳоказо)
- Б) Мени фаолиятимни ёзишса
- В) Мен ишлаётган жамоа ҳақида ёзишса

**16.Мен ишда юқори кўрсаткичларга эришаман агар мени раҳбарим ...**

- А) Менга индивидуал ёндаша олса
- Б) Мени ишга жалб қила олса
- В) Жамоада муаммоларни биргаликда таҳлил қиласа

**17.Мен учун энг ёмни**

- А) Шахсиятимни паймол қилишса
- Б) Мухим ишни ечишда хато қиласа
- В) Дўстларимни йўқотсан

**18.Энг кўп қадрлайман**

- А) Ютуқларни
- Б) Биргаликда яхши ишлаш
- В) Тиник фикр ва ўткир амалий ақл

**19.Мен шундай одамларни ёмон кўраман**

- А) Бошқалардан ўзини паст оладиган
- Б) Тез-тез уришиб қолади, конфликтда бўлади
- В) Ҳар қандай янгиликка қарши туради

**20. Менга ёқимли:**

- А) Ҳамма учун мухим иш билан банд бўлсам
- Б) Кўп дўстларим бўлса
- В) Ҳаммага ёқимли бўлсам

**21.Раҳбар биринчи навбатда бўлиши зарур**

- А) Ҳама учун яқин бўлиши
- Б) Ҳурмат-эътиборли
- В) Талабчан

**22.Бўш вақтларимда қуйидаги китобларни ўқир эдим**

- А) Қандай дўст орттириш, одамлар билан яхши муносабатларни сақлаш ҳақида
- Б) Машҳур қизиқарли инсонлар ҳақида
- В) Фан техниканинг охирги ютуқлари ҳақида

**23.Мусиқа билан шуғулланиш имкониятим бўлса мен бўлар эдим**

- А) Дирижёр
- Б) Композитор
- В) Солист

**24. Мен ҳохлайман**

- А) Қизиқарли конкурс ўйлаб топишни
- Б) Конкурсда ғолиб бўлишни
- В) Конкурс ташкил қилиб унга раҳбарлик қилишни

**25. Мен учун мұхими билишим.**

- А) Нима қилишни билишим
- Б) Мақсадға қандай эришиш мүмкінлегини
- В) Мақсадға эришиш учун одамларни жамоани ишни ташкил қилишни

**26. Одам доимо интилиши керак**

- А) Ундан бошқалар рози бўлса
- Б) Аввалом бор ўзини олдига қўйган масала, муаммоларини ечиш
- В) Уни бажарган иши учун бошқалар норози бўлмасин

**27. Бўш вақтларимда мен энг яхши дам оламан**

- А) Дўстларим даврасида
- Б) Кўнгилочар фильмлар кўриб
- В) Ўзим яхши кўрган иш билан машғул бўламан

## КАЛИТ

№	Э	%	Л	%	Р	%
1	А		В		В	
2	Б		В		А	
3	А		В		Б	
4	В		Б		А	
5	Б		А		В	
6	В		А		Б	
7	В		Б		А	
8	А		Б		В	
9	В		А		Б	
10	А		В		Б	
11	Б		А		А	
12	Б		А		В	
13	В		А		Б	
14	А		В		Б	
15	Б		В		А	
16	А		В		Б	
17	А		В		Б	
18	А		Б		В	
19	А		Б		В	
20	В		Б		А	
21	Б		А		В	
22	Б		А		В	
23	В		А		Б	
24	Б		В		А	
25	А		В		Б	
26	В		А		Б	
27	Б		А		В	
Жами						

### Тест натижаларини таҳлил қилиш

Ҳар бир (Э, Д, Р) шахснинг хулқ атвори йўналишининг аниқлаш учун 27 савол жавобларини йифиб чиқиб, уни 33,33 га бўламиз, кейин ҳар бир йўналиш турини балларини яхлитлаб, (Э+Л+Р) шартини ҳисобга олиб аниқлаймиз.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Адамчук В.В. Варна В.В. и др. Эргономика: Учебное пособие для вузов. М. 1999. 254 с.
2. Перегудов Л.В., Чернышева Е.М. Человеческие факторы в инженерии и на производстве. Тошкент. ТГТУ. 2004г. 2001с.
3. Гулямов С.С., Перегудов Л.В. Основы системного подхода в науке и технике. Тошкент. Молия. 2002г. 120с.
4. Перегудов Л.В. Сайдов М.Х. Менеджмент и экономика высшего образования. Тошкент. Молия. 2001г. 252с.
5. Венда В.Ф. Средства отображения информации. М. Энергия., 1969г. 303с.
6. Справочник по инженерной психологии. Под ред. Ломова Б.Ф. М., 1982г. 368с.
7. Введение в эргономику. М. Машиностроение. 1974г. 146с.
8. Человеческий фактор. Т.1 Эргономика – комплексная научно-техническая дисциплина. Перевод с англ. Ж. Кристенсен и др. М. Мир. 1991г. 559с.
9. Эргономические основы проектирования рабочих мест. Перевод с англ. К. Крёмер и др. М. Мир. 1992г. 390с.

Муалифлар: Техника фанлари номзоди, доцент Рустам Баратов  
Техника фанлари номзоди, доцент Абдугани Рахматов

«Инженерлик ишалри ва ишлаб чиқаришда инсон фактори» фанидан

Ўқув кўлланма

Мухаррир: М.Р..Нуртоева  
Мусаххих: Д. Бойзақова

Босишга руҳсат этилди\_\_\_\_\_ Коғоз ўлчами 60×84 1/16 ҳажми  
8 б.т. 50 нусха. Буюртма ТИМИ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент 700000, Қори-Ниёзий қўчаси, 39- уй.